

ҰЗЫН  
ҰЯ 84

ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ

АҲМАД ЯССАВИЙ  
СУЛАЙМОН БОҚИРГОНИЙ

ҲАҚМАТЛАР



ЎЗИ  
984

ТАФАККУР ТУҲФАЛАРИ

АҲМАД ЯССАВИЙ  
СУЛАЙМОН БОҚИРГОНИЙ

*ХИКМАТЛАР*



ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

Я 84

Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи:


Эргаш ОЧИЛОВ,

*филология фанлари номзоди*

**Ахмад, Яссавий**

Я 84      **Хикматлар** / А. Яссавий, С. Бокирғоний; тузувчи Э. Очилов). – Т.: «Ўзбекистон», 2013. – 272 б.

Ахмад Яссавий ва Сулаймон Бокирғоний хикматлари асрлар давомида туркий халқлар орасида машҳур бўлиб, оғзаки ва ёзма шаклда кенг тарқалган. Икки забардаст шайх-шоирнинг абадиятга даҳлдор кенг ва теран тафаккури маҳсули бўлмиш ушбу хикматлар тўплами туркий адабиётда хикмат айтиш анъанасини бошлаб берган «Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи» Хожа Ахмад Яссавий «Девони хикмат» асарининг турли нашрлари ва «Факрнома» рисоласи, унинг содик шогирди ва событ сафдоши, Ҳаким ота номи билан шуҳрат тутган Сулаймон Бокирғонийнинг «Бокирғон китоби» ичida келган дурдона фикрлари асосида тузилди. Инсоний комилликка даъват, эзгу ахлоқ ташвиқи ёмон хулқлар танқиди, дунё, нафс мазаммати, панд-насиҳат, фалсафий мухокама-мушоҳада етакчи ўрин тутган гўзал шакл, равон услугуб, содда тилдаги чуқур мазмунли бадиий юксак бу хикматлар кенг ўқувчилар оммасига манзур бўлади, леган умиддамиз.




УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-01-948-5

© «O'ZBEKİSTON» НМИУ, 2013

## АХМАД ЯССАВИЙ





## МАЬНО СИРЛАРИ

Алишер Навоий «Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи» деб таърифлаган Хожа Аҳмад Яссавий XI асрнинг иккинчи ярмида Сайрамда – маърифат ва футувват ахлидан бўлмиш Шайх Иброҳим оиласида дунёга келади. Унинг вафот этган йили барча илмий адабиётларда 1166–1167 йил деб белгиланган ва бу борада олимларнинг қарашларида ихтилоф йўқ. Лекин туғилган йили аниқ эмас. Бунинг сабаби улуф авлиёнинг ҳаёти ва фаолияти афсона-риоятларга йўғрилиб, қанча яшагани турли-туман талқин қилиниб келинаётганидадир. Уни 120, 125, ҳатто 130 йил умр кўрган дейдилар. У 63 ёшга тўлганида, ер юзида Пайғамбардан узоқ яшашга андиша қилиб, бир чиллахона ғаздиради ва умрининг охиригача ташқарига чикмай, ўша жойда ҳаёт кечиради. «Лекин у ер остига кирганда ҳам дунёвий ишлардан воз кечмаган: унинг олдига турли ерлардан олимлар ва бошқа (унинг ақидалари билан кизиққан) шахслар келиб-кетиб турганлар, шоир улар билан сұхбатлар ўтказган»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Рустамов Э. Аҳмад Яссавий хикматларида тарих ва жет садоси// «Ўзбек тили ва адабиёти», 1972, 4-сон, 23-бет.

Хожа Аҳмаднинг онаси Шайх Иброҳимнинг халифаси Мусо Шайхнинг қизи Ойша хотун эди (Уни Корасоч момо ҳам дейдилар). Демак, у ҳам ота, ҳам она томонидан шайхзодадир. Бундан ташқари, Аҳмад Сайрамдаги аждодларини Ҳазрат Алига боғлайдиган хожалар сулоласига мансуб. У оиласда иккинчи фарзанд ҳисобланади. Гавҳари Шахноз исмли опаси бўлган. Аҳмад туғилгандан кўп ўтмай онаси, етти ёшида эса отаси дунёдан ўтиб, унинг тарбияси опаси Гавҳари Шахноз зиммасига тушади. Кейин улар Ясси шаҳрига қўчиб боришади ва шу ерда у тариқат йўлидаги илк устози Арслонбоб билан учрашади. Бу ҳақда унинг ўзи кейинчалик хикматларида шундай ёзган эди:

*Етти ёшда Арслон бобом излаб топти,  
Ҳар сир кўруб, парда бирла букуб ёпти,  
Биҳамдуллоҳ, кўрдум, деди, изим ўпти...*

Маълумки, тариқат талабига кўра, солик бирор етук шайхга кўл бериб, унинг раҳнамолигида риёзат босқичларини босиб ўтади. Лекин баъзи сўфийлар бунга эҳтиёж сезмайдилар. Чунки уларни Хизр алайҳиссалом, Муҳаммад алайҳиссалом ёки ўтган буюк авлиёлардан бирининг рухи ғойибона тарбиялади. Бу ҳодиса тасаввуфда увайсийлик деб аталади. Сабаби – яманлик дарвеш Увайс Қараний Муҳаммад алайҳиссалом руҳидан ғойибона тарбия олган. Бу – шунга ишора.

Чунончи: «Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳиға тажаллий қилди ва онинг мураббийси бўлубдур»<sup>1</sup>, – деган эди Жалолиддин Румий. Ёки Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд Абдулҳолик Фиждувоний руҳидан тарбия топгани маълум. Иброҳим Адҳам, Абусаид Абулхайр, Абулҳасан Ҳарақоний, Абулқосим Журжоний, Нажмиддин Кубро каби улуғ зотлар ҳам айнан увайсийлик орқали камолотга эришганлар.

Аҳмад Яссавий ҳам увайсий шайхлар сира-сига киради. Ривоят қилишларича, Мухаммад алайҳиссалом саҳобалари билан ғазотга кетаётганларида Жаброил алайҳиссалом жаннатдан бир товоқ хурмо келтиради. Иттифоко, бир дона хурмо ерга тушади. Жаброил алайҳиссалом бу хурмо бир неча вактдан кейин дунёга келажак Аҳмад Яссавийнинг насибаси эканлигидан хабар беради. Мухаммад алайҳиссалом саҳобаларига юзланиб:

– Бу омонатни эгасига ким етказади? – деб сўрайдилар.

Хеч ким бу ишга журъат қилмайди. Шунда Арслонбоб:

– Агар лозим кўрсангиз, бу вазифани мен ўз зиммамга олсам, – дейди. Пайғамбар ўз муборак қўллари билан хурмони унинг оғзига солиб қўяр экан, Аҳмаднинг таъриф-тавсифини келтириб, унинг тарбияси билан шуғулланишни амр

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд. – Тошкент: «Фан», 2001. 459-бет.

этадилар. Ахмад 7 ёшда экан, Арслонбоб уни излаб келади. У мактабдан қайтаётган Аҳмадни ўзига маълум ишораларга кўра таниб, унга салом беради. Ахмад жавоб қайтариб, ўзига аталган «омонат»ни сўрайди. Арслонбоб Оллоҳнинг иродасию унинг валийлигига қойил қолади. Бу ҳақда Яссавий ҳикматларидан бирида:

*Етти ёшда Арслонбобга қилдим салом:  
«Ҳақ Мустафо омонатин қилгин инъом», –*

деб ёзган эди. Бугина эмас, Аҳмадга ёшлигиданок Хизр алайҳиссаломнинг назари тушиб, ундан турли кашфу кароматлар содир бўлган.

Тасаввуфда ҳар бир пир муридни ўз билими ва истеъоди даражасида тарбиялагач, лаёқатига қараб, уни ўзидан кучли пирларга йўллаган. Шу тариқа кўп сўфийлар бир неча пирнинг тарбиясини олганлар. Арслонбоб ҳам Аҳмаднинг бошланғич тарбиясини ниҳоясига етказгач, уни ўша даврдаги илм-маданият марказларидан бири бўлган Бухорои шарифга йўллади. Бу ерда у диний ва тасаввуфий илмларни чуқур ўрганишга киришади, араб ва форс тилларини мукаммал ўзлаштиради. Бухорода унинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этган вокеа юз беради – у ўша замоннинг буюк шайхи Юсуф Ҳамадоний билан учрашади ва унга мурид бўлади. Ҳожа Аҳмад Яссавийдан ташқари, Ҳожа Абдуллоҳ Барракий, Ҳожа Ҳасан Андоқий, Ҳожа Абдулхолик Фиждувоний

каби ислом олами ва тариқат тарихида машхур шайхлар ҳам Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдлари ҳисобланадилар. Юсуф Ҳамадонийнинг истеъоди ва мақоми улуғ бўлганлигини 17 та муриди комил авлиё даражасига етгани, Шарқ халқлари ижтимоий-маънавий ҳаётида мухим ўрин тутган яссавия ва хожагон-нақшбандия тариқатларининг асосчилари бевосита унинг издошлари эканлигидан ҳам билса бўлади. Яссавий Ҳамадонийнинг учинчи халифаси бўлган. Юсуф Ҳамадоний вафот этгач, унинг ўрнини аввал Абдуллоҳ Барракий, кейин эса Ҳасан Андоқий эгаллайди. Андоқийдан сўнг иршод хирқаси Яссавийга топширилган. Бир муддат хонақоҳ муршиди сифатида фаолият қўрсатгач, у устозининг маънавий ишоратига кўра, ўз ўрнини ҳам, муридларини ҳам Абдулхолик Фиждувонийга қолдириб, Яссига қайтади. Бу ерда халқни исломга, тариқатга даъват этиб, яссавия деган янги ва илк туркӣ тариқатга асос солади. Унда исломий тасаввуф ғоялари биринчи марта туркӣ тилда талқин ва тарғиб қилинган. Мумтоз адабиёт билимдони, таниқли яссавийшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг ёзишича, у Куръони каримни асос қилиб олиб, форсий тасаввуф тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, туркӣ ахлок, қадимий туркӣ дунёқараш ва ишончларни ҳам ўзига омухта қилган. «Яссавийликда илм-маърифат эгаллаш, ҳиммат ва саховат туйғуларини камол топтириш, нафсга қарши

курашда событ бўлиш, ҳалол меҳнат билан ризқ топишга алоҳида аҳамият берилган»<sup>1</sup>.

Яссавийлик жаҳрий зикрга асосланади. «Жаҳриянинг моҳиятини нидо ва ҳайқириқ ташкил этади. Муридлар шайх атрофида ҳалқа ва тӯда бўлиб, симфоник жўровоз билан Оллоҳга зикр бажо келтириб, муножот қиласидилар»<sup>2</sup>. Бундай зикр пайтида бўғиздан арнанинг товушига ўхшаган овоз чиққани учун у «зикри арра» деб хам юритилган. «Ахмад Яссавий хаётлигигидаёқ узоқ ўлкаларга муридларини жўнатиб, ўз тариқатини кенг тарқатишга ҳаракат қилди». Тадқиқотлардан маълум бўлишича, «яссавия тариқати аввал Сайхун ва Тошкент худудида, кейинроқ Хоразм, Мовароуннахр, Хурросон, Озарбайжон ва ҳатто Онадўли диёрларида кенг тарқалди (манбаларда айтилишича, яссавийлик шимолда Қозонгача, Фарбда Болқон ярим оролигача етиб борган. – марж.)»<sup>3</sup>.

Маълумки, шеърнинг таъсир кучи бекиёслиги ва ёдда қолиши осонлигини пайқаган тасаввувф шайхлари бу борада ўз таълимотларини омма орасига ёйиш учун шеъриятдан бир восита сифатида фойдаланганлар. Форсий тасаввувф шайхлари бу борада кўпроқ рубоийга таянган

<sup>1</sup> Яссавийлик // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. – Тошкент, 2005. 414-бет.

<sup>2</sup> Абдуллаев А. «Девони хикмат»да яссавия тариқати гоялари // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2005, 6-сон, 16-бет.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: *Турар У.* Тасаввувф тарихи (Нодирхон Ҳасан таржимаси ). – Тошкент: «Истиқлол», 1999. 107-бет.

бўлсалар, туркий тасаввуф шайхлари ҳикмат айтганлар. Яссавий ҳам «Оддий халқ оммаси англайдиган услубда сўфиёна ҳикматлари – шеърлари билан атрофидаги одамларни Ҳақ йўлига чакиради, уларнинг маънавиятига кучли таъсир қўрсатади»<sup>1</sup>. Чунки «Яссавий яшаган даврда Туркистон ва унинг ён-атрофидаги худудларда тасаввуф таълимоти ҳануз кенг тарқалмаган эди. Бу ўлкаларда яшовчи туркий қавмларни тасаввуф таълимоти билан яқиндан таништириш учун ўша қавмларнинг табиатлари, шароитларига уйфун келадиган усулга эҳтиёж бор эди. Яссавий томонидан туркийда айтилган содда ва равон ҳикматлар худди ана шу эҳтиёжни бартараф айлади»<sup>2</sup>. Таникли адабиётшунос олим Натан Маллаев Аҳмад Яссавий ҳикматларининг кўпчилиги муайян бир куйга мувофиқ яратилиб, шайху муридлар томонидан куйлангани, ваъзларда ўқилгани ҳақида маълумот берган эди<sup>3</sup>. Айни жиҳатдан, Ҳожа Аҳмад Яссавий туркий адабиётда ҳикмат жанрининг асосчиси ҳам ҳисобланади.

<sup>1</sup> *Турап У. Кўрсатилган асар. 106-бет.*

<sup>2</sup> *Ҳасан Н. Тадқик ва таҳлил эҳтиёжи // Ҳожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, ижоди ва анъаналари (Мақолалар тўплами). – Тошкент, 2001. 321-бет.*

<sup>3</sup> Бу ҳақда каранг: *Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1976. 158-бет. Ҳозирги кунда ҳам Аҳмад Яссавийнинг қатор ҳикматлари Носир Алимаҳсумов, Баҳтиёр Холхўжаев каби санъаткорлар томонидан ижро этилмокда.*

«Хожа Ахмад Яссавий бу орада ҳажга боради ва Марказий Осиё, Эрон, Арабистонни кезиб чиқади. Кўп шайхлар, азиз-авлиёлар ва машҳур рухонийлар билан учрашади. XII асргача Туркистон ўлкаси ҳакида менсимай сўзлаганлар энди уни хаяжон ва эҳтирос билан тилга оладилар, уни табаррук ўлка сифатида қайд этадилар. Бу эса муборак Хожа Ахмад Яссавий номи билан боғлиқ эди. Унинг номи XII асрдан кейин Туркистонни авлиёлар манзилига айлантириди. Яссавий кароматлар ва мақомотлар билан яшарди ва барча туркистонликлар унга ихлосу эътиқод қиласиди»<sup>1</sup>.

Алишер Навоий ҳам «Насойим ул-муҳаббат»да Аҳмад Яссавий ҳакида юксак фикрлар билдиради: «Макомоти олий ва машҳур, каромоти мутаволи<sup>2</sup> ва номаҳсур<sup>3</sup> эрмиш. Муриду асҳоби<sup>4</sup> фоятсиз ва шоху гадонинг иродат ва ислоси остонида ниҳоятсиз эрмиш... Анинг маҳзори Туркистонда – Яssi деган ердаки, анинг мавлид<sup>5</sup> ва маншаъидур<sup>6</sup>, воқеъ бўлибдур ва Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур»<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Абдуллаев А. «Девони хикмат»да яссавия тариқати ғоялари. 15-бет.

<sup>2</sup> Мутаволи (*и*) – пайдарпай, кетма-кет.

<sup>3</sup> Номаҳсур – чексиз, ҳад-хисобсиз.

<sup>4</sup> Асҳоб – дуст, сұхбатдош.

<sup>5</sup> Мавлид – туғилган жой.

<sup>6</sup> Маншаъ – асл, ўзак, келиб чиқиш жойи.

<sup>7</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар туплами. 17-жилд. 419-бет.

Асосий шиори луқма ҳалоллиги бўлган тарикат аҳли фақат ўз пешона тери әвазига кун кўришни мақсад қилиб олганлар. Кўлидан иш келадиган ҳар бир сўфийнинг бирор-бир фойдали меҳнат билан шуғулланиши шарт бўлган. Тасаввуф тарихига назар ташласак, донгдор шайхларнинг ҳам қўпчилиги муайян касб билан шуғулланганиклари кўрамиз. Ҳожа Аҳмад ҳам буюк салафлари анъанасини ихлос билан давом эттирган. «Яссавийнинг шахсий хаёти бугун кишиларимиз учун катта ибрат намунаси-дир. У зот бир кунлик ҳаётини учга тақсимлар: биринчи қисмида талабалар билан шуғулланиб, уларга илму ирфондан сабоқ берар, иккинчи қисмида ибодатлари билан машғул бўлар, учинчи қисмида эса қошиқтарошлиқ қилиб, ҳалол меҳнат қиларкан»<sup>1</sup>.

Манбаларда ёзилишича, Аҳмад Яссавийнинг Иброҳим исмли ўғли ва Гавҳари Хушноз (ёки Гавҳари Шаҳноз) исмли қизи бўлган. Ўғли ёш ўлиб кетади, қизининг насли эса узок давом этади.

Яссавий ҳикматлари қадимдан туркий ҳалқлар орасида машҳур бўлган. Бу ҳикматларнинг тили ҳайратланарли даражада ўз даври тилидан узоклашиб, XVII–XVIII асрлар тилини, янада аникрофи, бир қадар замонавий тилни эслатиши уларнинг тилдан тилга қўчиб, сайқалланиб,

<sup>1</sup> Махмуд Асъад Жўшон. Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари // Ҳожа Аҳмад Яссавий: хаёти, ижоди ва анъаналари. 19-бет.

ўзгариб келишидир. «Девони ҳикмат»нинг қадимий қўлёзмалари топилмаган. Унинг мавжуд нусхаларини кейинги асрларда ҳалқ оғзидан ёзиб олиб, китоб холига келтиришган. Бу ҳол баъзи тадқиқотчиларда шубҳа түғдиргани, «Яссавий ҳикмат ёзганми ўзи?» деган саволларни келтириб чиқаргани маълум. Лекин Яссавийнинг қўлга қалам олиб ёзмаса-да, ҳикмат айтгани аниқ. Девондаги қўйма шеърлар, байт ва ташбехлар шундан далолат беради.

«Насойим ул-муҳабbat»да келтирилишича, Сулаймон Боқирғоний ҳали Аҳмад Яссавий қўлида тарбияланадиган давридаёқ унга «ҳикмат тили гўё» бўлган ва бу донишманд муридига Ҳаким лақабини ҳам устози берган<sup>1</sup>. Бу далил диний ва тасаввифий илмлар қатори, ҳикмат айтишни ҳам Боқирғоний Яссавийдан ўрганганига бир ишорадир. У ўз устозини ҳикматларида «машойихлар сараси», «икки жаҳон кўзгуси» каби сифатлар билан улуғлайди.

Маълумки, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий юксак байтларни Шарқ адабиётида шоҳбайт дейишади. Хожа Аҳмад Яссавий девонида ҳам шундай мукаммал байтлар, гўзал мисралар, охорли ташбехлар мавжудки, ифода тарзи, тили ўзгаришга учрагани билан моҳияти ўзгармаган, уларни қомусий билим, катта ҳаёттый тажриба, юксак шеърий салоҳияти бўлмаган бир кишининг айтиши амримаҳол. Бу байт,

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. 420-бет.

мисра ва ташбехларни, таъбир жоиз бўлса, бемалол шоҳбайт, шоҳмисра ва шоҳташбех деб айтиш мумкин. Зеро, улар шоирона тизмалар, бадиий салмоғи баланд шеърлар, ҳар бири бир ҳикмат даражасидаги қуйма битиклар. Чунончи, байтлар:

\* \* \*

*Чин олим ёстугин тоштин яратти,  
Нима уқти, ани оламга айтти.*

\* \* \*

*Йўлга кирган охир мурод топар, дўстлар,  
Фофил юрган умрин елга сотар, дўстлар.*

Мисралар:

*Толибларга дурру гуҳар сочтим мано.*

\* \* \*

*Қанот қоқар учар қуашдек кўнглим менинг.*

Ёки мана бундай ташбехлар, ҳикматли иборалар, фикрларни шоирона табъ ва завқ сохиби бўлмаган кишининг айтиши қийин: «шавқ шаробин ичтим мано», «дарё бўлуб тоштим мано», «ишқ дўконин қурдим мано», «кўнгул қуши ломаконга етди», «завқ дарёси мавж урди» ва ҳоказо.

Ахмад Яссавий ҳикматларида Куръони карим маънолари талқини, ислом аҳкомлари ва тариқат асослари тарғиби, илохий ишқ тараннуми, панд-насиҳат, эзгу ахлоқ таърифи,

ёмон хулқлар, дунё, нафс танқиди, фалсафий мухокама-мушоҳада, ҳасби ҳол оҳанглари, ўзни ёзғириш – мазаммат этиш ғоялари етакчи ўрин тутади. Нафсни синдириш ва кибрни маҳв этишни ўзининг асосий шиори қилиб олган маломатия таълимоти ғояларидан таъсирланган яссавияда ҳам ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш, ўзини доимий равишда чиририқдан ўтказиб туриш, ўзи билан ўзи курашиш ўзак масалалардан ҳисобланади.

Шу тариқа, тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришларича, буюк мутасаввиф шоир Қул Ҳожа Аҳмад, Қул Аҳмад, Мискин Аҳмад, Яссавий каби тахаллуслар билан 4400 атрофида ҳикмат айтган. Бундан ташқари, унинг «Фақирнома» рисоласи ҳам мавжуд. Баъзилар «Яссавий қаламига мансуб «Маноқибнома» ҳам бўлиши керак, демоқдалар»<sup>1</sup>. Шунингдек, «Тариқат одоби» рисоласи ва бир қатор бошқа асарлар ҳам унга нисбат бериладики, уларнинг муаллифлик масаласи ҳали узил-кесил ҳал қилинмаган.

Маълум бўладики, Ҳожа Аҳмад Яссавий тасаввуф пири сифатида янги туркий тариқатга асос солибгина қолмай, шаклан содда, услубан равон, мазмунан теран, бадиий юксак ҳикматлари орқали ҳикмат айтиш анъанасини бошлаб берган ва туркий адабиётга катта таъсир кўрсатган сиймодир. Бу анъана унинг шогирдлари ва издошлари томонидан изчил давом эт-

<sup>1</sup> Маҳмуд Асъад Жўшон. Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари. 18-бет.

тирилиб, ўзига хос адабий мактабга айланган. Хусусан, Сулаймон Бокирғоний, Юнус Эмро, Мухаммад Шайбоний, Кул Убайдий, Камол Шайх Иқоний, Мавлоно Шамс Ўзгандий, Азимхожа Эшон, Хувайдо, Залилий, Махтумқули, Мажзуб Намангоний, Шайх Худойдод, Юсуф Байзовий кабилар туркий ҳикматнавислик мактабининг энг ёрқин намояндлари ҳисобланадилар.

Шўро даврида Аҳмад Яссавий диний-мистик шоир сифатида қораланиб, унинг хаёти ва ижодини ўрганишга ҳам, асарларини чоп этишга ҳам йўл берилмагани маълум. Лекин 1991 йили Иброҳим Ҳаққул томонидан нашрга тайёрланган шайх-шоир ҳикматларининг уч юз минг, 1992 йили Расулмуҳаммад Абдушукуров томонидан нашрга тайёрланган «Девони ҳикмат»нинг икки юз минг нусхада чоп этилиши ва қисқа бир муддатда тарқалиб кетиши халқимиз ўртасида бу ҳикматларга бўлган муҳаббат ва ташналиknинг юқорилигини кўрсатади. Бойбўта Дўстқораев Абдураҳмон Саъдий ва Абдурауф Фитратларнинг Яссавий ва Яссавий мактаби шоирлари тўғрисидаги мақолалари билан бирга 1978 йили Қозонда босилган «Девони ҳикмат»дан намуналар эълон қилди. Неъмат Жабборов, Нодирхон Ҳасан ва сайрамлик Мираҳмад Мирхолдор ўғли унинг янги топилган ҳикматларини чоп эттиридилар. Яссавий меросини тўплаш бўйича қизғин илмий-ижодий иш олиб бораётган Н. Ҳасан унинг нисбатан мукаммал девонини

нашр қилдирди. Якинда Тожи Қораев ва Абул Бозорвлар Туркистандан топилган қўлёзма асосида тайёрлаган «Ҳикматлар куллиёти» эълон қилинди<sup>1</sup>. Биз ушбу тўпламни тайёрлашда мазкур нашрларнинг барчасидан фойдаландик.

Эргаш ОЧИЛОВ

---

<sup>1</sup> Каранг: *Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар* (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изохлар муаллифи И. Ҳаққулов). – Тошкент, 1991; *Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат* (Нашрга тайёрловчи Р. Абдушукуров). – Тошкент, 1992; Яссавий ким эди. Мақолалар ва «Ҳикматлар»дан парчалар (Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б. Дўсткораев). – Тошкент, 2004; *Жабборов Н. Хожа Аҳмад Яссавий – тасаввуф осмонининг порлок қуёши*. – Тошкент, 1994; *Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Янги топилган намуналар* (Нашрга тайёрловчи Н. Ҳасан). – Тошкент, 2004; *Хожа Аҳмад Яссавийнинг янги топилган ҳикматлари* (Нашрга тайёрловчи М. Мирхолдор ўғли). – Сайрам, 2004; *Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат* (Нашрга тайёрловчи Н. Ҳасан). – Тошкент, 2006; *Аҳмад Яссавий. Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллиёти* (Нашрга тайёрловчилар: Т. Қораев, А. Бозоров). – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011.

---

---

## ҲИКМАТЛАР

Менинг ҳикматларим оламда султон,  
Қилур бир лаҳзада чўлни гулистон.  
Менинг ҳикматларим дардсизга<sup>1</sup> айтманг,  
Баҳосиз гавҳарим нодонга сотманг.

\* \* \*

Сўз аслини билганларга дурру гавҳар,  
Зоҳириға<sup>1</sup> боққан қуруқ қолар, дўстлар.

\* \* \*

Дунё менинг деганлар, жаҳон молин олғонлар,  
Каркас<sup>2</sup> қушдек бўлубон ул ҳаромга ботмишлар.

Мулло, муфти бўлғонлар, ноҳақ даъво қилғонлар,  
Оқни қаро қилғонлар ул томукқа<sup>3</sup> кирмишлар.

Қози, имом бўлғонлар, ноҳақ даъво қилғонлар,  
Ҳимор<sup>4</sup> янглиғ бўлубон юқ остида қолмишлар.

Ҳаром еган ҳокимлар, ришват<sup>5</sup> олиб еганлар

<sup>1</sup> Зоҳир – 1) кўриниб турган, очик-ошкор, аён; 2) ташки кўриниш, бирор нарсанинг таши, сирти.

<sup>2</sup> Каркас – ўлимтик билан кун кўрувчи йиртқич қуш.

<sup>3</sup> Томуқ – дўзах.

<sup>4</sup> Ҳимор – эшак.

<sup>5</sup> Ришва (m) – пора.

Ўз бармоғин тишлибон қўрқуб туруб қолмишлар.

Тотлиғ-тотлиғ еганлар, турлук-турлук кийгандар,  
Олтун таҳтда ўлтурғонлар туфроқ аро ётмишлар.

\* \* \*

Бу дунёда фақирликни<sup>1</sup> одат қилғон,  
Хорлиқ тортиб, мاشаққатни роҳат билғон,  
Кул Хожа Аҳмад, яхшиларға хизмат қилғон,  
Киёмат кун андоғ киши султон бўлур.

\* \* \*

Оқил бўлсанг, гўристондан хабар олғил,  
Мен ҳам шундоғ бўлурман, деб ибрат олғил.

\* \* \*

Бешак, билинг, бу дунё борча элдин ўтаро,  
Иноммагил молингга, бир кун қўлдин кетаро.

Ота-она, қариндош қаён кетди – фикр қил,  
Тўрт аёғлиғ чўбин от бир кун санга етаро.

Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,  
Киши молини ема, Сирот<sup>2</sup> узра тутаро.

Ахли иёл<sup>3</sup>, қариндош – ҳеч ким

<sup>1</sup> *Фақирлик* – нағс эҳтиёжларидан воз кечиб, Оллоҳдан бошқага муҳтоҷ бўлмай, таваккул эътиқоди билан яшаш. Шу маънода, Мухаммад алайҳиссалом: «Фақирлик – менинг фахрим!» – деганлар.

<sup>2</sup> *Сирот* – киёмат куни жаҳаннам узра тортилган кил-кўприк.

<sup>3</sup> *Иёл* – оила, хонадон ахли.

бұлмайдур йўлдош,  
Мардона бўл, фариб бош, умринг елдек ўтаро.

Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг, билмам,  
неча йил?  
Аслинг, билсанг, обу гил<sup>1</sup>, яна гилга кетаро.

\* \* \*

Фариб, етим, факирларни кўнглин овлаб,  
Кўнгли бутун<sup>2</sup> халойикдин қочтим мано.

\* \* \*

Қайда кўрсанг кўнгли синуқ – марҳам бўлгил,  
Андоғ мазлум йўлда бўлса, ҳамдам бўлғил.  
Рўзи<sup>3</sup> маҳшар даргоҳига маҳрам бўлгил,  
Мовуманлик<sup>4</sup> халойикдин қочтим мано.

\* \* \*

Уммат бўлсанг, фарибларга тобеъ бўлгил,  
Оят, ҳадис ҳар ким айтса, сомеъ<sup>5</sup> бўлгил,

<sup>1</sup> *Обу гил* – сув ва тупроқ; мажозан: инсон табиати; борлик.

<sup>2</sup> Тасаввуфда кўнгли бутунлик – илоҳий ишқдан бехабарлик, кўнгли синиқлик – илоҳий ишқ дардига мубталоликни билдиради.

<sup>3</sup> *Рўз* – кун. *Рўзи маҳшар* – маҳшар куни. *Маҳшар* – дунё тугагач, одамлар тирилиб, бир ерда тўпланадиган ва сўрек қилинадиган кун; охират, киёмат.

<sup>4</sup> *Мовуманлик* – манманлик, илоҳий бирлик – вахдатни инкор этиш, инсоний «менлик»нинг устунлиги.

<sup>5</sup> *Сомеъ* – эшитувчи, тингловчи.

Ризқи рўзи<sup>1</sup> ҳар не берса, қонеъ<sup>2</sup> бўлгил.  
Қонеъ бўлуб, шавқ шаробин ичтим мано.

\* \* \*

Оқил эрсанг, фарибларни кўнглин овла,  
Мустафодек<sup>3</sup> элни кезиб, етим ковла,  
Дунёпараст, ножинслардин бўйун товла,  
Бўйун товлаб, дарё бўлуб тоштим мано.

\* \* \*

Куръон ўқуб, амал қилмас ёлғон олим.

\* \* \*

Фариб, факир, етимларни қилгил шодмон,  
Халқа қилиб, азиз жонинг айла қурбон,  
Тўъма<sup>4</sup> топсанг, жонинг била қилгил меҳмон,  
Ҳақдин эштиб, бу сўзларни айдим мано.

\* \* \*

Фариб, факир, етимларни ҳар ким сўрор –  
Рози бўлур ул бандадин Парвардигор.  
Эй бехабар, сен – бир сабаб, Ўзи асрор,  
Ҳақ Мустафо пандин эштиб, айдим мано.

<sup>1</sup> Рўзи (й) – ризқ, насиба.

<sup>2</sup> Қонеъ – қаноат қилувчи, рози бўлувчи.

<sup>3</sup> Мустафо – Мухаммад алайхиссаломнинг исмларидан бири.

<sup>4</sup> Тўъма – озиқ-овқат, егулик, луқма.

\* \* \*

Нафсим ўлуб, ломаконга<sup>5</sup> оштим мано.

\* \* \*

Суннат эрмиш – кофир бўлса, берма озор,  
Кўнгли қоттиғ, дилозордин Худо безор,  
Оллоҳ ҳақи, ондоғ қулға сижжин<sup>6</sup> тайёр,  
Донолардин эштиб, бу сўз айдим мано.

\* \* \*

Тифи ботин бирла нафсим янчтим мано.

\* \* \*

Нафсим мени йўлдин уруб, хор айлади,  
Термултуруб халойикға, зор айлади,  
Зикр айттурмай, шайтон бирла ёр айлади,  
Хозирсан, деб нафс бошини янчдим мано.

\* \* \*

Жондин кечмай, Xу – Xу<sup>7</sup> деган бори ёлфон.

\* \* \*

Ҳақни топқан ўзи пинҳон, сўзи пинҳон.

<sup>5</sup> Ломакон – ваҳдат олами бўлиб, у зухур этадиган жой ирфон соҳибларининг соғ кўнгиллариридан.

<sup>6</sup> Сижжин – дўзахдаги бир водий.

<sup>7</sup> Xу (Xу – Xу) – Оллоҳ таолонинг исмларидан бири бўлиб, учинчи шахс бирликдаги У маъносини билдиради. Сўфийлар кўпроқ Xу деб зикр қиласидар.

\* \* \*

Оқил эрсанг, эранларга<sup>1</sup> хизмат қилғил,  
Амри маъруф<sup>2</sup> қилғанларни иззат қилғил,  
Наҳий мункар<sup>3</sup> қилғанларни хурмат қилғил...

\* \* \*

Хожаликка бино кўюб, қилмай тоат,  
Хожамен, деб йўлда қолсанг,вой, не ҳасрат?!

\* \* \*

Ишқизларни кўрдум эрса йўлда қолди,  
Ул сабабдин ишқ дўйонин курдим мано.

\* \* \*

Нафс бошиға юз минг бало қамраб солдим,  
Такаббурни оёғ остида босиб олдим.

\* \* \*

Мўмин эрмас – ҳикмат эштиб йифламайдур,  
Эранларни айтғон сўзин тингламайдур,  
Оят, ҳадис, гўё Куръон англамайдур,  
Бул ривоят Арш устида кўрдим мано.

<sup>1</sup> Эран – валий, Оллохнинг дўсти.

<sup>2</sup> Амри маъруф – яхшиликка буюриш.

<sup>3</sup> Наҳий мункар – ёмонликдан қайтариш.

\* \* \*

Кул Хожа Ахмад, ёшинг етти йигирма бир,  
На қилгайсен – гуноҳларинг тоғдин оғир,  
Қиёмат кун ғазаб қилса, Раббим қодир,  
Аё дўстлар, нечук жавоб ойгум мано?!

\* \* \*

Аё дўстлар, ёшим етти йигирма уч,  
Ёлғон даъво, тоатларим барчаси пуч,  
Қиёмат кун на килғаймен бараҳна<sup>1</sup>, луч<sup>2</sup>,  
Ул сабабдин Ҳаққа сифниб келдим мано.

\* \* \*

Кул Хожа Ахмад, дунё қўйсанг, ишинг битар,  
Қўксунгдаги чиққан оҳинг Аршқа етар,  
Жон берарда ҳақ Мустафо кўлунг тутар,  
Ул сабабдин Ҳаққа сифниб келдим мано.

\* \* \*

Оллоҳ дедим, шайтон мендин йироқ қочти.

\* \* \*

Холиқимдин хабар етди – шокир<sup>3</sup> бўлдум,  
Ҳар ким сўкди, балки тепди – собир<sup>4</sup> бўлдум,  
Бу оламда ҳеч ухламай, ҳозир бўлдум,  
Хою ҳавас, мовуманлик кетди, дўстлар.

\* \* \*

Тоатликлар Ҳақ қошида хушсаодат.

<sup>1</sup> *Бараҳна* – яланғоч.

<sup>2</sup> *Луч* – яланғоч.

<sup>3</sup> *Шокир* – шукр килувчи, миннатдор.

<sup>4</sup> *Собир* – сабрли.

\* \* \*

Киёматни шиддатидин ақлим ҳайрон,  
Кўнглум қўрқон, жоним хуркғон, хонавайрон,  
Сирот отлиғ кўпругидин дилим ларzon,  
Ақлим кетиб, бехуш бўлуб қолдим, дўстлар.

\* \* \*

Пўсти иймон – шариатдур, мағзи – тарик<sup>1</sup>,  
Тариқатга кирган улуш олди, дўстлар.

\* \* \*

Раҳматидин қатра томди – шайтон қочти.

\* \* \*

Кина дарди касал қилди – бемор бўлдум.

\* \* \*

Кул Хожа Аҳмад, эр<sup>2</sup> бўлмасанг, ўлган яхши,  
Қизил юзунг қаро ерда сўлган яхши,  
Туфрок сифат ер остида бўлган яхши...

\* \* \*

Қаҳҳор<sup>3</sup> эгам, нафсимни қил зеру забар<sup>4</sup>,  
Химмат берсанг, шум нафсимга урсам табар<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Тарик – тариқат: тасаввуда инсонни камолотта олиб борадиган тўрт йўлнинг иккинчиси. Биринчиси – шариат, учинчиси – маърифат, тўртинчиси – ҳақиқат.

<sup>2</sup> Эр – эран, авлиё.

<sup>3</sup> Қаҳҳор – Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: барчани бўйсундирувчи, ғолиб.

<sup>4</sup> Зеру забар – остин-устун, мағлуб, хору зор.

<sup>5</sup> Табар – болта.

~~ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ~~

\* \* \*

Ху шамширин қўлға олиб, нафсингни қир.

\* \* \*

Эй ёронлар, бу дунёда йўқ фароғат.

\* \* \*

Мен малакдан шарм олурмен, эй ўмматим,  
Яратқандин қўрқмасмусан, паст химматим.

\* \* \*

Ошиқ бўлсанг, аввал бориб Ҳақни тани.

\* \* \*

Сизни, бизни Ҳақ яратти тоат учун,  
Эй бульажаб<sup>1</sup> ичмак, емак, роҳат учун.

\* \* \*

Олим бўлса беамал, масъаладан бехабар,  
Қиёматда кўтарур қирқ эшакнинг юкини.

\* \* \*

Пок бўлдим деб қувонма, ушбу дунё ялғончи,  
Вайрон қилур бу ўлим подшоларнинг мулкини.

---

<sup>1</sup> *Бульажаб* – ажойиб, хайрон қоларли, таажжубларли.

\* \* \*

Остонига бошим кўйуб, тавба қилсам,  
Фийбат қилғон тилларимни юз минг тилсам,  
Гуноҳ қилғон вужудларим пора қилсам,  
Дўстлар, мани Хожам<sup>1</sup> бандам дегоймукин?

\* \* \*

Эй осийлар, тавба қилинг, Ҳақ эшитсан,  
Нолишингдин еру кўклар наво қилсан,  
Малойиклар Ҳақдин тилааб, улуш берсан,  
Улуш олғон қулнинг ғами бўлормукин?

\* \* \*

Ошиқларнинг мажлисига ўзинг урфил.

\* \* \*

Қул Хожа Аҳмад, ҳар не дерсан, булҳавассен<sup>2</sup>,  
Ҳақдин кўркуб, охират деб ғам емассен,  
Бошинг билан тунлар қотиб<sup>3</sup>, Ҳу демассен,  
Булҳавасни Хожам қабул қилормукин?

\* \* \*

Ул яратқон Бируборим йўлин излаб,  
Шайтон лаъян йўлларидан қайтинг, дўстлар.  
Ихлос бирлан мұхаббатнинг жомин<sup>4</sup> ичиб,  
Жону дилда Ҳай<sup>5</sup> зикрини айтинг, дўстлар...

<sup>1</sup> *Хожа* – соҳиб, эга. Бу ерда: Парвардигор.

<sup>2</sup> *Булҳавас* – хавасга берилган, енгилтак, бекарор.

<sup>3</sup> *Қотмоқ* – ҳаракат қилмоқ, тиришмоқ.

<sup>4</sup> *Жом* – қадаҳ, май косаси. Тасаввуфда орифнинг илоҳий маърифат майига лиммо-лим қалби.

<sup>5</sup> *Ҳай* – Худо.

Оллоҳ деган қанду асал пайдо қилди,  
 Дунё қўйиб, ул охират савдо қилди,  
 Амал қилғон чин олимни доно қилди,  
 Жону дилда Ҳай зикрини айтинг, дўстлар.

Амал қилмас олим илмин босиб юргай,  
 Тонгла<sup>1</sup> борса, тор лаҳадда жони куйгай,  
 Во ҳасрато, амалсизлар нечук бўлғай,  
 Жону дилда Ҳай зикрини айтинг, дўстлар.

Мункар, Накир:<sup>2</sup> «Ман Раббук?»<sup>3</sup> – деб  
 савол қилғай,  
 Қол илмидин<sup>4</sup> бир нуктаси кор келмагай,  
 Оллоҳ, Расул: «Дининг ким?» –  
 деб қўкраб турғай,  
 Жону дилда Ҳай зикрини айтинг, дўстлар.

Қолинг – чироф, ҳолинг<sup>5</sup> – пилта, ёфи – ёшинг,  
 Йўл устида туфроқ бўлур азиз бошинг,  
 Неча айтсан, баҳра олмас кўнгил тошинг,  
 Жону дилда Ҳай зикрини айтинг, дўстлар.

<sup>1</sup> Тонгла – киёмат куни.

<sup>2</sup> Мункар ва Накир – марҳумларни қабрда сўрок килиб, қилмишларини ҳисоб-китоб қилувчи ва гуноҳларига караб жазоловчи фаришталар.

<sup>3</sup> Ман Раббук (а) – Раббинг ким?

<sup>4</sup> Қол илми – тил билан ифодаласа бўладиган илмлар, яъни зохирий илмлар. Шариат илми ҳам шунга киради.

<sup>5</sup> Ҳол – соликнинг пок дилига иниб, унинг рухини такомилга олиб борадиган илохий файз. Бу ерда ботиний илмлар, яъни тасаввуф илми.

Эсиз олим, амал қилмай йўлда қолур,  
 Ўқуб, уқмай, дунё молин қўлға олур,  
 Манманликда азиз умрин зоеъ қилур...  
 Жону дилда Ҳай зикрини айтинг, дўстлар.

Зоҳир бузуб, ботин тузгул олим бўлсанг,  
 Рўзи маҳшар қўлунг тутқай, тонгла борсанг,  
 Во ҳасрато, надомат деб йўлда қолсанг,  
 Жону дилда Ҳай зикрини айтинг, дўстлар.

Олим улким, жондин кечиб, амал қилса,  
 Дунё қўйиб, охиратнинг фамин еса,  
 Тунлар қотиб, шому сахар Раббим деса,  
 Жону дилда Ҳай зикрини айтинг, дўстлар.

Андоғ олим икки кўзи гирён эрур,  
 Куръон ўқуб, Ҳақдин қўркуб, но<sup>лон</sup> эрур,  
 Бу оламнинг либосидин урён<sup>1</sup> эрур,  
 Жону дилда Ҳай зикрини айтинг, дўстлар.

Хорлик тортқил, шум нафсингни боши кайтсун,  
 Қийнаб тепгил, бу дунёдин йиғлаб ўтсун,  
 Туфрок бўлғил, халқлар сени босиб ўтсун,  
 Жону дилда Ҳай зикрини айтинг дўстлар...

Кул Ҳожа Аҳмад, олай десанг, Ҳақдин улуш,  
 Боязиддек<sup>2</sup> нафсинг билан тун-кун уруш.  
 Эй бехабар, уммат бўлсанг, булдур равиш,  
 Жону дилда Ҳай зикрини айтинг дўстлар.

<sup>1</sup> Урён – яланғоч.

<sup>2</sup> Боязид – машҳур тасаввух пири, тайфурия тариқати асосчиси Боязид Бистомий (вафоти – 961).

Ҳақиқатнинг гавҳаридин олғон киши,  
Кўнгли синуқ, ўзи мунглув, кўзда ёши,  
Хорлиқ-зорлик, машакқатдур доим иши,  
Бу дунёни пучак пулга сотар, дўстлар.

Ориф<sup>1</sup> ошиқ бўлай десанг, алам тортқил,  
Дийдорини талаб қилсанг, тунлар қотгили,  
Бу дунёни ишратларин ташлаб өтқил,  
Ташлаб кетсанг, мовуманлик кетар, дўстлар.

Гуноҳ қилиб, тавба қилмай кетгонларни,  
Ҳақдин кўрқмай, фафлат билан ётқонларни,  
Дунё учун иймонини сотқонларни,  
Сирот отлиғ гузаргоҳда<sup>2</sup> тутар, дўстлар.

Қиёматнинг шиддатидин ҳуркмаганлар,  
Қаттиқ азоб, тор лаҳаддин қўрқмаганлар,  
Ҳақ қаҳридин кўзда ёшин тўкмаганлар,  
Дўзах ичра юз минг азоб тортар, дўстлар.

\* \* \*

Ҳақиқатлик ошиқларни нафси ўлук.

\* \* \*

Оллоҳ ёдин айтсанг, ақлинг ортар, дўстлар.

<sup>1</sup> *Oriif* – маърифат соҳиби, Оллоҳни таниган киши, комил инсон. Оллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларини мушоҳада этадиган завқий ва важдий илмлар эгаси бўлган зот.

<sup>2</sup> *Гузаргоҳ* – ўтиш жойи.

\* \* \*

Бехабарлар умрун билмай елга сотар,  
Faфлат билан жаҳаннамга кетар, дўстлар.

\* \* \*

Охирзамон шайхи тузар суратларин,  
Зуҳду<sup>1</sup> тақво қилмай, бузар сийратларин,  
Каромат деб хоби<sup>2</sup> фафлат рўъятларин<sup>3</sup>,  
Риё билан халққа ўзин сотар, дўстлар.

\* \* \*

Дунё излаб, дин ишини орқа солдим,  
Билолмасман, ҳолим нечук бўлар, дўстлар.

\* \* \*

Бу дунёниг иззатидин ўтмаганлар,  
Ҳайвон эрур, балки андин баттар, дўстлар.

\* \* \*

Оқил эрсанг, дунё учун емагил ғам.

\* \* \*

Аё дўстлар, пок ишқини қўлға олиб,  
Бу дунёни душман тутуб, қўйдим мано.

<sup>1</sup> Зуҳд – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, пархезкорлик, порсолик.

<sup>2</sup> Хоб – уйқу.

<sup>3</sup> Рўъят – кўриш, мушоҳада килиш.

\* \* \*

Нодонларга эсиз сўзим, хайф ҳикмат,  
Одаммен деб белин боғлар, қани ҳиммат,  
Дунё учун бир-бирига қилмас шафқат.

\* \* \*

То мاشаққат тортмагунча висол қайдо?  
Хизмат қилмай, дарди ҳолат бўлмас пайдо,  
Жону дилни то қилмасанг Ҳаққа шайдо.

\* \* \*

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлуб,  
Бағрим куюб, жондин тўюб, ўлдум мано.  
Тўғри айтсан, эгри йўлға бўйнин тўлғар,  
Конлар ютуб, фам заҳриға тўйдум мано.

Нодон бирла ўткан умринг нори<sup>1</sup> сақар<sup>2</sup>,  
Нодон борса, дўзах андин қилғай ҳазар,  
Нодон бирла дўзах сори қилманг сафар,  
Нодон ичра ҳазон янглиғ сўлдум мано.

Дуо қилинг, нодонларни юзин кўрмай,  
Ҳақ таоло рафиқ бўлса, бир дам турмай,  
Бемор бўлса, нодонларни ҳолин сўрмай,  
Нодонлардин юз минг жафо кўрдум мано.

Ер остиға қочиб кирдим нодонлардин,  
Илгим<sup>3</sup> очиб, дуо тилаб мардонлардин<sup>4</sup>,

<sup>1</sup> Нор – 1) ўт, олов; 2) дўзах.

<sup>2</sup> Сақар – дўзах. Нори сақар – дўзах отashi.

<sup>3</sup> Илик (Илиг) – қўл.

<sup>4</sup> Мардон – мардлар, эрлар, эранлар.

Фариб жоним юз тасаддуқ донолардин,  
Доно тобмай, ер остиға кирдим мано...

Тамаъ қилма нодонлардин – қадринг билмас,  
Зулмат ичра йўл адашсанг, йўлға солмас,  
Бўйнунг қисиб зори қилсанг, қўлунг олмас,  
Нодонлардин шиква<sup>1</sup> айлаб келдим мано.

Аввал-охир хублар<sup>2</sup> кетти – қолдим ёлғуз,  
Нодонлардин эшиитмадим бир яхши сўз,  
Доно кетти, нодон қолди – едим афсус,  
Йўлни тобмай, ҳайрон бўлуб қолдим мано.

Доғи хижрон эзди бағрим – қани дардманд?  
Доно – туфрок, нодонларни кўкси баланд,  
Оят, ҳадис баён қилсан, қилмас писанд,  
Кўксум тешинг – дарду фамга тўлдим мано...

Хонумонинг<sup>3</sup> тарқ айлабон улуш олгил,  
Эй бехабар, дунё ишин орқа солгил,  
Оллоҳ сахий, лутфин кўруб, ҳайрон колгил,  
Кўрарман деб фано<sup>4</sup> бўлуб келдим мано.

\* \* \*

Ихлосли қул халқ ичра муродига етти-ё.

<sup>1</sup> Шиква – шикоят, нолиш.

<sup>2</sup> Хублар – яхшилар.

<sup>3</sup> Хонумон – уй-жой, жихозлар ва маишат асбоблари.

<sup>4</sup> Фано – тасаввуфда банданинг Ҳақда фано бўлиши, яъни башарий хусусиятларнинг илохий сифатлар ичра махв бўлиши.

\* \* \*

Ушбу дунё бепоён, күзга илмас дарвешлар<sup>1</sup>.

\* \* \*

Тавба килиб, дунё қўйиб, амал қилғил.

\* \* \*

Вафоси йўқ бу дунёни, қадам қўй,  
кеч бу манзилдин,  
Кечарсан боридин охир бўлуб урён,  
бўлуб урён.

\* \* \*

Абас<sup>2</sup> ўтти эсиз умрум расволикда,  
Хеч бўлмадим замон тарси<sup>3</sup> Худоликда,  
Доим юрдум нафсим учун гадоликда,  
Харна қилғон савдоларим зиён эмди.

\* \* \*

Нафсим мени кўб югуртти – Ҳаққа боқмай,  
Кеча-кундуз бегам юрдум ёшим оқмай,  
Хою ҳавас, мовумани ўтга ёқмай...

\* \* \*

Нафсим мени ҳаво қилди, йўлда қолдим.

<sup>1</sup> Дарвеш – тасаввуф истилоҳида изловчи, истовчи маъносини билдириб, сўфий, факир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлиған кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

<sup>2</sup> Абас – бекор, беҳуда.

<sup>3</sup> Тарс – қўрқув, вахм.

\* \* \*

Нодонларга айтсанг сўзунг, қилмас қабул.

\* \* \*

Бошим туфроқ, ўзум туфроқ, жисмим туфроқ,  
Ҳақ васлига етармен, деб руҳум муштоқ.

\* \* \*

Золим агар жафо қилса, Оллоҳ дегил,  
Илкинг очиб, дуо айлаб, бўйун сунгил,  
Ҳақ додингга етмас бўлса, гила қилгил,  
Ҳақдин эштиб, бу сўзларни айдим мано.

\* \* \*

Эй бехабар, Ҳаққа кўнгул югуртмадинг,  
Дунё ҳаром – ондин кўнгул совутмадинг,  
Нафсдин кечиб, Оллоҳ сари тўлғонмадинг,  
Бу нафс учун зору ҳайрон бўлдим мано.

\* \* \*

Золимларни шиква қилма, золим ўзунг,  
Хўюнг риё – таъсир қилмас халққа сўзунг,  
Дунё молин тўла бердим – тўймас кўзунг,  
Хорисларни<sup>1</sup> сижжин ичра солдим мано.

\* \* \*

Икки олам кўзларимға хашхош<sup>2</sup> дона –  
Кўрунмади, ёлғуз Ҳақни суйдим мано.

<sup>1</sup> Хорис – очкўз, тамагир, тўймас.

<sup>2</sup> Хашхош – кўкнори.

\* \* \*

Ҳақ олдида ақли комил дам уролмас,  
 Ишқ шиддати туғён қилса, бир дам турмас,  
 Парвонадек ахгар<sup>1</sup> бўлур, ўзин билмас,  
 Бу сирларни жононадин туйдим мано.

\* \* \*

Ҳақиқатни маъносига етган киши  
 Бехуд<sup>2</sup> бўлуб, куюб-ёнар ичу тоши.

\* \* \*

Мұхаббатни боғин кезмай ошиқ бўлмас,  
 Хорлик, зорлик тортмагунча нафсинг ўлмас,  
 Бир қатрага қонеъ бўлмай, ул дур тўлмас,  
 Қонеъ бўлуб, хос гавҳарин олдим мано.

Ҳақиқатлик ошиқларни ранги синук,  
 Ойинаға назар қилса, андин тонук,  
 Ўзи ҳайрон, кўнгли вайрон, кўзи ёшлиқ,  
 Қудратиға ҳайрон бўлуб, қолдим мано.

Оллоҳ аиди: кўб йиғласанг, кўргунг мани,  
 Зори қилсанг, бандам дебон айғум сани,  
 Жондин кечиб, мани истар ошиқ қани?  
 Илҳом келди, чин қулоққа олдим мано.

<sup>1</sup> Ахгар – чўғ, олов.

<sup>2</sup> Бехуд – ўзидан бехабар, ҳушини йўқотган. Тасаввуфда мастилик ва ошиқлик мақоми.

Чин күнгүлда күйганларга дийдор ато,  
Ёлғон ошиқ йўлға кирса, ҳама хато,  
Чин ошиқни кўзи ёшлиғ, қадди дуто...<sup>1</sup>

\* \* \*

Во дариғо, маҳшар куни зохир бўлса,  
Тангри ўзи қози бўлуб, нозир бўлса,  
Ёмон ишим, қилмишларим ҳозир бўлса,  
На юз бирла ҳазратиға борғум мано.

Худовандо, мени солғил ўз йўлингға,  
Нафс илкида ҳориб, адо бўлдим мано.  
Фисқу фужур тўлиб-тошиб, ҳаддин ошти,  
Фарқоб бўлуб, исён ичра қолдим мано.

Дунё – нажас, толиб бўлуб, итдек юрдим,  
Истаб они, орқасидин тун-кун қувдим,  
Амрин тутмай, Ҳақ йўлиға кўзим юмдим,  
Кайдা борай, аё дўстлар, неткум мано?

Нафс – шайтон, асир олди одам ўғлин,  
Шутурлайн боғлаб олди икки қўлин,  
На мушкулдур ўнгу сўлин, билмай йўлин,  
Во дариғо, ҳасрат билан борғум мано.

Йўқ манингдек шуми бало олам аро,  
Ҳеч бўлмади мендин ризо ҳалқи Худо,  
Эмди бўлди охир мани юзум қаро,  
Во вайлато<sup>2</sup>, аввал нега бўлдим мано?

<sup>1</sup> Дуто – хам, эгик.

<sup>2</sup> Во вайлато – афсус-надомат: э воҳ, вой-дод.

Ато қилған азиз жонни билмадим мен,  
Зохир, ботин<sup>1</sup> ҳозирсен, деб турмадим мен,  
Қаро юзум даргоҳингга сурмадим мен,  
Ё Раббано<sup>2</sup>, хар на қилсанг, келдим мано.

Тоқатим йўқ агар боқсам гуноҳимга,  
Қилай тавба, қочиб келдим паноҳингга,  
Раҳмат бирлан назар қилғил Ҳожа Аҳмадға,  
Ҳар на қилсанг, ман бенаво<sup>3</sup>, келдим мано.

\* \* \*

Кўнгул кўзи ёрутмайин тоат қилса,  
Даргоҳига мақбул эмас, билдим мано.  
Ҳакиқатда бу сўзларни пок ўрганиб,  
Ломаконда Ҳақдин сабақ олдим мано...

Мунда жафо чекканларға дийдори тахт,  
Рўзи маҳшар ато қилгай ҳам тахту баҳт,  
Яратқонда қилган ўзи ошиққа аҳд,  
Ломаконда Ҳақдин сабақ олдим мано.

\* \* \*

Оллоҳ дарди сотқун эмас, сотиб олсанг.

\* \* \*

Ҳақ йўлиға кириб бўлмас пок бўлмасанг.

<sup>1</sup> Ботин – 1) ич, ички олам, инсоннинг кўнгли ва рухи; 2) кўнгил, хаёл, рух; 3) яширин, пинҳон, нихон.

<sup>2</sup> Раббано – эй бизнинг Парвардигоримиз.

<sup>3</sup> Бенаво – 1) факир, ғариб, нотавон; 2) бебахра, маҳрум.

\* \* \*

Ишқ – подшоҳ, ошиқ – фақир.

\* \* \*

Кўнгул боғи сабз<sup>1</sup> эканда билмай юрдум,  
Умрим гули хазон бўлди, эмди туйдум,  
Дунё ташлаб, дин йўлиға қадам қўйдум,  
Ҳазордастон<sup>2</sup> йиғлаб, дуо қиласанго.

\* \* \*

Чин ошиқни Оллоҳ суюб, бандам деди,  
Ора йўлда қолмасун деб, ғамим еди,  
«Ёлғончилар дийдоримни кўрмас», – деди,  
Ишқ бобида маҳкам бўлуб турдум мано.

\* \* \*

Амалсизлар қах-қах кулур, хуррам юрур,  
Фармонига бўйун сунғон пурғам<sup>3</sup> бўлур,  
Кеча-кундуз дийдалари пурнам<sup>4</sup> бўлур,  
Кўз ёшимни дарё қилиб юрдум мано.

\* \* \*

Нафсдин кечиб, чин ошиқлар Оллоҳ деди.

\* \* \*

Золим нафсим хеч қўймайин ўтқа солди,  
Вужудларим ўз-ўзидан куюб-ёнди.

<sup>1</sup> Сабз – яшил.

<sup>2</sup> Ҳазордастон – булбул.

<sup>3</sup> Пурғам – ғамга ботган, кайғули.

<sup>4</sup> Пурнам – ёшга тўла, гирён.

\* \* \*

Мунофиқлар дўзах ичра куюб-ёнгай.  
Иймон элтган холис бўлуб, ёниб чиққай,  
Иймонсизлар аввал-охир куюб-ёнгай,  
Ўғонимдин<sup>1</sup> иймон тилаб юрдум мано.

\* \* \*

Фурбат тегса, пухта қилур кўб хомларни,  
Доно қилур ҳам хос қилур кўб омларни<sup>2</sup>.

\* \* \*

Фариблиқда юз йил турса, эрур меҳмон,  
Тахту бахти, бўстонлари эрур зиндан.

\* \* \*

... эранлар иши барҳақ<sup>3</sup>.

\* \* \*

Қол аҳлига<sup>4</sup> ҳол илмин<sup>5</sup> Ҳақ кўрмади муносиб.

<sup>1</sup> Ўғон – кудрат соҳиби; Худо.

<sup>2</sup> Ом – бу ерда: авом, нодон.

<sup>3</sup> Барҳақ – чин, тўғри, ҳақ.

<sup>4</sup> Қол аҳли – мадрасада расмий фанларни ўзлаштирган зоҳирий илм соҳиблари; уламолар, факихлар.

<sup>5</sup> Ҳол илми – инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган гаройиб руҳий кечинмалар, фавқулодда феъл автор, хислатларнинг намоён бўлиши; ботиний илмлар, кенг маънода тасаввуф илми.

—~~ЗАТАФАККУР ТУХФАЛАРИ~~—

\* \* \*

Афсонадур шариат, фарзонадур<sup>1</sup> тариқат.  
Дурдонадур ҳақиқат, ошиқларга муносиб.

\* \* \*

Ёлғончилар қавмини уммат демас Мұхаммад.

\* \* \*

Ҳар ким умматман деса, Расул ишин қўймаса,  
Шафоат куни бўлса, маҳрум қўймас Мұхаммад<sup>2</sup>.

Тангри таоло сўзин, Расулуллоҳ суннатин,  
Инномаган умматин уммат демас Мұхаммад.

Умматман деб юурсан, буйругини қилмассан,  
Нечук умид тутарсан, онда сўрмас Мұхаммад.

Мушкулдур, осий банда, уммат демаса онда,  
Расво бўлур маҳшарда, уммат демас Мұхаммад.

\* \* \*

Эллик ёшда нидо келди: ўлмак осон,  
Шарти улдур – санда бўлса нури иймон,  
Тонгла борсанг, дийдорига қилур меҳмон,  
Эштиб, ўқуб, ерга кирди Қул Ҳожа Аҳмад.

---

<sup>1</sup> *Фарзона* – 1) оқил, донишманд; 2) ягона, тенгсиз.

<sup>2</sup> Маълумки, Мұхаммад алайҳиссаломга ўз умматларини шафоат қилиш ҳукуки берилган – бу ерда шунга ишора қилинаяпти.

Эй мўминлар, бу дунёни поёни йўқ,  
Чин ўлурсан – ҳаргиз<sup>1</sup> муни ёлғони йўқ,  
Ким билмаса, валлоҳ<sup>2</sup>, они иймони йўқ,  
Эштиб, ўқуб, ерга кирди Қул Хожа Аҳмад.

Аслим – туфроқ, наслим – туфроқ –  
барчадин хор,  
Босиб ўтсанг, мурдор жисмим қилғуси ор,  
Ким ор этса, шайтон қавми ҳавоси бор,  
Эштиб, ўқуб, ерга кирди Қул Хожа Аҳмад.

Чин зокирға Худо ўзи қилди раҳмат,  
Тонгла борса, жаннат ичра берур хилват,  
Рўзи маҳшар дийдор кўруб, сўргай давлат,  
Эштиб, ўқуб, ерга кирди Қул Хожа Аҳмад.

Банда бўлсанг, меҳнат<sup>3</sup> тортқил, ғофил одам,  
Оқил эрсанг, ғаниматдур санга шул дам,  
Амонатдир азиз жонинг, юрма беғам...  
Эштиб, ўқуб, ерга кирди Қул Хожа Аҳмад.

\* \* \*

Қаххор отлиғ қаҳрингдин қўркуб  
йиғлар Хожа Аҳмад,  
Раҳмон<sup>4</sup> отлиғ раҳмингдин умид тутар  
Хожа Аҳмад...

<sup>1</sup> Ҳаргиз – асло, хеч қачон.

<sup>2</sup> Валлоҳ – Оллоҳга қасамки, Худо ҳакки.

<sup>3</sup> Меҳнат – 1) мусибат, бало; 2) машаккат, кийинчилик;

3) ғам, дард.

<sup>4</sup> Раҳмон – Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: ўта меҳрибон.

Мунофиқлар юурулар, фисқу фужур  
килурлар,  
Харом, шубха еюрлар, қүркүб йиғлар  
Хожа Ахмад...

Охирзамон бўлғондур, подшоҳ золим  
бўлғондур,  
Харом, шубха тўлғондур, ҳайрон бўлур  
Хожа Ахмад.

Қул Хожа Ахмад тоат қил, йиғламоқни одат  
қил,  
Бало келса, тоқат қил, Ҳақдин бўлур,  
Хожа Ахмад.

\* \* \*

Ишқ дардини талаб қилдим – дармони йўқ,  
Ишқ йўлида жон берганни армони йўқ,  
Бу йўлларда жон бермаса, имкони йўқ,  
Ҳар на қилсанг – ошиқ қилгил, Парвардигор!

Ишқ бозори – улуг бозор: савдо ҳаром,  
Ошиқларға сандин ўзга ғавғо ҳаром,  
Ишқ йўлиға кирғанларга дунё ҳаром,  
Ҳар на қилсанг – ошиқ қилгил, Парвардигор!

Ошиқликни даъво қилиб юролмадим,  
Нафсдин кечиб, ман амрини қилолмадим,  
Нодонликда Ҳақ амрини билолмадим,  
Ҳар на қилсанг – ошиқ қилгил, Парвардигор!

Кул Хожа Аҳмад, ишқдин қаттиқ бало бўлмас,  
 Марҳам сўрма – ишқ дардига даво бўлмас,  
 Кўз ёшидин ўзга ҳеч ким гувоҳ бўлмас,  
 Ҳар на қилсанг – ошиқ қилгил,  
 Парвардигор!

\* \* \*

Дўзах йиғлаб, дод айлагай Худойига:  
 Тоқатим йўқ ошиқларни бир оҳига!  
 Қочиб боргай Ҳақ таоло паноҳига,  
 Ошиқларни ёши бирлан ўчар, дўстлар.

\* \* \*

Кул Хожа Аҳмад, ишқсизларни иши душвор,

Тонгла борса, Ҳақ кўрсатмас анга дийдор,  
 Аршу Курси<sup>1</sup>, Лавҳу<sup>2</sup> Қалам<sup>3</sup> – ҳамма безор,  
 Ишқсизларга дўзах бобин<sup>4</sup> очар, дўстлар.

<sup>1</sup> *Курси* – Аршнинг иккинчи номи. Саккизинчи осмон ҳам тушунилади.

<sup>2</sup> *Лавҳ* – Оллоҳ таоло бани башарнинг тақдирларини ёзиб қўйган улкан китоб, лавҳ ул-маҳфуз. Парвардигори олам ҳамма нарсадан аввал ушбу лавҳ ва унинг ёнидаги Қаламни яратиб, то қиёматгача яратадиган нарсаларини ва бўлажак ишларни, илохий китобларни, тақдир ва қазони ҳам Лавҳга битиб қўйган.

<sup>3</sup> *Қалам* – муфассал илм, ақли аввал.

<sup>4</sup> *Боб* – эшик, дарвоза.

## ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ

\* \* \*

中本中

Пир этагин түтүб, ботин күзин очтим.

湘 湖 水

Тариқатни йўлларидур коттиғ азоб,  
Бу йўлларда неча ошиқ бўлди туроб<sup>1</sup>,  
Ишқ йўлиға ҳар ким кирса, ҳоли ҳароб,  
Эранлардин йўлни сўраб юрдум мано.

中 华 书 局

Расул дунё – жийфа<sup>2</sup> деди, қўйдум мано.

\* \* \*

Умрим охир бўлғанда на қилғайман, Худоё?  
Жон олғувчи келганда на қилғайман, Худоё?

Жон бермакни ваҳмидин, Азозилни<sup>3</sup> заҳмидин<sup>4</sup>,  
Шафқат бўлмаса сандин, на қилғайман,  
Худоё?

<sup>1</sup> *Tyrob* – тупрок, ер.

<sup>2</sup> Жийфа – ўлимтик.

<sup>3</sup> Азозил — шайтон, иблис.

<sup>4</sup> Захч - қийнаш, азоблаш.

ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ

Жон бермак иши душвор, осон қилғил,  
ё Жаббор<sup>1</sup>,  
Сандин ўзга йўқ ғамхор, на қилғайман,  
Худоё?..

Кул Хожа Аҳмад, сан банда, нафс илгига  
шарманда,  
Махшар куни бўлғандаги не қилғайман,  
Худоё?

\* \* \*

Олим улдир – шариатда жавлон қилса,  
Тариқатнинг бозорига ўрнин солса,  
Мұхаббатнинг дарёсидин гавҳар олса,  
Андоғ олим олим бўлур, дўстларимо!


Олиммен деб китоб ўкур, маъно уқмас,  
Қўб оятнинг маъносини ҳаргиз билмас.  
Такаббуру манманликни дини тутмас,  
Олим эрмас, жоҳилтуур, дўстларимо!

Такаббур Азозилга нелар қилди,  
Такаббурдин тавқи лаънат анга солди,  
Фаришталар кўруб анда, сажда қилди,  
Сажда қилиб, амон бўлди, дўстларимо!..

Кул Хожа Аҳмад, олимларга хизмат қилғил,  
Олимлар сўзин эшишиб, амал қилғил.

---

<sup>1</sup> Жаббор – Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: бандалари ишини ислоҳ этувчи.

—  —

**ТАФАККУР ТУҲФАЛАРИ**

—  —

Амал қилиб, Ҳақ йўлида жонинг бергил,  
Амалсизлар дийдор кўрмас, дўстларимо!

\* \* \*

Демайдурман мани жондин ойирма,  
Вале охирда иймондин ойирма.

\* \* \*

Илоҳо, зоти покинг ҳурматидин,  
Айиргил бизни Шайтон заҳматидин.

\* \* \*

Ки ҳар осий эрур раҳматга лойик,  
Кел, эй Аҳмад, дуоға бўл мувофиқ.

\* \* \*

Зор йиғлатиб ошиқни ишқ илгига Худойим,  
Ишқ йўлида маломат онга кўрур муносиб.

\* \* \*

Тавба қилғил, Ҳожа Аҳмад, бўлғай  
Ҳақдин иноят,  
Юз минг валийлар ўтти сирни сирга улашиб.

\* \* \*

Тавба қилиб, Ҳаққа ёнғон ошиқларга  
Учмоқ<sup>1</sup> ичра тўрт ариғда шарбати бор.

---

<sup>1</sup> Учмоқ – жаннат.

Тавба қилмай, Ҳаққа ёнмас<sup>1</sup> ғоғилларға  
Тор лаҳадда қоттиғ азоб, ҳасрати бор...

Тавба қилғон ошиқларға нури эрур,  
Туни-куни сойим<sup>2</sup> бўлса, қўнгли ёрур,  
Қачон ўлуб, гўрга кирса, гўри кенгрур,  
Ўғон Изим<sup>3</sup>, Раҳим<sup>4</sup>, Раҳмон раҳмати бор!

Тавбасизлар бу дунёдин кечмас билур,  
Ўлуб борса, гўр азобин кўрмас билур,  
Қиёмат кун тонг арасот отмас билур,  
Ҳайҳот, ҳайҳот, навҳа<sup>5</sup>, фарёд унлари бор.

Намоз, рўза, тавба узра борғанларға,  
Ҳақ йўлиға кириб, қадам қўйғанларға,  
Ушбу тавба бирла онда борғанларға,  
Ёрлақанмиш қуллар бирлан сухбати бор...

Қиёматни бир куни минг йилча бўлур,  
Бу дунёни сонича бил, неча бўлур,  
Қиёмат кун етмиш минг йил ўтда колур,  
Тавба қилган қуллар куймас – муҳлати бор.

<sup>1</sup> Ёнмоқ – етмок; қайтмоқ.

<sup>2</sup> Сойим – рўзадор.

<sup>3</sup> Изи – Худо, Оллоҳ.

<sup>4</sup> Раҳим – Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: жуда раҳмли.

<sup>5</sup> Навҳа – йифи-сиги, нола.

\* \* \*

Биҳишт-дўзах талашур, талашмоқда баён бор,  
Дўзах айтур: «Мен ортуқ – менда Фиръавн<sup>1</sup>,  
Хомон<sup>2</sup> бор».

Биҳишт айтур: «На дерсен, сўзни билмай  
айтурсен,  
Сенда Фиръавн бўлса, менда Юсуф  
Канъон<sup>3</sup> бор!»

Дўзах айтур: «Ме ортуқ – бахил қуллар  
менда бор,  
Бахилларнинг бўйнида ўтлуғ занжир –  
кишан бор».

Биҳишт айтур: «Мен ортуқ – пайғамбарлар  
менда бор,  
Пайғамбарлар олдида кавсар<sup>4</sup>, хуру  
филмон<sup>5</sup> бор!»

<sup>1</sup> *Фиръавн* – қадимги Миср подшоларининг номи. Куръонда тилга олинган Фиръавн ўзини Худо деб эълон қилган золим подшохни ифодаловчи ном.

<sup>2</sup> *Хомон* – Фиръавннинг вазири.

<sup>3</sup> *Юсуф Канъон* – Канъон (Фаластин)лик Юсуф. Ҳасадгўй акалари қудукка ташлаб кетган Юсуф алайхиссаломни савдогарлар куткариб, мисрлик бадавлат одамга сотадилар. У аввал тухмат билан зинданга ташланади, кейин окланиб, давлат хазинасини сақловчи лавозимига кутарилади. Лекин асли канъонлик бўлгани учун Мисрда Юсуфи Канъон – канъонлик Юсуф номи билан машхур бўлади.

<sup>4</sup> *Кавсар* – суви асалдан тотли, кор ва сутдан оқ, ичган киши абадий ташналик нималигини билмайдиган жаннатдаги ховуз, булоқ.

<sup>5</sup> *Филмон* – жаннатдаги хизматкор болалар.

Дўзах айтур: «Мен ортуқ – тарсо<sup>1</sup>,  
жухуд менда бор,  
Жухуд, тарсо олдида турлук азоб –  
сўзон<sup>2</sup> бор».

Биҳишт айтур: «Мен ортуқ – мўмин қуллар  
менда бор,  
Мўминларнинг олдида турлу неъмат алвон бор!»

Дўзах айтур: «Мен ортуқ – золим қуллар  
менда бор,  
Золимларга берурга захар-заккум чандон бор».

Биҳишт айтур: «Мен ортуқ – олим қуллар  
менда бор,  
Олимларни қўнглида оят, хадис, Қуръон бор!»

Дўзах айтур: «Мен ортуқ – мунофиқлар  
менда бор,  
Мунофиқлар бўйнида ўтдин ишкол  
кишон бор».

Биҳишт айтур: «Мен ортуқ – зокир  
қуллар менда бор,  
Зокирларни қўнглида зикриллохи  
Субҳон<sup>3</sup> бор!»

<sup>1</sup> Тарсо – насроний, христиан.

<sup>2</sup> Сўзон – куйган, ёниб турган.

<sup>3</sup> Субҳон – Оллоҳ таолонинг сифатларидан бири: пок, беайб..

Дўзах айтур: «Мен ортуқ – бенамозлар  
менда бор,  
Бенамозлар бўйнида йилон билан чаён бор!»

Бихишт айтур: «Мен ортуқ – дийдор кўрмак  
менда бор,  
Дийдорин кўрсатарга Раҳим отлиф  
Раҳмон бор!»

Дўзах анда тек турди, бихишт узрини аиди,  
Кул Хожа Аҳмад на билди, билдиргувчи  
Яздон<sup>1</sup> бор!

\* \* \*

Бедорларга Ҳақ раҳмати бўлур ёвук,  
Бедорларни кўнгли синуқ, кўзи ёшлиқ,  
Манманликни жазосини бергай тамук,  
Такаббурни дўзах ичра ҳоли душвор.

Сендин бурун ёронларинг қаён кетти,  
Бу дунёфа майл қилмай, йиғлаб ўтти,  
Умринг охир бўлди, навбат сенга етти,  
Гунохингга тавба қилгил, эй бадкирдор!

Нафсинг сени, бокиб турсанг, нелар демас.  
Зори қилсанг, Оллоҳ сари бўйун сунмас,  
Қўлға олсанг, ябон<sup>2</sup> қушдек қўлға қўнмас,  
Қўлға олиб, тун уйқусин қилгил бедор.

<sup>1</sup> Яздон – Худо.

<sup>2</sup> Ябон – чўл, биёбон.

Нафс йўлиға кирган киши расво бўлур,  
 Йўлдин озиб, тойиб, тўзуб, гумроҳ бўлур,  
 Ётса-қўбса<sup>1</sup>, шайтон била ҳамроҳ бўлур,  
 Нафсни тебгил, нафсни тебгил, эй бадкирдор!

Нафсинг сени охир дамда гадо қилгай,  
 Дин уйини форат қилиб, адо қилгай,  
 Ўлар вактда иймонингдин жудо қилгай,  
 Оқил эрсанг, нафси баддин бўлгил безор.

\* \* \*

Кетганларни кўруб, сен ҳам ибрат олғил,  
 Ибрат олсанг, ётмиш еринг бўлур гулзор.

\* \* \*

Мўмин қуллар дарду ҳолат пайдо қилди.  
 Ҳак йўлида жону дилни шайдо қилди,  
 Дунё ташлаб, охиратни савдо қилди,  
 Савдо қилсанг, хуру филмон бори тайёр.

Кул Хожа Аҳмад, нафс илкидин қилурмен дод,  
 Пири муғон<sup>2</sup> бўлғаймукин анга жаллод,  
 Бехабарлар эшитмаслар доду фарёд,  
 Кон йиғлагил, эшитсун ул Парвардигор!

<sup>1</sup> Кўпмоқ – ўрнидан турмоқ.

<sup>2</sup> Пири муғон – муғлар пири. *Mug* – оташпараст; мажозан: пир. Пири муғон комил инсон бўлиб, рухоний раҳбар маъносида кўлланади. Яссавий рамзий маънода Мухаммад алайҳиссаломни – Пири муғон, унинг ғоялари, ҳақиқатни – маст қилувчи май сифатида талқин килади.

\* \* \*

Ишқи тегса, күйдиргуси жону танни,  
 Ишқи тегса, вайрон қилур мовуманни.  
 Ишқ бўлмаса, топиб бўлмас, Мавлом<sup>1</sup>, сани,  
 Ҳар на қилсанг – ошиқ қилғил,  
 Парвардигор!

\* \* \*

Ким онинг кўйида бўлса,  
 Ҳақ онинг кўнглидадир,  
 Ҳар сори борса, ўшал ёри билан  
 парвоз этар...

Маърифат<sup>2</sup> майдони ичра бу қўнгилни  
 шод этиб,  
 Дунёсин тарк айлаганлар Ҳақ билан  
 савдо этар...

Хуш ажойибу гаройиб бу Худонинг ишлари,  
 Бирисин гўё қилибон, бирисин гунг, кар этар.

Кўргил, ушбу дунё учун кўб жафолар  
 айласанг,  
 Охири ҳеч ушбу дунё, ер билан яксон этар.

Кеча-кундуз орзу қилсанг онинг дийдорини,  
 Соф қилғил бу қўнгилни, бир куни  
 дарбор<sup>3</sup> этар.

<sup>1</sup> *Мавло* – соҳиб, сарвар; *Худо*.

<sup>2</sup> *Маърифат* – Оллоҳ моҳияти ҳакидаги илм, ирфон.

<sup>3</sup> *Дарбор* – олий даргоҳ, сарой.

Эй Қул Аҳмад, сен юруб, ғамгин күнгилни  
овлагил,  
Аҳли дил<sup>1</sup> бўлған киши ғамгин күнгилни  
шод этар.

\* \* \*

Лашкар тузиб, шайтон бирла мен уруштим,  
Бихамдиллоҳ<sup>2</sup>, икки нафсим ўлди, дўстлар.

\* \* \*

Соч-соқолим хўб оқарди, кўнглум қаро,  
Рўзи маҳшар раҳм этмасанг, ҳолим табоҳ<sup>3</sup>,  
Сенга аён – амалсизмен, кўбтур гуноҳ,  
Жумла малак ёзуқларим билди, дўстлар.

\* \* \*

Авлиёлар айтган ваъда келди бўлғай,  
Қиёматни куни ёвук бўлди, дўстлар.  
Оқил қуллар бўлганини билди бўлғай,  
Халқу элдин меҳр-шафқат кетти, дўстлар.

Улуг-кичик ёронлардин одоб кетти,  
Кизу заиф, жувонлардин ҳаё кетти,  
«Ал-ҳаё-у мин ал-ијмон»,<sup>4</sup> – деб Расул айтти,  
Ҳаёсиз қавм ажойиблар бўлди, дўстлар.

<sup>1</sup> Аҳли дил – маърифат ахли, орифлар.

<sup>2</sup> Бихамдиллоҳ – Худога шукур, Оллохнинг ҳамди учун.

<sup>3</sup> Табоҳ – бузук, вайрон, хароб.

<sup>4</sup> Ал-ҳаё-у мин ал-ијмон – Ҳаё иймондандир (ҳадис).

Мусулмон мусулмонни қилди қотил,  
Ноҳақ тутуб, Ҳақ ишларин қилди ботил,  
Мурид пирға қилмадилар юзихотир,  
Ажаб шумлуғ замоналар бўлди, дўстлар.

Аҳли дунё, халқимизда саховат йўқ,  
Подшоҳларда, вазирларда адолат йўқ,  
Дарвешларнинг дуосида ижобат йўқ,  
Турлук бало халқ устиға ёғди, дўстлар.

Охирзамон олимлари золим бўлди,  
Хушомадни этгувчилар олим бўлди,  
Ҳақни айтган дарвешларга ғаним бўлди,  
Ажаб шумлуғ замоналар бўлди, дўстлар.

Қиёмат кун ёвуқ етти – қолғони йўқ,  
Кул Аҳмадни айтган сўзин ёлғони йўқ,  
Ўз-ўзига бир насиҳат қилғони йўқ,  
Насиҳатни халқقا айтиб кетти, дўстлар.

\* \* \*

Турлук-турлук аломатлар бўлди пайдо,  
Юрагимда жароҳатлар бўлди пайдо,  
Бу дунёда лаҳза фориғ бўлмоғ қайдо,  
Нечук илож этаримни билмам, дўстлар.

\* \* \*

Тухми исён беҳад сочтим, тоатим оз,  
Ўтти умрим ғафлат билан ҳам қишу ёз,  
Ёқинтуур жоним қуши қилса парвоз,  
Нечук илож этаримни билмам, дўстлар.

\* \* \*

Ишқ сиррин баён қилсам ошиқларға,  
Тоқат қилмай, бошин олиб кетар, дўстлар.  
Тоғу тошқа бошин уруб, бехуд бўлуб,  
Ахли иёл, хонумондин ўтар, дўстлар.

\* \* \*

Ишқ гавҳари тубсиз дарё ичра пинхон,  
Жондин кечиб, гавҳар олган бўлди жонон.  
Булҳаваслар ошиқмен деб йўлда қолғон,  
Динларини пучак пулга сотар, дўстлар!

\* \* \*

Мухаббатни отин эштиб, гирён бўлдум.

\* \* \*

Замона охир бўлди, хўюнг кетти,  
Расулуллоҳ ваъдалари ёвук етти,  
Хос қуллари яхши сўзга қулоқ тутти,  
Ёмон қуллар кундин-қунга баттар, дўстлар.

\* \* \*

Дунёдорлар молин кўруб, ҳаво қилур,  
Манманликдин ул дъвойи Худо қилур,  
Ўлар вактда иймонидин жудо қилур,  
Жон берарда ҳасрат билан кетар, дўстлар.

Қамуғ<sup>1</sup> дунё йиққанларни, валлоҳ, кўрдум,  
Ўлар вактда қалайсен, деб ҳолин сўрдум,

<sup>1</sup> Қамуғ – ҳамма барча.

Шайтон айди: ийменига чангаль урдум,  
Жон чиқорда йиглай-йиглай кетар, дүстлар.

Кул Хожа Ахмад, ошиқ бўлсанг,  
жонинг куйсун,  
Сидқинг бирла Оллоҳ дегил, Тангри билсун,  
Дуо қилгил, мўмин қуллар дунё қўйсун,  
Дунё қўйған охиратқа етар, дўстлар.

\* \* \*

Во дариғо, ўтти умрум, билолмадим,  
Жондин кечиб, Ҳазрат сари боролмадим,  
Нафсдин кечиб, Ҳақ амрини қилолмадим,  
Ўлуб борсам, ҳасрат менга етар, дўстлар.

\* \* \*

Ошиқлик улуғ даъво – қилсанг муни,  
Мехнат бирла синар эрмиш Мавлом сени,  
Ранжу меҳнат бирла бўлсанг туни-куни,  
Маъшуқандин қўнгил ўзга қилманг, дўстлар.

Манлик бирла тариқатга кирмадилар,  
Жондин кечмай, йўлға қадам қўймадилар,  
Нафс ўлтурмай, таслим фано бўлмадилар,  
Хомтамаълиғ бирла йўлға кирманг, дўстлар.

Ушбу ишқни йўли тилим бўлмоқтуур,  
Мунда йиглаб, охиратда кулмоқтуур,  
Гул ранглари заъфарондек<sup>1</sup> сўлмоқтуур,  
Мундоғ бўлмай, ошиқман деб айтманг, дўстлар.

<sup>1</sup> Заъфарон – сарғиши тус берувчи хушбўй ўсимлик; сариқ ранг.

\* \* \*

Ёлғончига жаннат йўқтур, валлоҳ, онга –  
Ёлғон сўзлаб, иймонсизин кетманг, дўстлар.

\* \* \*

Дийдор кўрай деган ошиқ бўлур бедор.

\* \* \*

Сирдин маъно туймаганлар бегонадур<sup>1</sup>.

\* \* \*

Дарвешман дер, дунё сари кўнгли мойил.

\* \* \*

Бу йўлларни физосидур<sup>2</sup> қайфу, меҳнат,  
Меҳнат тортиб, жафо чеккан кўрар роҳат.  
Саҳарларда зори қилған хуш саодат,  
Ху-ху тею бу дунёдин ўтар, дўстлар.

\* \* \*

Қул Хожа Аҳмад, ошиқ бўлсанг, дунё қўйғил,  
Охиратни азобидан қайфу егил,  
Эранларни қилғанларин сен ҳам қилғил,  
Хизмат қилған охир мурод топар, дўстлар.

<sup>1</sup> Бегона – тариқат йўлига қадам қўймаган, сайру су-  
лукин ўтмаган киши.

<sup>2</sup> Физо – озиқ-овқат, егулик, таом.

\* \* \*

Аё ошиқ, бу дунёда меңнат тортқил,  
Тортқан жабру жафоларни роҳат билгил.

\* \* \*

Фийбат сўздин ҳеч йифмадим мен тилимни,  
Нодонлигим мени расво қилди, дўстлар.

\* \* \*

Нафсим менинг юз минг таом тилар, дўстлар.

\* \* \*

Нафсингни сен ўз раъйига қўйма зинҳор.

\* \* \*

Аё ғофил, Ҳақ зикрини тилдин қўйма,  
Дунёликдин бир зарра сен қўлға олма,  
Эранларни орқасидин ҳаргиз қолма,  
Йўлға кирган охир мурод топар, дўстлар.

Во дариғо, армон била умрум кечти,  
Нафсим мени түғён қилди, ҳаддин ошти,  
Жоним қуши парвоз қилса, рухум қочти,  
Ғофил юрган умрин елга сотар, дўстлар.

\* \* \*

Ориф ошиқ ўз жонини ўтга ёқмас.  
Бедардларга ишқ чақмоқин ёқиб бўлмас.  
Дунё келиб жилва қилса, қиё бокмас,  
Ишқсиз киши баҳойимдин<sup>1</sup> баттар, дўстлар.

<sup>1</sup> Баҳойим – хайвонлар.

\* \* \*

Оллоҳ ёди кўнгил мулкин очар, дўстлар.

\* \* \*

Рўзи азал тақдир қилса Ҳақ жамоли,  
Юз минг шайтон қасд айласа, йўқ заволи,  
Кундин-кунга зиёд бўлғай қолу холи,  
Доно бўлуб, Ҳақ йўлларин очар, дўстлар.

Муҳаббатни майдонида жавлон қилған,  
Ҳакикатни дарёсидин гавҳар олған,  
Маърифатни матоъини ичга солған,  
Юрса-турса дурру гавҳар сочар, дўстлар.

\* \* \*

Кул Хожа Аҳмад, нафсдин улуғ бало бўлмас,  
Еру кўқдин тўъма берсанг, ҳаргиз тўймас,  
Туфрок бўлуб ерда ётсанг, кофир<sup>1</sup> ўлмас,  
Нафси ўлган ҳуру филмон қучар, дўстлар.

\* \* \*

Зохир неъмат шукрини ғофил билмас,  
Ботиндагин қиёс бирла кўрса бўлмас.  
Зохир кўзи ғафлат бирлаб оқиб кўрмас,  
Зохир кўзи очилса, ул кўрар, дўстлар.

<sup>1</sup> Тасаввув адабиётида нафсга кофир, шер, ит, аждаҳо сифатлари берилиб, каттиқ кораланади.

\* \* \*

Қайда борса, факир мискин дўкон қурмас,  
Фарид бўлуб вайронага кўчар, дўстлар.

\* \* \*

Фариблиғда ғарид бўлған ғариблар,  
Фариблар ҳолини билған ғариблар,  
Сабаб бирла йироқ ерга борибон  
Қариндош қадрини билған ғариблар.

Сувсаганда сувга муҳтож бўлған,  
Тиригига зор ўлуб ўлган ғариблар.  
Киши билмас – ғариблар ҳоли надур,  
Магар билгай ғарид бўлған ғариблар.

Фариблиғ қоттиғ ишдур, эй азизим,  
Ким ул бекадр – улар мискин ғариблар.  
Кел әмди, Аҳмадо, ўзунгга боқфил,  
Фарисен сен, ғарид мискин ғариблар.

\* \* \*

Ҳаққа ошиқ бўлғанлар Ҳақ йўлиға кирмишлар...

Кўнгил бермай дунёға, шуруъ<sup>1</sup> килмай ҳаромға,  
Ҳақни суйган ошиқлар халойиқдан кечмишлар...

Мўмин қуллар, содиклар, сидки бирла тургонлар,  
Дунёлигин сарф этиб, учмок ҳурин қучмишлар.

<sup>1</sup> Шуруъ – бошлаш, ишга киришиш.

\* \* \*

Очиб күнгил күзини мушоҳада қилинглар.

\* \* \*

Тариқатни йўли кулли<sup>1</sup> адабдур.

\* \* \*

Ҳақиқат билмаган одам эмасдур,  
Билингиз, ҳеч нимага ўхшамасдур.

\* \* \*

Рахм қилса, билингиз, раҳмати бор,  
Берур бўлса, туганмас неъмати бор.

\* \* \*

Расулни билса ҳар ким тўрт пуштин,  
Қиёматда кезар саккиз биҳиштин.

\* \* \*

Муҳаммад айдилар: ҳар ким етимдур,  
Билинглар, ул мени хос умматимдур.

Етимни кўрсангиз, оғритмангизлар,  
Фарибни кўрсангиз, доғ этмангизлар.

Етимлар бу жаҳонда хор экандур,  
Фарибларни иши душвор экандур.

---

<sup>1</sup> Кулли – бу ерда: тамомила, бутунлай.

Фарибларни иши доим сулукдир<sup>1</sup>,  
Тирик эрмас, фариб мисли ўлукдир.

Худойиға фариблар белгулукдур,  
Фарибни эрта-ахшом сүргулукдур.

\* \* \*

Ҳикмат бирлан ул адамдин<sup>2</sup> бор айлади,  
Ўн саккиз минг қамуғ олам<sup>3</sup> ҳайрон эрур.  
«Қолу бало...», деган<sup>4</sup> қуллар улуш олди,  
Сукут этган қуллар дини вайрон эрур.

\* \* \*

Тавба қилсам, кечармукин қодир Илоҳ,  
Йўқ эрса, неткум анда мен рўсиёҳ<sup>5</sup>,  
Тонгла борсам, илик, оёғ – барча гувоҳ,  
Ҳақ қошида барча ишлар осон эрур.

<sup>1</sup> Сулук – йўл юриш, сайд этиш; тариқат.

<sup>2</sup> Адам – йўқлик, файб.

<sup>3</sup> Диний тасаввурлар ва тасаввуф фалсафасига кўра, ўн саккиз минг олам мавжуд. Бу тушунча коинотнинг бепоёнлиги ва мавжудотнинг беҳисоблигини англатади.

<sup>4</sup> Қолу бало – Куръони карим Аъроф сурасининг 172-оятидан: Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан (яъни пушти камарларидан то киёмат кунигача дунёга келадиган барча) зурриётларини олиб: «Мен Парвардигорингиз эмасманми?» деб ўзларига қарши гувоҳ килганида, улар: «Ҳакиқатан, Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шохидмиз», – деганларини эсланг!

<sup>5</sup> Рўсиёҳ – юзи қора, гуноҳкор.

Йиғлаб келдук эшигингга жумла гадо,  
Лутф айласанг, юз минг осий хандон эрур.

Нафсни тефиб, меҳнат етса, роҳат билғил.

Дардин тортсанг, Хожа сендин ризо эрур.

Жоҳил халқи пир қадрини қачон билур?

Ё Илоҳим рўзи қиласа, маъно олгил,  
Маъно сўраб, маъно олған чин қул бўлур.

Тариқатни лаззатидин тотқан киши,  
Дунёсини дин йўлида сотқан киши,  
Кеча-кундуз қўзда ёши оққан киши,  
Бу дунёни қадрини қачон билур!

Кеча-кундуз тоат қиласа ўшал ошик,  
Бу дунёда гуноҳидин бўлар фориғ,  
Дарвешларни фийбат қилған ул мунофик,  
Маърифатни қадрини қачон билур!

Дунё молин йиғиб, йўлни йитурганлар,  
Эссиз умрин куфр ичинда кечурганлар.  
Қоловузсиз<sup>1</sup> биёбонда юрганлар,  
Мұхаббатни қадрини қачон билур!

Кўб кишилар даъво қилур нафс кузатиб,  
Еб, ичиб, ҳайвон каби тунлар ётиб,  
Рўза тутмас, закот бермас ҳам ўётиб,  
Ҳақ таоло қадрини қачон билур!

\* \* \*

Зоҳирини оти бирлан безаганлар,  
Ботинларин оти бирла тузаганлар,  
Шавқ ўтини ич кўнгилга кузаганлар,  
Мосиво<sup>2</sup> бирлан қачон машғул бўлур?

Тариқатдур – бу йўл отин билса дарвеш,  
Маърифатни матоъидин олса дарвеш,  
Ўзга йўлни боду ҳаво сонса<sup>3</sup> дарвеш,  
Ҳақиқатни майдонида эр ул бўлур!

\* \* \*

Жондин кечмай, ишқ сиррини билса бўлмас,  
Молдин кечмай, манманликни қўйса бўлмас.

<sup>1</sup> Қуловуз – рахнамо, раҳбар.

<sup>2</sup> Мосиво – Оллоҳдан бошқа нарсалар.

<sup>3</sup> Сонса – бу ерда: санаса.

\* \* \*

Ишқ йўлида кеча-кундуз йиғлағанлар,  
Жондин кечиб, белин маҳкам боғлаганлар,  
Хизмат қилиб, Ҳақ сирини онглағанлар,  
Тун уйқуни ҳаром қилиб, нолон бўлур.

Во дариғо, ишқ йўлида жоним бермай,  
Фаввос бўлуб, дарё ичра гавҳар термай,  
Ҳақдин ўзга ғафлатларни йироқ солмай,  
Тонгла борса, надоматлар чандон бўлур.

\* \* \*

Бир лаҳзада шайтон мулки вайрон бўлур.

\* \* \*

Оят, ҳадис баён қилсам, қоттиғ сўзлар,  
Зохир – одам, ботинлари – шайтон бўлур.

\* \* \*

Қул Хожа Аҳмад, ғафлат билан умрунг ўтти,  
Во ҳасрато, кўздин, тиздин қувват кетти,  
Во вайлого, омонатни вақти етти,  
Амал қилмай, карвон янглиғ кўчтум мано.

\* \* \*

Жон бермакдин ишқ қоттиғдур, юз минг азоб.

\* \* \*

Нафсим учун кўб югурдум итдек кезиб.

\* \* \*

Ҳақ пандини олған дунё излаёлмас.

Эй ёронлар, ишк дардиға даво бўлмас,  
То тириксан, ишк дафтари адо бўлмас.

Дунё уқбин<sup>1</sup> юз минг талоқ кўйдум мано.

Тариқатни йўлларини уқбаси кўб,  
Пок ишқини қўлга олмай, бўлмас юруб.

Қаю қулға Оллоҳ ёди бўлса ҳамроҳ,  
Очлур кўзи, йўлин топар, бўлмас гумроҳ,  
Ёдлик қулдин қочар эрмиш фафлат, гуноҳ,  
Рўзи қилса, гуноҳлардин қочсам мано.

Нафсга мудом ҳалол лукма рўзи бергил.

Оллоҳ деган ошиқ қуллар тобти давлат.

Қул Хожа Аҳмад, гадо бўлсанг,  
Хаққа бўлғил,  
Бошинг бирлан эранларга хизмат қилғил.

<sup>1</sup> Уқба – түсик, довон.

Жону дилда Ҳақ зикрини айтиб мудом,  
Шайтон лаъин йўлларидан кочтим мано.

Ҳақиқатлик маъшук учун жоним фидо.

Ишқдин юз минг бало тегди – сабр айладим,  
Собир бўлуб, Ҳақ васлиға еттим мано.

Ман онодин туғдум эрса, кулгоним йўқ,  
Бу дунёнинг ишратларин билгоним йўқ,  
Умрум ичра ҳаргиз хушнуд бўлғоним йўқ,  
Ҳақдин кўркуб, йиғлай-йиғлай ўттум мано.

Ишқизларни ақли кўтоҳ<sup>1</sup>, ўзи ғофил,  
Сўфийман деб кўп лоф ураг, ўзи жохил,  
Ҳақ ишқидин баҳра олғон Ҳакқа мойил,  
Жоним бирлан ишқ этагин туттум мано.

Кул Хожа Аҳмад, сахийларни ўрни жаннат,  
Дарё-дарё эҳсон қилса, қилмас миннат,  
Тонгла борса, Ҳақ инъоми тожу давлат,  
Эҳсон учун юз минг ўзни соттим мано.

<sup>1</sup> *Кўтоҳ* – киска, калта.



Поку пархез килиб борса, анда султон,  
Файбдин эштиб, бу сўзларни айдим мано.



Ишқ даъвосин манга қилма, ёлғон ошиқ,  
Ошиқ бўлсанг, бафринг ичра кўз қони йўқ.  
Мұхаббатнинг шавқи билан жон бермаса,  
Зоеъ кечар умри анинг, иймони йўқ.

Ишқ бофини меҳнат тортиб кўкартмасанг,  
Хорлиқ билан шум нафсингни ўлдурмасанг,  
Оллоҳ деюб, ичга нурин тўлдирмасанг,  
Валлоҳ-биллоҳ<sup>1</sup>, санда ишқни нишони йўқ.

Ишқ зикрини мағзи жондин чиқармасанг,  
Уч юз олтмиш томурларинг тебратмасанг,  
Тўрт юз қирқ тўрт сўнгакларинг гил қилмасанг,  
Ёлғончидур – Ҳакқа ошиқ бўлғони йўқ!

Нафсадан кечиб, қаноатни пеша<sup>2</sup> қилғон,  
Хар не деса, рози бўлуб бўйун сунғон,  
Яхшиларни хизматида дуо олғон,  
Андоғ ошиқ маҳшар куни армони йўқ.

Роҳат ташлаб, жон меҳнатин хушлағонлар,  
Сахарларда жонин қийнаб ишлагонлар,  
Хою ҳавас, мовуманни ташлағонлар  
Чин ошиқдур, бешак, ани ёлғони йўқ.

<sup>1</sup> Биллоҳ – Худо ҳаққи, азбаройи Худо.

<sup>2</sup> Пеша – касб, хунар, одат.

Чин дардини бедардларга айтиб бўлмас,  
Бу йўлларни уқбаси кўб – ўтуб бўлмас,  
Дуру гуҳар хармуҳрага<sup>1</sup> сотиб бўлмас,  
Бехабарлар ишқ қадрини билгони йўқ.

Ишқка туштунг, ўтқа пиштинг, куюб ўлдунг,  
Парвонадек жондин кечиб, ахгар бўлдунг,  
Дардга тўлдунг, ғамда сўлдунг, телба бўлдунг,  
Ишқ баҳрини сўрсанг, ҳаргиз поёни йўқ.

Бошинг кетар бу йўлларда – ҳозир бўлғил,  
Ишқ йўлида ўлмас бурун зинҳор ўлғил<sup>2</sup>,  
Пир этагин маҳкам тутуб, хизмат қилғил,  
Хизмат қилған охир йўлда қолғони йўқ.

Эй бехабар, ишқ аҳлидан баён сўрма,  
Дард истагил, ишқ дардиға дармон сўрма,  
Ошиқлардин, зоҳидлардин<sup>3</sup> аҳвол сўрма,  
Бу йўлларда ошиқ ўлса, товони йўқ.

Зоҳид бўлма, обид<sup>4</sup> бўлма, ошиқ бўлғил,  
Мехнат тортиб, ишқ йўлида содик бўлғил,

<sup>1</sup> Ҳармуҳра – эшакмунчоқ.

<sup>2</sup> Бу ерда «Муту қабла ан тамуту» – «Ўлмасдан бурун ўлинг» хадиси кўзда тутилиб, соликнинг фано ҳолига ишора қилиняпти. Бунинг маъноси ўзингдаги нафсу ҳавони ўлдириб, тавхидга – илохий бирликка етмоқ ва бутун мавжудотга Ҳак назари билан боқмоқ, холда ҳолга юксалиб, ашёни Ҳакда фоний қўрмоқдир.

<sup>3</sup> Зоҳид – узлат ва тақвони касб килиб олиб, дунё лаззатларидан юз ўгирган киши.

<sup>4</sup> Обид – тоат-ибодат қилувчи.

Нафсни уруб, даргохыға лойик бўлғил,  
Ишқизизларни хам жони йўқ, иймоҳи йўқ.

Ишқ савдоси бошқа тушса, расво қилур,  
Партав<sup>1</sup> солиб, Оллоҳ ўзи шайдо қилур,  
Мажнун сифат ақлин олиб, Лайло қилур,  
Оллоҳ ҳаққи, бу сўзларни ёлғони йўқ.

Кул Хожа Аҳмад, жондин кечиб,  
Йўлға киргил,  
Андин сўнгра эранлардин йўлни сўргил,  
Оллоҳ айтиб, ишқ йўлида дийдор кўргил,  
Бу йўлларда жон бермасанг, имкоҳи йўқ.

\* \* \*

Ишқ сиррини баён қилсан, бу оламда  
Бехабарлар эштиб, қулоқ солғони йўқ.  
Ҳақ ёдени кимга айтай – ҳамма ғофил,  
Манлик қилиб, бу дунёдин ўтгони йўқ.

Эшонман деб, шайху хожа дунё излар,  
Ул сабабдин подшоҳларға ёлғон сўзлар,  
Оят, ҳадис тафсир қилиб, молни қўзлар,  
Ҳақ йўлида ҳаргиз меҳнат тортқони йўқ.

Дунё тепуб, Ҳақни севган тобти мурод,  
Ишқ шаробин<sup>2</sup> ичган ошиқ шавқи зиёд,

<sup>1</sup> Партав – нур, шуъла, ёруғлик.

<sup>2</sup> Тасаввуф шеъриятида шароб, май, бода илоҳий та-  
жаллий тимсоли, ишқ ва ирфон рамзи бўлиб келади. Шун-  
га мувоғик, мастилик илоҳий маърифатдан ҳузурланишни,  
маънавий завқ дарёсига фарқ бўлишни билдиради.

Киёмат кун каззобларни юзи уёт,  
Ёлғончилар Ҳақ ёдини ойғони йўқ.

Охирзамон шайхлар иши ҳама риё,  
Рўзи маҳшар риёлар бўлғой гувоҳ,  
Шайхмен тею мунча риё, мунча ҳаво,  
Оллоҳ учун зарра савоб қилғони йўқ.

Эшонман деб, турлук таом теруб егой,  
Яхшиларни кўзга илмай, манман дегой,  
Дунё молин олиб борса, суюб олғой,  
Валлоҳ-биллоҳ, манманлиқдин ўтгони йўқ.

Сажжода<sup>1</sup> ким ўлтурса, факир<sup>2</sup> бўлсун,  
Мухаммаддек факир бўлуб, ҳақир бўлсун,  
Риёзатда<sup>3</sup> ранги рўйи сариф бўлсун,  
Ҳақ Мустафо элға қоттиғ ойғони йўқ...

Банда бўлсанг, хулқлар килиб, уммат бўлғил,  
Андин сўнгра иймон, ислом қўлға олғил,  
Сахар вақтда ёшинг сочиб, зори қилғил,  
Оллоҳ сахий – ҳеч ким навмид<sup>4</sup> қолғони йўқ...

Жондин кечган чин ошиқлар дунё демас,  
Нафси ўлук – обу таом ғамин емас,

<sup>1</sup> Сажжода – жойнамоз.

<sup>2</sup> Фақир – фақр мақоми (тариқатнинг тўртинчи мақоми)га мансуб киши. У Оллоҳдан бошқага муҳтоҷ бўлмай, тавакқул эътиқоди билан яшайди.

<sup>3</sup> Риёзат – тариқатга кирган соликнинг камолот касб этиш ва Ҳаққа етиш йўлида чекадиган мاشаққатлари, ранжу изтироблари.

<sup>4</sup> Навмид – умидсиз, маъюс.

Бу оламда суду<sup>1</sup> зиён муни билмас,  
Дунё келиб жилва қилса, олғони йўқ.

Мухаббатлик девонани нишони бор,  
Жону дилда ишқ дардини баёни бор,  
Бедардлар кимни кўрса, гумони бор,  
Боязиддек ҳар ким ўзин сотқони йўқ...

Булҳаваслар ошиқман деб кўб лоф ураг,  
Бехабарлар қайда борса, дўкон тузар,  
Ёлғон айтиб, бу дунёни даврин сурар,  
Дунё излаб, поёнига етгони йўқ.

Ҳақдин кўрқмай, манман деган шоҳлар қани?  
Ою кунга даъво қилған моҳлар<sup>2</sup> қани?  
Кеча йиғлаб, сахар турған хублар қани?  
Ибрат олиб, кону зардоб ютқони йўқ...

\* \* \*

Ишқ гавҳари тубсиз дарё ичра пинҳон,  
Жондин кечмай, ул гавҳарни олғони йўқ.

\* \* \*

Аё ошиқ, излагил сан Ҳақни йўлин,  
Асрафил сан ишқ боғида асрор гулин,  
Мехнат бирла синар эрмиш яхши қулин,  
Чин ошиқни кўнгли ҳаргиз қолғони йўқ.

<sup>1</sup> Суд – фойда, баҳра, наф.

<sup>2</sup> Моҳ – ой; мажозан: гўзал маҳбуба.

\* \* \*

Фосик, фожир<sup>1</sup> ҳаво қилиб, ерни босмас,  
Рўза, намоз қазо қилиб, мисвок<sup>2</sup> осмас,  
Расулуллоҳ суннатларин кўзга илмас,  
Гунохлари кундин-кунга ортар, дўстлар.

\* \* \*

Муршидларнинг<sup>3</sup> хизматини кил ихтиёр,  
Ўзлугумдин йўлға кирдим дема зинхор,  
Яхши билинг, тариқатни хатари бор,  
Куловузсиз ушбу йўлға кирманг, дўстлар.

\* \* \*

Ёлғон даъво қилиб, каззоб бўлманг, дўстлар.

\* \* \*

Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,  
Ким улфатдур – боши узра юз минг кулфат,  
Боштин-оёқ мунофиқни зиён-захмат...

\* \* \*

Эй биродар, меърож<sup>4</sup> сўзи ёлғон эмас,  
Дини сустрок мунофиқлар нелар демас.

<sup>1</sup> *Фожир* – бузғунчи, ёмон табиатли, фосик.

<sup>2</sup> *Мисвок* – тиш тозалагич.

<sup>3</sup> *Муршид* (*Пир, Шайх*) – тариқатда муридга рахнамолик қиласидан ирфоний маърифатда юксак макомга етган киши.

<sup>4</sup> *Меърож* – Мухаммад алайхиссаломнинг Қудлусдаги Аксо масжидидан осмонга – Оллоҳ хузурига қўтарилиши.

\* \* \*

Нафсу шайтон хайли<sup>1</sup> бирла кўб уруштум,  
Сабру ризо макомотин<sup>2</sup> оштим, дўстлар.

\* \* \*

Пири комил – мукаммил<sup>3</sup> бўлғон киши,  
Шамсу<sup>4</sup> қамар<sup>5</sup> янглиғ ёрур ичи-таши,  
Зарра қолмас кўнгул ичра филлу ғаши<sup>6</sup>,  
Назар қилса ҳар ён – ани кўпар, дўстлар.

\* \* \*

Дунёсиға мағур бўлуб юрганлар,  
Андоғ киши баҳойимдин батар, дўстлар.

\* \* \*

Дехқон эрмас кетмон чопиб, нон емаса.

\* \* \*

Олим улдур, хишт ёстаниб, таҳсил қилса.

\* \* \*

Чин ошикни Ҳаққа етор қилғон иши,  
Ҳақ таоло ўзига тортар, дўстларимо.

<sup>1</sup> *Хайл* – тўда, гурух, тоифа.

<sup>2</sup> *Макомот* – макомлар, манзиллар: соликнинг руҳий-маънавий камолот боскичлари бўлиб, улар 9 та – тавба, вараъ, зухд, фақр, сабр, хавф, ражо, таваккул, ризо.

<sup>3</sup> *Мукаммил* – тарбия қилувчи, такомилга олиб борувчи, камолотга етказувчи.

<sup>4</sup> *Шамс* – күёш.

<sup>5</sup> *Қамар* – ой.

<sup>6</sup> *Филлұғаш* – кудурат, ғубор.

\* \* \*

Олим улким, ўзи ўқуб, ўзи билса,  
Раҳмон Тангрим буйруғига амал қилса,  
Зохиридин маъни олиб, ичга солса,  
Андоғ олим олим бўлур, дўстларимо.

\* \* \*

Ялғон ошиқ даъво қилиб, йўлда қолғой,  
Рўзи маҳшар юзи қора бўлуб турғой,  
Ялғончидин Раҳмон Эгам юз ўгиргой,  
Жаҳаннамга ташлаб отар, дўстларимо.

Шармандаи расво бўлғой Аросатда<sup>1</sup>,  
Ҳак Мустафо уммат демас шафоатда,  
Тилларини судраб юргай қиёматда,  
Сижжин ичра куюб-ёнар, дўстларимо.

\* \* \*

Ишқ дардини ҳар номардга бермас Худо.

\* \* \*

Йифламоқни маъносига етгон киши,  
Қон йифласа, осон қилур қоттиғ иши,  
Мезон<sup>2</sup> узра шоҳид бўлғой окғон ёши,  
Гуноҳидин бешак ўтар, дўстларимо.

<sup>1</sup> *Arosat* (*Арасат*, *Аъроф*) – жаннат билан дўзах ўртасидаги баландлик жой. Қиёмат куни жаннатга ҳам, дўзажга ҳам тушмай, ўртада коладиган одамлар то гуноҳлари кечирилмагунча Аросатда турадилар.

<sup>2</sup> *Мезон* – тарози.

\* \* \*

Ишкқа кадам қўйғон ошик ўзин билмас,  
Фофил қуллар пичок урса, анга тегмас.

\* \* \*

Ушбу дунё иззатидин кечмагунча,  
Даргоҳиға лойиқ эрмас, дўстларимо.

\* \* \*

Жазбу<sup>1</sup> ҳолат пайдо қилғон ишқни топар,  
Шамшири дин қўлға олиб, нафсни чопар.

\* \* \*

Ҳақни суйгон ошиқлари факир бўлди,  
Йўл устида тупроқ сифат нафси ўлди,  
Ишқ йўлида жафо тортиб, нурға тўлди,  
Қайда борса, нафсни тепар, дўстларимо.

Ошиқ бўлсанг, каззоб бўлма, содик бўлғил,  
Макру хийла ишларидин йироқ бўлғил,  
Оллоҳ тею содик бўлуб, нурға тўлғил,  
Рост қулларни Оллоҳ билур, дўстларимо.

Оллоҳ аиди: иймон уйин қилма вайрон,  
Кўнгил бузғон жоҳилларни сўймас Субҳон,  
Рост қулларни кўнглидадур Ҳақ Бурхон<sup>2</sup>,  
Ҳалим бўлуб, дийдор кўринг, дўстларимо.

<sup>1</sup> Жазба – Ҳақнинг ўзига тортиши натижасида инсон-да пайдо бўладиган алоҳида илоҳсеварлик майли, руҳий ва тафаккурий-шуурий бир таважжух, иродани Илоҳга боғланадиган дард.

<sup>2</sup> Бурҳон – хужжат, далил.

\* \* \*

Риёзатни коттиқ тортиб, тинмай ишла,  
Күб ишлаган охир етар, дўстларимо.

\* \* \*

Телим сўзда қарор йўқ, ғариб ўлса, сўрор йўқ.

\* \* \*

Пириңг ҳозир бўлғонда на керак Хизру Илёс,  
Пирга қадам қўйғонда ёд этма ғавсу ғиёс<sup>1</sup>.

\* \* \*

Толибмен<sup>2</sup>, деб айтурлар, валлоҳ-биллоҳ,  
ноинсоф,  
Номаҳрамга боқарлар – кўзларида йўқ инсоф,  
Киши молин олай деб, кўнгиллари эмас соф...

\* \* \*

Толибман деб юрурлар – кўнглида йўқ  
зарра нур,

Чин толибни сўрасанг, ичу таши гуҳар, дур,  
Ҳакқа аён сирлари, тобмишлари сафо, нур,  
Арслон бобом сўзларин эшитингиз, табаррук.

<sup>1</sup> Ғавсу ғиёс – рижол ул-ғайб тоифасига мансуб авлиёлар. Рижол ул-ғайб – тасаввуфий қарашга кўра, дунёни идора этадиган валийлар жамоаси.

<sup>2</sup> Толиб – солик, мурид, йўловчи, тариқатга кириб, риёзат босқичларини босиб ўтиш оркали Худо сари сайр қилаётган киши.

## ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ

Суратлари сүфийнақш, қиёматдин күркмаслар,  
Фиску фужур ҳосили, гунохлардин хуркмаслар,  
Риё тасбек илгинда, йиғлаб ёшин тұқмаслар,  
Арслон бобом сўзларин эшитингиз, табаррук...

Охирзамон уммати дунё фоний – билмаслар,  
Кетганларни күрубон андин ибрат олмаслар,  
Эранларни қилғонин күруб, күзга илмаслар,  
Арслон бобом сўзларин эшитингиз, табаррук...

Оллох ёди күнгүлларни қилур равшан.

(Оллох айтүр);

Дардсиз одам банда эмас, муни англа,  
Ишқсиз одам ҳайвон жинси, ани тингла,  
Күнглунгизда ишқ бўлмаса, манга йиғла,  
Гирёнларға хос ишқимни раво қилдим.

Банда бўлсанг, манманликни зинҳор ташла,  
Саҳарларда жонинг кийнаб, тинмай ишла,  
Йўлдин озғон гумроҳларни йўлға бошла,  
Бир назарда дилларини сафо<sup>1</sup> қилдим.

<sup>1</sup> Сафо – риёзат чекиш натижасида дилнинг нафс хохишлари, ёмон иллатлар, ғаддор дунё ва Худо ёдидан бўлак нарсалардан қутулиб, покланиши.

Чин дардликка ўзим дору, ўзим дармон,  
Рахм айласам, отим – Раҳмон, зотим – Субхон,  
Ҳам ошиқман, ҳам маъшуқман – ўзум жонон,  
Бир назарда ботинларин зиё қилдим.

Тонг отқунча Ҳақ ёдини ойғон киши,  
Тоғу чўлни бўстон қилур оқғон ёши,  
Оллоҳ айтур: ўзга бирлан йўқтур иши,  
Ул ошиқни халойиқдин жудо қилдим.

Ишқ дардини ерга солсам, ер кўтармас,  
Дафтар қилсан, то тириксан битиб бўлмас,  
Ҳақни суйгон беку хону халқни билмас,  
Ул бандамни ўз йўлумда дуто қилдим.

Молу пулни парво килмас ошиқ киши,  
Йўл устида туфроқ бўлур азиз боши,  
Андин сўнгра нурға тўлур ичу таши,  
Тонгла борса, маҳшар аро подшоҳ қилдим.

Ҳақдин қўрқуб, дунё молин суймагонни,  
Зикрин айтиб, бир дам ётиб уймағонни,  
Ётса-кўбса, Ҳақ зикрини қўймағонни,  
Очтим ботин кўзларини, бино қилдим.

Рўза тутуб, халққа риё қилғонларни,  
Намоз ўкуб, қўлға тасбех олғонларни,  
Шайхман тею ўзга бино қўйғонларни,  
Охир дамда иймонидин жудо қилдим.

\* \* \*

Хеч келмади мендин савоб, онда на  
бергумдур жавоб,  
Гар қилсалар юз минг азоб, билмамки,  
ҳолим на бўлур?

Бўлса қиёмат куни, ҳозир бўлур барчалари,  
Килған амалларинг қани, билмамки,  
ҳолим на бўлур?

Эй Қул Аҳмад, сен бу кун қилғил  
ибодат тун-кун,  
Демагил умримдур узун, билмамки,  
ҳолим на бўлур?

\* \* \*

Жафосидин чин ошиқлар қайтмас бўлур.

\* \* \*

Оллоҳ ёдин айтур қуллар маъно бирлан,  
Бемаънога ҳаргиз қулоқ солмас бўлур.  
Оллоҳ деган ошиқ қуллар доим, мудом  
Ҳак ёдидин зарра ғофил бўлмас бўлур.

Ҳак ёдидин зарра ғофил бўлмағанлар,  
Ётса-қўпса, Ҳак зикрини қўймағанлар,  
Валлоҳ-бilloҳ, дунё ҳаром – олмағанлар,  
Гўр ичинда ул кул ҳаргиз ўлмас бўлур.

Маърифатнинг бўстонида жонин берган,  
Мухаббатнинг майдонида бош ўйнаған,  
Ҳақиқатнинг дарёсидин гавхар олған,  
Фаввос янглиғ ул дарёдин чиқмас бўлур....

Жафо чекмай, ошиқ бўлмас, тингла, ғофил,  
Жафо чекиб, собир бўлғил, бўлма жоҳил,  
Ризо бўлуб, куллук қилған бўлур оқил,  
Жоҳил одам бир-биридин ёнмас бўлур.

Қулмен тею Ҳак амрини қилмағанлар,  
Кудратини кўруб, ибрат олмаганлар,  
Иймон, ислом аҳкомларин<sup>1</sup> билмаганлар,  
Улуғ кунда қизил юзлук бўлмас бўлур...

\* \* \*

Умрим зоеъ ғафлат била елдек ўтти,  
Ҳазратингда қўэдин ёшим қондек кетти,  
Билдим, дўстлар, бу ақлим эмди етти,  
Сахарларда қўпуб, тоат қилғум келур.

Сахарларда Қуръон ўқуб, сано қилсан,  
Ҳазратингга қўл кўтариб, дуо қилсан,  
Зори қилиб, бу жонимни фидо қилсан,  
Сахарларда қўпуб, тоат қилғум келур.

\* \* \*

Ҳирсу ҳаво, нафс йўлинин қўймоқ керак.

<sup>1</sup> Аҳком – ҳукмлар.

\* \* \*

Үлмас бурун вужудингни айла фоний.

\* \* \*

Учмоини хос қулига эҳсон қилур.

\* \* \*

Мұхаббатсиз халойиқдин ҳар ким қочса,  
Орифларни сұхбатида жавлон қилур.  
Үртаб-куюб ишқ йўлида ёшин сочса,  
Субхон эгам Арш устида меҳмон қилур...

Зокир бўлуб зикрин айтса, келгай нидо,  
Шайтон лаъин етмиш фарсанг<sup>1</sup> бўлғай жудо,  
Дарди бўлса, Ҳақ дардига бергай даво,  
Андоғ қулни ўзи излаб, жонон қилур...

Ҳаққа ошиқ бўлған қуллар доим бедор,  
Ризвон эмас, мақсадлари эрур дийдор,  
Аҳли иёл, хонумондин бўлур безор,  
Исмоилдек<sup>2</sup> азиз жонин қурбон қилур...

Бу дунёни мўминларга зиндан қилур.

<sup>1</sup> *Фарсанг* – тахминан 7–8 километрга teng узунлик ўлчови.

<sup>2</sup> *Исмоил* – пайғамбар. Оллоҳ Иброҳим алайхиссаломни синаш максадида суюкли фарзанди Исмоилни қурбон килишни амр қиласди. Бу хабарни ўғлига етказганида, у илоҳий амрга сўзсиз бўйсунади, лекин Иброҳим алайхиссалом Исмоилни қурбонлик қилмоқчи бўлганида Оллоҳ жаннатдан бир қўчкорни чикариб, унинг ўрнига сўйишни буюради.

Эй мүминлар, тоат қилиб тоёнманглар,  
Амонатдур – азиз жонға инонманглар,  
Харом-ҳариш йиғмиш молға инонманглар.  
Молларингни Қариш отлиғ йилон қилур.

Бу дунёга бино қўйғон Корун<sup>1</sup> қани?  
Даъво қилган Фиръавн била Ҳомон қани?  
Вомик, Узро, Фарход, Ширин, Мажнун қани?  
Қаҳр айласа, бир лаҳзада яксон қилур.

Ҳеч билдингми одам ўлмай қолғанини?  
Бу дунёни вафосини билғанини?  
Дунёталаб бўйи Худо олғанини?  
Оллоҳ десанг, кўз ёшингни борон<sup>2</sup> қилур.

Ишқ дардига даво қилса, Раҳмон қилур.

Кимни кўрсанг, бу йўлларда ёлғон ошиқ,  
Зохир сўфий<sup>3</sup>, ботин ичра эрмас содик,  
Анинг учун маъшукиға бўлмас содик,  
Ёлғончини рўзи маҳшар сарсон қилур.

Окил бўлсанг, нодонларга сир айтмагил,  
Чин дарвешлар тоатларин пинхон қилур...

<sup>1</sup> *Корун* – Мусо алайхиссалом даврида яшаган, хадхисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, хасисликда ном чикарган шахс. Бу такаббур кимсанни охир-окибат бутун мол-дунёси билан бирга ер ютган. Шарқ адабиётида ҳарнслик ва хасислик тимсоли хисобланади.

<sup>2</sup> *Борон* – ёмғир.

<sup>3</sup> *Сўфий* – тариқатга кириб, дунёдан кўнгил узган, риёзат боскичларини босиб ўтиб, Ҳакка интилаётган киши.

Ошик бўлсанг, ишқ йўлида фано бўлгил,  
Дийдор излаб, ҳасратида адо бўлгил,  
Марҳам бўлуб, чин дардликка даво бўлгил,  
Хулқи хушни жон олурда осон қилур.

\* \* \*

Риё бирлан қилған тоат борча газоф<sup>1</sup>.

\* \* \*

Охиратда каззобларни урён қилур.

\* \* \*

Бу дунёда яратилған махлукларға,  
Эмди билдим, тириклиқ бўлмас эрмиш.  
Бу ўлумнинг шарбатидур аччиғ шароб,  
Жумла одам ичмай андин қолмас эрмиш.

Йўлға қадам қўйсанг, дўстлар, озиқ<sup>2</sup> олиб,  
Ажал келса, ошиқ келмас, сақол юлиб,  
Бу дунёнинг молларини хозир килиб,  
Ришват берсанг, Малак ул-мавт<sup>3</sup> олмас эрмиш.

Карвон агар кўчар бўлса, озиқ олур,  
Суду зиён бўлғанини анда билур,  
Озиқсизин йўлға кирган йўлда қолур,  
Юқун юклаб, йўлға кирган қолмас эрмиш.

<sup>1</sup> Газоф – ёлғон, сохта, бехуда.

<sup>2</sup> Озиқ – бу ерда: охират озиғи; амал, савоб.

<sup>3</sup> Малак ул-мавт – ажал фариштаси, яъни Азроил.

Юкун юклаб, йўлға кирган мардон бўлур,  
Куловузсиз йўлға кирган ҳайрон бўлур,  
Йўлбошчиси йўлни кўрган карвон бўлур,  
Йўлни кўрмай, карвон қадам қўймас эрмиш.

Ажал келса, озиқ келмас, сақол юлсанг,  
Ўнгул сўлга жонинг пора-пора берсанг,  
Дунё учун азиз умринг адo қилсанг,  
Малак ул-мавт келса, фурсат қўймас эрмиш.

Бу дунёда подшоҳмен деб кўксин керган,  
Ҳам олдида курси қўйиб, хайма<sup>1</sup> урган,  
Неча йиллар хайлу ҳашам<sup>2</sup> черик<sup>3</sup> солган,  
Ажал келса, бири вафо қилмас эрмиш.

Неча минглар черик йиқған хонлар қани?  
Бу сўзларнинг ҳар бириси маъно кони,  
Вафоси йўқ, бевафодур дунё – тани,  
Фофил одам қўруб ибрат олмас эмиш.

Бу дунёда югрук отга мингувчилар,  
Ҳарб<sup>4</sup> кунинда муборизлик<sup>5</sup> қилғувчилар,  
Олмос, пўлод қилич қурни<sup>6</sup> чопқувчилар,  
Ажал келса, бегу хонни қўймас эрмиш.

<sup>1</sup> Хайма – чодир.

<sup>2</sup> Хайлу ҳашам – бу ерда: подшоҳнинг хизматкорлари, навкарлари.

<sup>3</sup> Черик – қўшин, лашкар.

<sup>4</sup> Ҳарб – уруш, жанг.

<sup>5</sup> Мубориз – жангчи, баҳодир.

<sup>6</sup> Қур – давра, майдон.

Банда неча ёш яшаса, ўлмаги бор,  
Кўрар кўзга бир кун туфрок тўлмаги бор,  
Бу дунёда сафар қилған келмаги бор,  
Охиратга сафар қилған келмас эрмиш.

Тирикликда дин навбатин<sup>1</sup> яхши ургил,  
Охиратнинг асбобини<sup>2</sup> мунда кўргил,  
Кул Хожа Аҳмад, иймон узра тоиб<sup>3</sup> бўлғил,  
Иймон бирлан борган қуллар ўлмас эрмиш.

\* \* \*

Во дариғо, кечти умрум – тўймай қолдим,  
Роҳиласиз<sup>4</sup> йўлға кириб, хориб-толдим.

\* \* \*

Мухаббатни дарёсида ғаввос бўлуб,  
Маърифатни гавҳарини олғум келур.

\* \* \*

Ошиқ қуллар Ҳак ёдидин холи эрмас,  
Ҳақиқатлиғ бу дунёға майл қилмас,  
Чин ошиқлар дунё уқбин ҳаргиз олмас,  
Мен тақи<sup>5</sup> бу дунёни қўйғум келур.

<sup>1</sup> Навбат – ноғора.

<sup>2</sup> Асбоб – бу ерда: яроғ, восита.

<sup>3</sup> Тоиб – тавба қилувчи.

<sup>4</sup> Роҳила – туя, улов.

<sup>5</sup> Тақи – тағин, яна.

\* \* \*

Оллоҳ ёди такаббурни уйин бузди,  
Машойихлар бу ҳалқани кўрклук тузди,  
Чун Ҳу дедим, маъсиятлар<sup>1</sup> тузга<sup>2</sup> тўзди<sup>3</sup>,  
Мен ҳам тақи ул ҳалқада бўлғум келур.

\* \* \*

Хизмат қилиб, яхшилардин дуо олсан,  
Андин сўнгра шавқ шаробин totқум келур.

\* \* \*

Кўзум юмуб то очқунча умрим ўтти,  
Бу дунёни пучак пулға сотқум келур.

\* \* \*

Тили бирла умматман деб, ёлғон сўзлар,  
Киши молин олмоқ учун ҳазён<sup>4</sup> сўзлар,  
Ҳалолини мунда ташлаб, ҳаром кўзлар,  
Нодонларға бу сўзларни айғум келур.


Замона охир бўлса, оқил кетгай,  
Одам ўғли бир-бирини тутуб егай,  
Дунё учун иймон, ислом, динин сотқай,  
Оқилларға бу сўзларни айғум келур.

<sup>1</sup> *Маъсият* – шариатга хилоф йўсинда иш тутиш, гуноҳ.

<sup>2</sup> *Туз* – рост, тўғри.

<sup>3</sup> *Тўзмоқ* – бу ерда: айланмоқ.

<sup>4</sup> *Ҳазён* – бехуда, бемаъни сўзлар айтиши.

**ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ**

\* \* \*

Химмат берсанг, дунё уқбин тебгум келур.

\* \* \*

Қул Хожа Ахмад, дунё күрсанг,  
зинхор қочкил,  
Зикрин айтиб, тариқатни йўлин очкил,  
Оят, ҳадис сўзи бирла динор<sup>1</sup> сочкил,  
Эранлардин дурру гавхар олғум келур.

\* \* \*

Мухаббатни бўстонига булбул каби  
Сахарларда нола айлаб, қўнғум келур.  
Ўшал вақтда Илоҳимни жамолини  
Маъно кўзи бирла аён кўргум келур.

\* \* \*

Во дариғо, эссиҳ умрум бердим елга,  
Ибодатдин ҳеч нима йўқ боксам қўлга,  
Қуллук қурин<sup>2</sup> кеч боғладим эмди белга,  
Химмат килиб, пир хизматин килгум келур.

\* \* \*

Оллоҳ демак мўмин қулға ор эрмас ул,  
Ҳак ёдиға жоним қурбон қилгум келур.

<sup>1</sup> Динор – олтин танга.

<sup>2</sup> Кур – бу ерда: белбоғ.

\* \* \*

Химмат қуриң жон белиға маңкам чолмай<sup>1</sup>,  
Мосивони мұхаббатин ўздин солмай,  
Күз ёшини ниәз айлаб, розин айтмай,  
Асрор йўлиң мардонлардин билса бўлмас.

\* \* \*

Кул Хожа Аҳмад, сахар вақтда қилғил зори,  
Бедор бўлмай, Ҳақ жамолин кўрса бўлмас.

\* \* \*

Тариқатда турлук адаб билмагунча,  
Нафси бирла муҳораба қилмагунча,  
Ишқ йўлига ўзин лойик этмагунча,  
Ҳақиқатни сирларини билса бўлмас.

Шариатда мурод улдур – йўлға кирмак,  
Тариқатда мурод улдур – нафсдин кечмак,  
Ҳақиқатда азиз жонни фидо қилмак,  
Жондин кечмай, ишқ шаробин исча бўлмас.

\* \* \*

Дунё қўймай, хол илмини билса бўлмас.

\* \* \*

Фаввос бўлмай, дур-гавҳарни олса бўлмас.

<sup>1</sup> Чолмоқ – бу ерда: боғламок.

\* \* \*

Ишқ дардини билган киши дунё топар,  
Эранларни изин олиб, тинмай ўпар,  
Мұхаббатни шавқи бирлан ёшин сепар,  
Ёши оқмай, риёзатда сўлса бўлмас...

Ихлос керак, аё толиб, ошиқ бўлсанг,  
Жондин кечиб, меҳнат тортиб, содик бўлсанг,  
Ондин сўнгра даргохига лойик бўлсанг,  
Лойик бўлмай, дийдорини кўрса бўлмас.

Ошиқларга дарду бало, офат керак,  
Ҳақдин безор, тан берурға роҳат керак,  
Маломатга, ихонатга<sup>1</sup> тоқат керак,  
Тоқат қилмай, Ҳақка ошиқ бўлса бўлмас.

Ишқсизларни кўрдум, дўстлар, ҳайрон юрур,  
Мўминман деб, иймонлари вайрон юрур,  
Рўзи маҳшар дийдор кўрмай, сарсон юрур,  
Пири муғон назар қилмай, кўрса бўлмас.

\* \* \*

Зинҳор, зинҳор қочиб юргил бўлса нодон.

\* \* \*

Ошиқларни халқ ичинда сирри пинҳон.

<sup>1</sup> Ихонат – хўрлаш, тахқирлаш.

\* \* \*

Аё толиб, жафо чекиб, йўлга киргил,  
Жафо чекмай йўлга кирсанг, вафо бўлмас.  
Жафо чекмай охиратда йўқтур роҳат,  
Жафо чекмай кўзунг ёши зиё бўлмас.

Кимни кўрсанг, қули бўлуб хизмат қилгил,  
Раҳм айлабон ғарибларга шафқат қилгил,  
Олимлар келса, туриб иззат қилгил,  
Ножинсларда зарра ҳаргиз вафо бўлмас.

Фарибларга раҳм қилмоқ Расул иши,  
Фарибларки кўрган ерда оқар ёши,  
Фарибларга куёр доим ичу тоши,  
Фарибларни дуосидек дуо бўлмас...

Фарибларни кўрган ерда оғритмангиз,  
Фарибларга оччиғланиб сўз қотмангиз,  
Заиф кўруб, фарибларга тош отмангиз,  
Бу дунёда ғариблиқдек бало бўлмас.

\* \* \*

... зоҳид бўлма, ошиқ бўлгил<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Зоҳидлар ишқ ва ирфон (маърифат)дан бехабар бўлиб, уларнинг мақсади такво билан охират мағфиратини қозониш, Куръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш. Сўфий-ошиқларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун ҳам зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид киладилар.

\* \* \*

Чин дардликға ғариблиқдек даво бўлмас.

\* \* \*

Бул жаҳонға Муҳаммадни нури<sup>1</sup> тўлди,  
Ул нур билан икки жаҳон ёрур эрмиш.

\* \* \*

Хуш давлатдур вилоятда подшоҳ бўлса,  
Одил бўлуб, бир мўминни қози қилса,  
Ўшал қози барча элни рози қилса,  
Розилиқдин учмоқ уйин олар эрмиш.

\* \* \*

Хар намозда иймон боштин тоза бўлур.

\* \* \*

Тоат қилган Ҳаққа ёвуқ бўлар эрмиш.

\* \* \*

Тариқатга шариатсиз киргандарни  
Шайтон келиб иймонини олур эрмиш.  
Ушбу йўлни пирсиз даво қилгандарни  
Сарсон бўлуб, аро йўлда қолур эрмиш.

---

<sup>1</sup> Маълумки, Оллоҳ энг аввало Муҳаммад алайхиссалом нурини, сўнг шу нур туфайли оламлар ва одамларни яратган. Бинобарин, оламнинг асосида Муҳаммад нури ёки Муҳаммад хақиқати ётади.

Тариқатга сиёсатлиғ муршид керак,  
Ул муршидга эътиқодлиғ мурид керак,  
Хизмат қилиб, пир ризосин топмок керак,  
Мундоғ ошиқ Ҳақдин улуш олур эрмиш.

Пир ризоси – Ҳақ ризоси бўлур, дўстлар,  
Ҳақ таоло раҳматиндин олур, дўстлар,  
Риёзатда сир сўзидин билур, дўстлар,  
Ондоғ қуллар Ҳаққа ёвуқ бўлур эрмиш.

Ушбу йўлға, эй биродар, пирсиз кирма,  
Ҳақ ёдидин лаҳза ғофил бўлуб юрма,  
Мосивога, оқил эрсанг, кўнгул берма,  
Шайтон лаъин ўз йўлиға колур эрмиш.

Аё дўстлар, ҳеч билмадим мен йўлумни,  
Саодатға боғламадим мен белимни,  
Мосиводин ҳеч йифмадим мен тилимни,  
Нодонлиқим мени расво қилур эрмиш.

Шариатни, тариқатни билай десанг,  
Тариқатни ҳақиқатга улай десанг,  
Бу дунёдин дуру гавҳар олай десанг,  
Жондин кечган хос қуллари олур эрмиш.

Ошиқ қуллар кеча-кундуз ҳаргиз тинмас,  
Бир соате Ҳақ ёдидан ғофил бўлмас,  
Андоғ қулни Субҳон эгам зоеъ қўймас,  
Дуо қилса, ижобатлиғ бўлур эрмиш.

Во дариғо, кечти умрум ғафлат билан,  
Сен кечиргул гуноҳларим раҳмат билан,

~~ТАФАККУР ТУҲФАЛАРИ~~

Қул Хожа Ахмад сенга ёнди ҳасрат билан,  
Ўз-ўзига ўзи ёниб-куёр эрмиш.

\* \* \*

Дийдорини орзу қилсанг, кеча ётма,  
Бу дунёning тўъмасидин зарра тотма,  
Холдин сўрса, нодонларга сирни сотма,  
Мундоғ эрлар файзу футух<sup>1</sup> олар эрмиш.

\* \* \*

Эй еру кўк, ошиқлардин ҳазар қилинг,  
Ўтлиғ охи чиқар бўлса, хозир бўлинг,  
Кўкка боқиб наъра тортса, қўркуб туинг,  
Бир ох урса, олам яксон бўлар эрмиш.

\* \* \*

Ишқсиз одам, валлоҳ, йўлда қолар эрмиш.

\* \* \*

Ишқсизларни иймони йўқ, эй ёронлар,  
Дўзах ичра тинмай доим куёр эрмиш.

\* \* \*

Мухаббатлик ошиқларни Худо сўйди,  
Онинг учун дунё уқбин талоқ қўйди.

\* \* \*

Куюб-пишиб, дарди бирла қўксинг доғла,  
Доғда кетган висолини қўрар эрмиш.

---

<sup>1</sup> *Футух* – очилиш, ечилиш, кушойиш.

\* \* \*

Ҳақни суйган ошиқлари тобти мурод,  
Ёлғон ошиқ бўлуб юрма, тонгла ўёт.  
Қиличдин тез қил кўфрукни оти Сирот,  
Ёлғон даъво қилған ўтмай қолар эрмиш.

\* \* \*

Ошиқ бўлсанг, ёлғон даъво қилма зинҳор,  
Ёлғон даъво қилганлардин Худо безор.  
Қаххор эгам қаҳр айласа, оти Қаххор,  
Қиёмат куни юзи қаро қўбор эрмиш...

Ошиқларни кўзи гирён, бафри бирён<sup>1</sup>,  
Парвоси йўқ, номуси йўқ, юрар урён,  
Эл кўзига туфроқдин кам, сирри пинҳон,  
Жони бирла ёдин айтиб юрар эрмиш.

Тўғри юрган ошиқлардин Худо рози,  
Ошиқ иши осон әмас, қилма бози<sup>2</sup>,  
Ёлғончилар ошиқман дер, Оллоҳ қози,  
Иймонини пучак пулга сотар эрмиш.

\* \* \*

Савдо қилсанг охиратни савдосини,  
Бошқа олма бу дунёни ғавғосини.

\* \* \*

Ошиқлари учмоқ ичра учар эрмиш.

<sup>1</sup> Бирён – куйган, ўртанганд, кабоб бўлган.

<sup>2</sup> Бози(й) – ўйин, алдов, фириб, хийла.

\* \* \*

Мұхаббатдин хабар билған ошиқлари  
Оллоҳ деса, түккүз осмон куяр эрмиш.  
Арш устида наъра тортса содиқлари  
Фаришталар азиз жондин түяр эрмиш.

Сен ошиқ бўл, партав солур ошиқларға,  
Парда олиб, жилва қилур содиқларға,  
Дийдорини Ҳақ кўрсатур лойикларға,  
Ҳақ таоло лойикларни суяр эрмиш...

Ошиқларға бир Худодин ўзга ҳаром,  
Раҳматидан қатра томса, иши тамом,  
Ризқу рўзи изламаслар – таваккул<sup>1</sup> том,  
Ҳақ зикрини айта-айта түяр эрмиш.

Ошиқлари Ҳақдин қўркуб, бўлур бедор,  
Ҳақиқатлиғ ошиқларни фикри дийдор,  
Бош бер деса, жону иймон онга тайёр,  
Жондин кечиб, Ҳақ йўлида ўлар эрмиш.

\* \* \*

Эй бехабар, Ҳаққа ихлос қилмасмусен?  
Мунда ихлос, онда халос бўлмасмусен?  
Икки олам Худойингни билмасмусен?  
Бехабарни дўзах ичра солар эрмиш.

<sup>1</sup> *Таваккул* – тариқатнинг саккизинчи мақоми: комил эътиқод ва тўла ишонч билан ўзини Яратганинг ихтиёрига топшириб, дунё, тирикчилик ва нафс ташвишларидан бутунлай фориғ бўлиш.

Ботил<sup>1</sup> кўзлар хос валийни танумаслар,  
Ондин юз минг сирлар кўрса, унамаслар,  
Ким яхшидур, ким ёмондур танумаслар,  
Ул сабабдин ора йўлда қолар эрмиш.

Тоза-тоза ҳикматларим соний<sup>2</sup> дафтар,  
Эссиз сўзум нодонларга – қилур абтар<sup>3</sup>,  
Бахра олмай, кундин-кунга бўлур баттар,  
Сўзга етмай, ўзга бино қилар эрмиш.

\* \* \*

Ножинсларни Ҳақ жазосин берар эрмиш.

\* \* \*

Ёлғончилар Ҳақдин улуш олғони йўқ,  
Улуш олған факр<sup>4</sup> тўнин кияр эрмиш.

Факр тўнин кийган ошиқ бўлур туфроқ,  
Зор йиғлабон дийдориға бўлур муштоқ,  
Малойиклар от қўярлар онга оғоқ<sup>5</sup>,  
Ондоғ ошиқ элдин қочиб юрар эрмиш.

<sup>1</sup> Ботил – 1) ноҳак, нотӯғри, бузук; 2) рал этилган.

<sup>2</sup> Соний – иккинчи.

<sup>3</sup> Абтар – 1) вайрон, хароб; 2) бефойда, кераксиз.

<sup>4</sup> Факр – тарикатнинг тўртинчи мақоми: дунё неъматлари, вужуд эҳтиёжларидан қўл тортиб, факат Ҳақка мухтоҷ бўлиш.

<sup>5</sup> Оғоқ – тасаввуфда: кутб, яъни қавмнинг сардори, замоннинг буюк киписи.

\* \* \*

Күзинг юмгил бу дунёдин – нафсинг ўлсун.

\* \* \*

Ёлғон банда ваъдасидин тонар эмиш.

\* \* \*

Ишқ савдоси кимга тушса хонавайрон,  
Кеча-кундуз дийдор тилаб, юрар ҳайрон,  
Ишқ йўлида кўзи ёшлиғ, бағри бирён,  
Шайдо бўлуб, ўзин излаб юрар эрмиш.

\* \* \*

Қудрат бирлан фармон қилди Мавлом бизга,  
Ерда-кўқда жонлик махлук қолмас эрмиш.  
Кобиз<sup>1</sup> қилди Азроилни олам узра,  
Азиз жонни олмағунча қўймас эрмиш.

Ёшим мени ёш бўлур деб айтур эрдим,  
Ҳар на ҳосил бўлса, оз деб айтур эрдим,  
Турлук-турлук даъво ишлар қилур эрдим,  
Эмди билдим – мен айтгандек бўлмас эрмиш.

Дунё мени мулким деган сultonларға,  
Оlam молин сонсиз йифиб олғанларға,  
Айшу ишрат бирла машғул бўлғанларға,  
Ўлум келса, бири вафо қилмас эрмиш.

<sup>1</sup> Кобиз – оловчи, чангал соловчи.

Мағурп бүлманг, эй дўстларим, ишрат этиб,  
Кеча-кундуз ёлғон айтиб, бехуд ётиб,  
Жон олғувчи келур эрмиш бир кун етиб,  
Мундор ерда ғофил юрса, бўлмас эрмиш.

Кул Хожа Аҳмад, ўларингни била кўргил,  
Охиратни яроғини қила кўргил,  
Борурмен деб, йўл бошинда юра кўргил,  
Малак ул-мавт келса, фурсат қўймас эрмиш.

\* \* \*

Оллоҳ ёди нурин кимга ато қилса,  
Нафсу ҳаво, манманлиқдин қочур эрмиш.  
Банда агар зокир бўлуб, Оллоҳ деса,  
Тутмиш кўнгул зангорини очур эрмиш.

\* \* \*

Ошиқ кишилар кечалари ётмаса беҳроқ<sup>1</sup>,  
Ҳар дарду алам тегса, фифон этмаса беҳроқ...

Ўтган сўфилар эл кўзидин юрмайин қочти,  
Ҳақни тилаган халқ ичидагаса беҳроқ...

Оллоҳ десаю, қилса ниҳон бидъате<sup>2</sup> бисёр,  
Ондоғ сўфилар рўза, намоз тутмаса беҳроқ...

Ҳақни тануган ўзгани ҳаргиз танумаслар,  
Оллоҳ демаган бўлса, ани ўлгани беҳроқ.

<sup>1</sup> Беҳ – яхши, хўб, маъқул.

<sup>2</sup> Бидъат – Куръон ва Суннатга хилоф равишда пайдо бўлган ҳар бир номаъкул янгилик.

Раззок<sup>1</sup> дединг, берди сенга ризқи фаровон,  
Шайтон сўзига банда қулоқ солмаса беҳроқ.

\* \* \*

Икки олам шоҳитуур бир яхши хулқ,  
Хулқларидин ҳақ Мустафо бўлди улуғ.

\* \* \*

Хизмат қилсанг, пири муғон – дурнинг кони,  
Хизмат қilmай дур конига ботгани йўқ.

\* \* \*

Таважжухни<sup>2</sup> азизларга қилмоқ керак.

\* \* \*

Умринг охир бўлғусидур бир кун, тамом,  
Бу иш бирлан борсанг агар Доруссалом<sup>3</sup>,  
Ҳалол қўйуб, еган бўлсанг доим ҳаром,  
Азобини бориб анда тортмоқ керак.

Қул Хожа Аҳмад, тавба қилғил ўлмас бурун,  
Қизил юзунг гўрда ётиб сўлмас бурун,  
Йилон, чаён гўринг ичра тўлмас бурун,  
Қазо келса, ризо бўлуб турмоқ керак.

<sup>1</sup> Раззок – Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: барча тирик мавжудотлар ризқини етказиб берувчи.

<sup>2</sup> Таважжух – юзланиш, қарашиб.

<sup>3</sup> Доруссалом – жаннат.

\* \* \*

Каро кундур ўшал соатки, дунёдин сафар қилсанг,  
Зану<sup>1</sup> фарзанд, молу мулкинг – барисидин  
гузар<sup>2</sup> қилсанг.

Сани қўймас ажал ҳаргиз – неча хукминг  
равон бўлса,  
Хукумат бирла оламни агар зеру забар қилсанг!

Махосилдур<sup>3</sup> халойиқға ажал мисли сипоҳлардек<sup>4</sup>,  
Фазаб бирла олур жонинг нечамо<sup>5</sup> зорилар қилсанг.

Бўлубдур барчага фармон ўлумни  
шарбатин ичмоқ,  
Кочиб ондин қутулмассен, неча ондин  
ҳазар қилсанг.

Халойиқнинг мазориға бориб, бир-бир  
тамошо қил,  
Ўлуклардин олуб ибрат, керак бағринг  
кабоб қилсанг.

Ҳамиша яхшилик қилгил, кетарсен ушбу  
дунёдин,  
Қиёмат обрўйига керак хуни<sup>6</sup> жигар қилсанг.

<sup>1</sup> Зан – аёл, хотин.

<sup>2</sup> Гузар – ўтиш, кечиш.

<sup>3</sup> Махосил – хосил, натижа; бу ерда: шай, тайёр.

<sup>4</sup> Сипоҳ – аскар, қўшин, лашкар.

<sup>5</sup> Нечамо – нечаким, неча ҳам.

<sup>6</sup> Хун – кон.

Худо фарменини тутган бўлур ул авлиёлардин,  
Бўлурсен авлиёлардин риёзат кўброк қилсанг.

Кувонма молу мулкингга, қуритур бу ажал охир,  
Каро ерга кикурсан охир неча карру  
фар<sup>1</sup> қилсанг!

Хожа Аҳмад, маъсият бирла ҳаётинг  
қилмағил зоеъ,  
Бўлурсен лойики Ҳазрат агар тоат  
саҳар қилсанг.

\* \* \*

Аё дўстлар, охир замон бўлди, кўрунг,  
Бедин, кофир бу оламға тўлди, кўрунг.  
Ҳак қуллуғин қўюб, барча фосиқ бўлди,  
Анинг учун Қаххор ғазаб қилди, кўрунг...

Олимлар барча илмин молға сотти,  
Билиб, кўруб ўзларини ўтқа отти,  
Ўзи амал қилмай, халққа илм ўргатти,  
Дунё учун динларини сотти, кўрунг...

Феълимиздин бизга ғазаб қилди Холик,  
Шукр этмадик – бизга жазо қўб на чоғлиқ,  
Хайр-эҳсон эшигин султон қилди боғлиқ,  
Онинг учун юз минг бало тўлди, кўрунг.

<sup>1</sup> *Karru фар* – шону шавкат, дабдаба.

\* \* \*

Барча доғлар ичра мушқул хижрон дөғи,  
Хижрондин хам баттар эрмиш фарзанд дөғи.

\* \* \*

На анода раҳм қолди, на атода,  
Оға-ини бир-бириға можарода,  
Мусулмонлар даъво қилур, ичар бода<sup>1</sup>,  
Мастлик билан қариндошдин тонди, күрунг.

\* \* \*

Қадр билмас нокасларга ўрун тегди,  
Олим, дарвеш, яхшилар хор бўлди, кўрунг.

\* \* \*

Уммат бўлсанг, зикрин айтмок сенга суннат.

\* \* \*

Ёлғон ошиқ маъшуқидин жонин аяр,  
Уқбо йўлин орқа ташлаб, дунё суяр.

\* \* \*

Раҳмон эгам чин ошиқни йўлин очар.

\* \* \*

Бетаҳорат зикр айтганга лаънат ёғар,  
Ўшал куни бўлган фарзанд шайтон туғар,  
Ўлар вақтда аввал келиб шайтон боқар,  
Келинг, йиғлинг, зокир қуллар,  
зикр айтайлик...

---

<sup>1</sup> Бода – май, шароб, маст килувчи ичимлик.

Мўмин бўлсанг, бетаҳорат зикрин айтма,  
Кароматлар айтиб, халққа дининг сотма,  
Мусулмонлиғ даъво қилиб, коғир кетма,  
Келинг, йиғлинг, зокир қуллар,  
зикр айтайлик.

Зокир бўлсанг, зикрин айтмай ҳаргиз ётма,  
Нодон бирла ножинсларга ҳеч сўз қотма,  
Муноғиқлар ҳолдин сўрса, бир сўз айтма,  
Келинг, йиғлинг, зокир қуллар,  
зикр айтайлик.

Кул Ҳожа Аҳмад, ёмонларни ёмони сен,  
Барча буғдой, эл тутмаган сомони сен,  
Йўлдин озған гумроҳларни нодони сен,  
Келинг, йиғлинг, зокир қуллар,  
зикр айтайлик.

\* \* \*

Дунё деган озор эрмиш, оқил қуллар  
безор эрмиш,  
Жоҳиллар бирла ёр эрмиш, дунё  
солиб кеторам.

\* \* \*

Оллоҳ деган бандани жойин  
жаннатда кўрдум,  
Хуру ғилмон жумласин қоршу  
олдида кўрдум...

Туни-куни ухламай Ху зикрини айтқанлар,  
Малойиклар хамрохи, Аршни устида күрдум.

Хайру сахо қилғанлар, етим күнглин олғанлар,  
Чаҳорёллар<sup>1</sup> ҳамрохи, кавсар лабинда күрдум.

Қози бўлған олимлар, пора – ришват еганлар,  
Андоғ олим жойни нори сақарда күрдум.

Муфтий бўлған олимлар, ноҳақ фатво берганлар,  
Андоғ муфти жойини Сирот – кўфрукда күрдум.

Жамоатга бормайин тарки намоз қилғанлар  
Шайтон бирла бир ерда – дарки асфалда<sup>2</sup> күрдум.

Золим бўлуб зулм этган, мўминларни оғритган,  
Қаро юзлук маҳшарда – қўлин орқада күрдум.

Кул Хожа Аҳмад кон очти, дурру гуҳарни сочти,  
Тингламаган бу сўзни фафлат ичинда күрдум.

\* \* \*

Бир кун сени умрунг барги бўлғай ҳазон,  
Ажал келмай тавба қилғил, аё нодон,  
Шояд, сенга раҳм айлагай Изим – Яздан,  
Ул сабабдин Ҳақдин қўрқуб, форга кирдим.

---

<sup>1</sup> Чахорёллар (Чорёрлар) – тўрт дўстлар, яъни хулафои рошидин – тўғри йўлдан борган халифалар: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али.

<sup>2</sup> Дарки афсал – дўзахнинг энг чуқур ери.

Чин дардликни иши эрур сўзу гудоз<sup>1</sup>,  
Кўз ёшидур Ҳақ қошида тухфа, ниёз,  
Кеча-кундуз тинмай қилғил рўза, намоз,  
Ул сабабдин Ҳақдин қўрқуб, форга кирдим.

\* \* \*

Ёлғончидин Худо, Расул безор эрмиш.

\* \* \*

Туфрок сифат хорлиқ тортқил –  
нафсинг ўлсун.

\* \* \*

Дўстлар, мани расво қилған нафси ҳаво,  
Онинг учун шайтон лаъин қилур ғавғо,  
Лутф айласанг, манманликни қилай адо,  
Риёзатда жоним қийнаб ишласам мен...

Нафсим мени ўтдек ёниб, йўлдин урди,  
Юз минг турлук таом тилаб, дўкон қурди,  
Оғзин очиб, ҳар эшикка мени сурди,  
Химмат берсанг, ит нафсимни ушласам мен...

Гуноҳим кўб – ерга сифмас, кимга айтай?  
Тавба қилиб, эгри йўлдин ростга қайтай,  
Надоматда этларимни узуб тортай,  
Сад дариф деб, бармоқларим тишласам мен.

<sup>1</sup> Сўзу гудоз – ёниш ва эриш, куйиб кул булиш.

Гуноҳ килиб, тавба қилмай, ҳаддин оштим,  
Нафсим мени туғён қилди, турфа шоштим,  
Биҳамдиллоҳ, пири муғон сори қочтим,  
Қўлға олиб, нафси бадни ушласам мен.

Кул Ҳожа Аҳмад, ҳар бир сўзунг дардга  
дармон,  
Толибларга баён қилсам, қолмас армон,  
Тўрт минг тўрт юз ҳикмат айтдим –  
Хақдин фармон,  
Фармон бўлса, то ўлгунча сўзласам мен.

\* \* \*

Эй мўминлар, ажаб уйдур каронги гўр,  
Пурваҳшатлик<sup>1</sup>, сиёsatлик – ҳайбати зўр,  
Оллоҳ ўзи лутф айласа, бўлур пурнур<sup>2</sup>,  
Лутф этмаса, на қиласим билолмасмен.

\* \* \*

Олимларга китоб керак, сўфийларга масжид  
керак,  
Мажнунларга Лайло керак, менга Сен-ўқ<sup>3</sup>  
кераксен!

Фоғилларга дунё керак, оқилларга уқбо керак,  
Воизларга минбар керак, менга Сен-ўқ  
кераксен!

<sup>1</sup> Пурваҳшат – вахшатга тұла.

<sup>2</sup> Пурнур – нурга тұла, чароғон.

<sup>3</sup> Ўқ – кучайтириш юкламаси (Сен-ўқ кераксен – факат сен кераксан).

\* \* \*

Йўлин тобиб, ботин кўзи очилганлар,  
Хору<sup>1</sup> хасдек оёғ ости янчилганлар,  
Барги гулдек сўлуб, тўзуб сочилганлар,  
Ор олмас ул халойиқнинг маломатин.

\* \* \*

Тоғу чўллар гуноҳимдин қилмас тоқат,  
Хар кун юз минг журму<sup>2</sup> исён менга одат,  
Бу иш бирлан охиратда борму роҳат,  
Тавба қилсам, одатларим қолармукин?

Остонига бошим қўюб, зори қилсам,  
Фариб, етим бошин силаб, дуо олсам,  
Ҳақдин қўрқуб, дунё ишин орқа солсам,  
Хожам мени ҳоли дилим сўрармукин?..

Шайтон лаъин йўлдин урди – ҳолим табоҳ,  
Йиғламайму – нафсим мени қилди ҳаво,  
Оlam ҳалқи босиб ўтса мени, э воҳ,  
Кофири нафсим Азозилдин тонармукин?..

Эй осийлар, тавба қилғил – Ҳақ эшитсан,  
Нолангиздин еру кўклар нола қилсан,  
Малойиклар Ҳақдин тилаб, улуш берсан,  
Улуш олған кулни ғами бўлармукин?

<sup>1</sup> Хор – тикан.

<sup>2</sup> Журм – гуноҳ, айб.

\* \* \*

Доми тазвир<sup>1</sup> күюб, халқни йўлдин урдунг,  
Шайхлиғ қилиб, риё бирла дўкон қурдунг,  
Ишрат қилиб, шайтон бирла даврон сурдунг,  
Дийдорига сени на деб раво қилсун?..

Бенамозу бетоатга бермас қувват,  
Феъли заиф, ўзи маъюб<sup>2</sup>, бермас ҳиммат,  
Ризқи ноқис, ўзи ножинс – кўрмай давлат,  
Ул фосикни дилин не деб сафо қилсун?

Ҳайф одам – ўз қадрини ўзи билмас,  
Манлик қилиб, яхшиларни кўзга илмас,  
Ху сухбатин қурган ерга қочиб келмас,  
Ул бевафо ахда на деб вафо қилсун?

\* \* \*

Барча борур бу дунёдин армон билан.

\* \* \*

Сенинг амринг билан иш қилмадим мен,  
Бу дунёдин кетарим билмадим мен,  
Лахад ичра ётарим билмадим мен,  
Киёмат кун мени шарманда қилма.

Бу ётғонлардин ибрат олмадим мен,  
Кўзум ёшин тўкуб, ёлбормадим мен,

<sup>1</sup> Тазвир – макр, фириб, хийла.

<sup>2</sup> Маъюб – майиб, айбли.

Китоб<sup>1</sup> сўзин қулоқға илмадим мен,  
Қиёмат кун мени шарманда қилма.

Йўлумни бошқаролмай йўлда колдим,  
Эгам қуллугини мен орқа солдим,  
Гуноҳимни йифиб, мен қўлға олдим,  
Қиёмат кун мени шарманда қилма.

Худовандо, ажаб ҳайронда бўлдум,  
Гуноҳимни кўруб, шарманда бўлдум,  
Хисобин топмайин дармонда<sup>2</sup> бўлдум,  
Қиёмат кун мени шарманда қилма.

Фарубликда юрубмен зору ҳайрон,  
Хожамсен, менга бергил нури иймон,  
Менинг мушкулларимни айла осон,  
Қиёмат кун мени шарманда қилма.

Фарубингни висолингга етургил,  
Сирот отлик гузаргоҳдин ўтургил,  
Хожамсен, журму исёним кечургил,  
Қиёмат кун мени шарманда қилма.

\* \* \*

Дам бу дамдур, ўзга дамни дам дема,  
Дунёдин беғам ўтарсен, ғам ема.

<sup>1</sup> Китоб – бу ерда: Куръон.

<sup>2</sup> Дармонда – қийин ахволда қолган, нотавон, бечора.

Куймаса жону дилинг хам устухон<sup>1</sup>,  
Кўз ёшинг окқан била сен нам дема.

Хоҳ кулса, йиғласа ошиқ эли,  
Чехраи сурхин<sup>2</sup> кўруб, беғам дема.

Асли наслинг қатраи оби маний<sup>3</sup>,  
Хасни кўрсанг, сен ўзунгдин кам дема.

Одамида зарра маъни бўлмаса,  
Сен ани одам кўруб, одам дема.

Туймаса сир маънидин – одам эмас,  
Сен ани суврат кўруб, маҳрам дема.

Гар юракда бўлмаса юз доги дард,  
Зинҳор қочқил, ани ҳамдам дема.

Дўстлар, девона эрмас ҳар киши,  
Азза-жаллдин<sup>4</sup> кечмаса, одам дема.

Мисли дарё юзида юрган хасе,  
Азза-жаллдин кечмаса, одам дема.

Аҳмадо, тутқил фанимат ҳар нафас,  
Ёрсиз ўтган бу дамни дам дема.

<sup>1</sup> Устухон – суюк.

<sup>2</sup> Сурх – қизил.

<sup>3</sup> Оби маний – уруғ суюқлиги.

<sup>4</sup> Азза ва жалла – қудратлар ва улуғ, яъни Оллоҳ.



Биздин салом дўстларға, талаб йўлин қўймасун,  
Дийдор талаб қилсалар, ҳаргиз ғофил бўлмасун.

Ғофил тобмас Ҳак йўлин, онда тобмаслар ўрун,  
Ичи-тоши куюбон сахарларда ётмасун.

Ёди бирлан бўлсалар, дийдор орзу қилсалар,  
Харчанд хорлиқ қўрсалар, кўнгли ўзга бўлмасун.

Ошиқларға дунёда хорлиқ, зорлиқ, маломат,  
Маломатсиз, меҳнатсиз ошиқмен деб айтмасун.

Шариатда тажриддур<sup>1</sup> дунёсини тарқ этмоқ,  
Тарқ этмайин тан-жонин тажрид бўлдум демасун.


Тарикатда тан-жонин тарқ этмоқ мушқулдур,  
Тарқ этмайин тан-жонин севиндурман демасун.

Ҳақиқатда ҳаромдур бир Худодин ўзгаси,  
Ондоғ бўлмай ошиқлар дийдор орзу қилмасун.

Ондоғ Расул – Мустафо дунё молин суймади,  
Уммат бўлсанг Расулга дунё молин суймасун.

Мискин Аҳмад Яссавий салом айтди дўстларға,  
Ушбу сўзнинг маъносин, толиб бўлса, англасун.

<sup>1</sup> Тажрид – ёлғизланиш, Оллоҳдан бошқа нарсаларни  
кўнгилдан чиқариб, факат Оллоҳга боғланиш.

**ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ**

\* \* \*

Инсоният яқосин шавқ оташи күйдурди.

\* \* \*

Тавба қилдим тилимда, дилим құрқмас  
Худойдин.

\* \* \*

Боштин-оёқ гунохим икки жағонға сиғмас,  
Банданг осий – гунохкор, пинхон  
қылғыл сахарда.

Тоғдин оғир гунохим, узр айтарға тилим йўқ,  
Гунохимни бағишлиб, яксон қылғыл сахарда.

\* \* \*

Нодонларга сир, маънени айтиб бўлмас,  
Дур-гавҳарни хармуҳрага сотиб бўлмас.

\* \* \*

Эътиқодинг том бўлмаса, қўлунг олмас.

\* \* \*

Ҳакиқатнинг йўлларида юз минг хатар,  
Белин боғлаб, йўлға кирган охир етар.

\* \* \*

На хуш тотлиқ Ҳақ ёди сахар вакти бўлғандা,  
Болдин сучук<sup>1</sup> Ху оти сахар вақти бўлғандা.

---

<sup>1</sup> Сучук – чучук, ширин.

Сахар вақти турғанлар, жонни фидо қилғанлар,  
Ишк үтида куйғанлар сахар вақти бўлғанда.

Сахар вақти хуш соат, турғанга бўлғай роҳат,  
Очлур давлат, саодат сахар вақти бўлғанда.

Ҳар кун куёр бу жоним, қуллуқсиз йўқ  
дармоним,  
Сен кечургил гуноҳим сахар вақти бўлғанда.

Иймон шамъин ёндуранг, рух қушини  
кўндуранг,  
Худойингға сифинсанг, сахар вақти бўлғанда.

Кул Хожа Аҳмад, соате, бир зарра йўқ тоати,  
Зикри жонни роҳати сахар вақти бўлғанда.

\* \* \*

Омий келса, хос бўлур, юлдуз келса, ой бўлур,  
Мис келса, олтун бўлур дарвешлар сұхбатинда.

Кибру ҳасадлар ўлар, ичига маъно тўлар,  
Кўз очиб, Ҳақни кўрар дарвешлар сұхбатинда.

\* \* \*

Ўқуб номамни<sup>1</sup> кўрсам – ҳеч амал йўқ,  
Бошим куи солиб, бўлгум табоҳи<sup>2</sup> –  
Ки, мен дермен: «Бу ишни қилғаним йўқ»,  
Тамом аъзоларим бўлғай гувоҳи.

<sup>1</sup> Нома – бу ерда: амаллар дафтари.

<sup>2</sup> Табоҳи – бузуқлик, вайронлик.

\* \* \*

Ҳеч билмасмен – нечук бўлғай менинг ишим,  
Анинг учун оқар доим кўзда ёшим,  
Сахарларда қўпуб, Ҳақдин тиламишим  
Фаришталар оминига тушти бўлғай.

\* \* \*

Қайси қўнгил бўлса Ҳақни назаргоҳи,  
Ҳақ назари ичга тўлуб-тошти бўлғай.

\* \* \*

Ошиқ қуллар Оллоҳ тею тебрандилар,  
Шайтонни захри<sup>1</sup> ёрилиб, қочти бўлғай.

\* \* \*

Ишқ партави кўнгул мулкин қилди хароб,  
Ул сабабдин ақлу ҳушум кетти бўлғай.

Ишқсиз киши одам эрмас, англасангиз,  
Бемуҳаббат шайтон қавми, тингласангиз,  
Ишқдин ўзга сўзни агар сўзласангиз,  
Илкингиздин иймон, ислом кетти бўлғай...

Умри зоеъ ўтганлар ишқни билмас,  
Жондин кечган девонани кўзга илмас,  
Ху сухбатин курган ерга қочиб келмас,  
Жони, кўнгли тошдин баттар котти бўлғай...

<sup>1</sup> Захри – бу ерда: захра, яъни ўт, сафро.

Ошиқлари маломатдин қочмас бўлур,  
Нодонларга ботин сиррин очмас бўлур,  
Ҳар номардга дуру гавҳар сочмас бўлур,  
Ўзи уқуб, хуни зардоб ютти бўлғай...

Қул Хожа Аҳмад Ҳақ сўзини сўзлар мудом,  
Ҳақдин ўзга сўзлар бари эрмиш ҳаром,  
Рўзи қилса, ўрнинг бўлғай Доруссалом,  
Мағфиратни дарёсиға ботти бўлғай.

\* \* \*

Чин ошиқлар доим тирик – ўлган эмас,  
Арвоҳлари ер остиға кирган эмас,  
Зоҳид, обид бу маънони билган эмас,  
Чин ошиқлар халойиқни Хизри бўлғай...

Зарра ишқи кимга тушса, нолон қилур,  
Кўз ёшини оқузубон уммон қилур,  
Ҳар на тобса, Ҳақ йўлида эҳсон қилур,  
Бахилларни адовати, буғзи<sup>1</sup> бўлғай...

Чин ошиқлар куйған сари нурнур бўлғай,  
Ул сабабдин маъшуқиға нози бўлғай.

Ўтқа солса, ёнмас ўтдин ошиқ киши,  
Еру кўкни бўстон қилғай окқан ёши,  
Оллоҳ деса, бешак ёрур ичи-тоши,  
Куймоқ, ёнмоқ ошиқларға бози бўлғай...

<sup>1</sup> Буғз – кина, адоват, душманлик.

Раҳмон эгам ошиқларга қози бўлғай.

Сулҳ айласа, ошиқлари қабул қилмас,  
Хуру филмон, жаннат берса – кўзга илмас,  
Дийдор тилаб, бошларини ердин олмас,  
Ошиқлари дийдор кўруб, рози бўлғай.

Ошиқлари етти кўкка етар охи,  
Оллоҳ деса, яксон бўлур ҳар гуноҳи,  
Ошиқларни Раҳмон эгам таякгоҳи<sup>1</sup>,  
Азиз боши халойиқни изи бўлғай.

Ошиқларни кўб куйдирган Ҳақ дийдори,  
Онинг учун тинмай йиғлаб, қилур зори,  
Ваъда қилған ошиқлари кўрар, оре<sup>2</sup>,  
Ҳақ жамоли кўз ёшини музди<sup>3</sup> бўлғай...

Пинҳон юрар, кимни кўрса, ошиқ қилур,  
Лутф айласа, каззобларни содик қилур,  
Ҳақдин қўрккан даргоҳиға лойик қилур,  
Зоҳир – аъмо, ботин ичра кўзи бўлғай...

Ҳожат эрмас ошиқларга кўбу ози,  
Қатра ёши Ҳақ Мавломни назри бўлғай...

Қул Ҳожа Аҳмад моли йўқтур, назри – боши,  
Тонгла борса, Ҳожасига тухфа ёши,

<sup>1</sup> Таякгоҳ – суюнчиқ, хомий, химоя қилувчи.

<sup>2</sup> Оре – бу ерда: албатта.

<sup>3</sup> Музд – эваз, мукофот.

Ажзу ниёз<sup>1</sup>, шикасталиғ<sup>2</sup> қылған иши,  
Ашки сурхи, рүйи зарди<sup>3</sup> узри бўлғай.

\* \* \*

Оллоҳ деган бандаларни қули бўлгил,  
Туфрок сифат йўл устида йўли бўлгил,  
Ошиқларни куюб-ўчган қули бўлгил,  
Ҳак жамолин кўрсатмаса, зомин бўлай!

Юрсанг, турсанг, ётсанг, қўбсанг,  
Ҳайнин айтсанг,  
Зокир бўлуб, шокир бўлуб, жондин ўтсанг,  
Валлоҳ-биллоҳ, дунё ҳаром – ташлаб отсанг,  
Ҳак жамолин кўрсатмаса, зомин бўлай!..

Оллоҳ тею фано бўлгил – бағринг куйсун,  
Тунлар қўпуб, тоат қилгил – Тангри суйсун,  
Ондин сўнгра хос бузруклар<sup>4</sup> назар қилсун,  
Ҳак жамолин кўрсатмаса, зомин бўлай!..

Ҳак раҳмати улуғ дарё – бир катра бас,  
Қатрасидин баҳра олған қилмас ҳавас,  
Мовуманлик сендин кетар мисли магас<sup>5</sup>,  
Ҳак жамолин кўрсатмаса, зомин бўлай!

<sup>1</sup> Ажзу ниёз – ожизлик, ёлвориш, илтижо.

<sup>2</sup> Шикасталиғ – синиклик, жафо тортиш.

<sup>3</sup> Зард – сарик.

<sup>4</sup> Бузрук – тұғриси бузург: улуғ, буюк, хурматли.

<sup>5</sup> Магас – чивин, пашша.

Эй бехабар, ғафлат билан уйқудасен,  
Дунё тилаб, кеча-кундуз қайфудасен.  
Тоат қилмай, сўзлар сўзлаб беҳудасен,  
Ҳақ жамолин кўрсатмаса, зомин бўлай!

Тошдин тўшак-ястук қилиб, тоат қилсанг,  
Ҳақ амрига рози бўлуб, бўйин сунсанг,  
Ўлар вақтда иймон ориғ<sup>1</sup> қўлға олсанг,  
Ҳақ жамолин кўрсатмаса, зомин бўлай!

\* \* \*

Илми йўқ, омидин баттар охирзамон  
шайхлари...

Бошиға дастор<sup>2</sup> ўпар, илми йўқ – нега ярап,  
Ўки йўқ, ёсин<sup>3</sup> қуарар охирзамон шайхлари.

\* \* \*

Дуоға ёри берса ҳар мусулмон,  
Ўлар вақтда элтгай нури иймон.

\* \* \*

Насиҳатлар қилур пиру жавонни<sup>4</sup>,  
Ўзи фахм этмайин яхши-ёмонни.

---

<sup>1</sup> *Ориғ (Ariғ)* – соф, покиза.

<sup>2</sup> *Дастор* – салла.

<sup>3</sup> *Ё (ü)* – ёй, камон.

<sup>4</sup> *Жавон* – ёш.



Чин олим ёстуқин тошдин яратти,  
Нима уқди – ани оламга айтти.



Үзини билди әрса, Ҳақни билди.



Киши хикмат эшитса жони бирлан,  
Чиқар жони ани иймени бирлан.



Сахар вақтда құпуб, үйғлаб нола қилғил,  
Нолишиңгдин еру қўклар наво қилсун.  
Ҳаққа сиғниб, кўз ёшиңгни жола<sup>1</sup> қилғил,  
Андин сўнгра Ҳақ дардингга даво қилсун...

Юз минг гуноҳ содир бўлди – билолмадинг,  
Тавба қилиб, даргоҳига келолмадинг,  
Сахар үйғлаб, файзу футух ололмадинг,  
Ёзуқлардин сани на деб сиво<sup>2</sup> қилсун?



Ҳаққа ошиқ, содиқлари юрур хилват,  
Тонгла борса, Ҳақ қошида кўрар иззат,  
Жаннат кириб, дийдор кўруб, сурар давлат,  
Пинхон юрур, халққа на деб риё қилсун?

<sup>1</sup> Жола – шабнам, шудринг; дўл; мажозан: кўз ёши доналари.

<sup>2</sup> Сиво – бошка, ўзга.

\* \* \*

Эранларни йўлин тутқон йўлда қолмас.

\* \* \*

Во дариғо, ишқ йўлида жонин бермай,  
Ғаввос бўлуб, дарё ичра гухар термай,  
Ҳақдин ўзга мақсадларни ортқа солмай,  
Тонгла борса, надоматлар чандон бўлур.

\* \* \*

Тошдин қоттиқ тошқа боқғил ҳолинг билан,  
Йўлдин озғон юз минг осий мардон бўлур.

Тошдин қоттиқ тошни сўрсанг бехабарлар,  
Уқбо ишин орқа тошлаб, дунё излар,  
Оят, ҳадис баён қилсанг, қоттиқ сўзлар,  
Зохир – одам, ботинлари – шайтон бўлур.

\* \* \*


Бу оламда факирликка одат қилғон,  
Хорлиқ-зорлиқ, мاشаққатни роҳат билғон,  
Тўшак-ёстук тошдин қилиб, тоат қилғон,  
Тонгла борса, дийдорига меҳмон бўлур.

\* \* \*

Жоҳил одам феъли баддин қайтмас бўлур.

\* \* \*

Ҳак йўлини хавфи кўбтур билганларға,  
Қўрқунч билан етгил ўшал кетганларға,

**ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ**

Осон күрнур йўлни мудом юрганларға,  
Мундоғ эрлар гўр азобин кўрмас бўлур.

\* \* \*

Бандам дегай қуйганларни суюб Оллоҳ.

\* \* \*

Мунда йиғлаб борса, анда хандон қилур.

\* \* \*

Чин ошиқлар тоғу тузни макон қилур.

\* \* \*

Ул нодонға улфат қилмай, жоним олғил.

\* \* \*

Ёлғон дарвеш қайда борса, ризқи кўтоҳ,  
Одил подшоҳ тоатларин исён қилур.

\* \* \*

Тавваликни Хожам жойин бўстон қилур.

\* \* \*

Чин ошиқни рангу рўйин сомон қилур.

\* \* \*

Ошиқларни қиёмат кун ҳолин сўргай,  
Чин ошиқни кўксин ёруб, доғин кўргай.

\* \* \*

Ошикларни талаблари жоми шароб,  
Маъшуқиға етмак учун бағри кабоб,  
Рухларини физосидур чангу рубоб,  
Охи чикса, етти иқлим вайрон қилур.

\* \* \*

Эй ноинсоф, Оллоҳ билан қилма бози,  
Қаххор эгам жонлиқларни бежон қилур.

\* \* \*

Ҳак таоло суйганларин гирён қилур.

\* \* \*

Ошиқ қуллар бу дунёни кўзга илмас,  
Дунё айшин зоҳид қуллар тилга олмас.

\* \* \*

Ориф улдур, тан мулкини вайрон қилур.

\* \* \*

Ҳама кўру кару ботини каззоб,  
Тамом оламни кездим, тобмадим соф.

\* \* \*

Хуми ишқдин киши бир қатра тотқой,  
Худонинг васлиға бир йўла етгой.

\* \* \*

Агар раҳм айласа, бўлғой Худо ёр,  
Ўзидин ўзгага ҳеч қилмағой ёр.

Худо ул бандани армонда қилмас,  
Ўзидин ўзгага дармонда қилмас.

\* \* \*

Киши зикр айтмаса, ёзуқ<sup>1</sup> аrimас.

\* \* \*

Кими хор айласа, бўлғой ўзи хор.

\* \* \*

Гунохим дардидин дармонда бўлдум,  
Бу ит нафсим билан армонда бўлдум.

\* \* \*

Аҳли дунё охиратдан парвойи йўқ.

\* \* \*

Булҳаваслар куймай туруб, жондин тўйғой.

\* \* \*

Хожат эрмас ошиқларға боғу чаман.

\* \* \*

Оқил эрсанг, Ҳақдин ўзга сўзлар ҳаром,  
То тириксен, пир хизматин қилғил мудом,  
Оллоҳ десанг, шайтон лаъин сенга ғулом,  
Оллоҳ демас динларини сотти бўлғай.

<sup>1</sup> Езуқ – гуноҳ, айб.

\* \* \*

Аё дўстлар, ишқ дардини давоси йўқ.

\* \* \*

Кирк йиллик зангор<sup>1</sup> босқон кўнгул лавҳин  
Ҳақ ёдини нури бирла очти бўлғой.

\* \* \*

Чин дардликлар дийдор излаб юрур бўлғой.

\* \* \*

Ишқсиз одам ҳайвон сифат ҳайрон эрур,  
Боши қотиб, ўзин билмай сарсон эрур,  
Дунё излаб кеча-кундуз гирён эрур,  
Дунё учун умрин елга сотар бўлғой.

\* \* \*

Дардлик одам хазон янглиғ сўлар бўлғой.

\* \* \*

Одам ўғли карвон янглиғ кўчар бўлғой.

\* \* \*

Чин ошиқлар қиёматда сургай давлат,  
Ҳақ қошида азиз аъло кўргай иззат,  
Хуру филмон қўл қовшуруб, қилғай хизмат,  
Жону дилин шайдо килиб юрур бўлғай.

<sup>1</sup> Зангор – занг, мөғор.

\* \* \*

Дардлик одам бу дунёда қарор олмас.

\* \* \*

Хақни тобқон девоналар бехуш сўзлар.

\* \* \*

Оллоҳ учун жонин берган зоеъ қолмас.

\* \* \*

Чин дардликлар бедардларни кўзга илмас,  
Зоҳид, обид, соликларни тилга олмас,  
Қайда кўрса, ишқизларга назар қилмас,  
Чин дардликлар даво қилиб юрур бўлфой.

\* \* \*

Ошиқларнинг билганларин халқ билолмас.

\* \* \*

Булхавасни тани куйса, жони куймас,  
Бу сабабдин ишқ қадрига етиб бўлмас,  
Эранларни сухбатидан баҳра олмас,  
Рўза, намоз риё қилиб юрур бўлфой.

\* \* \*

Субҳон эгам чин ошиқни синар эрмиш.

\* \* \*

Ошиқлари бехуд бўлуб юрар эрмиш.

\* \* \*

Малаклардин ошиқлар күб, эй бехабар,  
Бир ох урса, олам бўлур зеру забар,  
Зоҳид, обид, соликлардин ишқ мўътабар,  
Ишқсиз одам, валлоҳ, йўлда қолар эрмиш.

\* \* \*

Дунё қўюб, охиратни савдо қилғон,  
Ҳавзи Кавсар шаробидин ичор эрмиш.

\* \* \*

Ошиқларга етмас эрмиш шаҳид<sup>1</sup>, ғозий<sup>2</sup>,  
Аввал бориб ошиқ дийдор кўрар эрмиш.

\* \* \*

Ҳалқа ичра бахил кирса, суҳбат бўлмас,  
Зокир қуллар зикрин айтиб, файз ололмас,  
Ул суҳбатдин эранларни бўйи келмас,  
Зокирларни умри зоеъ ўтар эрмиш.

Ножинс, бахил сахиларни фийбат қилғой,  
Тонгла борса, лаҳад ичра жони куйгой,  
Ичмиш, емиш, либослари ўтдин бўлғой,  
Заҳар-закқум ичиб доим турар эрмиш.

<sup>1</sup> Шаҳид – дин йўлида ўлган киши. Файритабиий ўлим топғанлар ҳам (табиий офат, турли фалокатлар, касалликлар туфайли, ўзи, оиласи шаънни, Ватанини химоя қилиб ёки ҳажда вафот этганлар ва хоказо) шаҳидлар қаторига киради.

<sup>2</sup> Ғозий – Оллоҳ йўлида жанг килувчи.

Кул Хожа Ахмад, банда бўлсанг, сахий бўлғил,  
Сахий бўлуб, мискинларга таом берғил,  
Тонгла борсанг, жаннат ичра гуллар терғил,  
Валлоҳ, сахий Ҳақ дийдорин кўрар эрмиш.

\* \* \*

Ишқ дардини пинҳон қилиб асрар эрдим,  
Жой куйдуруб, юрак-бағрим кабоб этти.

\* \* \*

Ишқ сиррини ҳар номардга айтиб бўлмас.

\* \* \*

Эй бехабар, халқни қўюб, ўзунгни бил.

\* \* \*

Зор йиғлатиб ошиқни ишқ илгига Худойим,  
Ишқ йўлида маломат анга кўрди муносиб.

\* \* \*

Билингиз, икки жаҳон кўзга илмас дарвешлар.

Дарвеш – Ҳақнинг манзури, зикритуур гулзори,  
Ҳақнинг ёди, асрори, хўб адаблик дарвешлар.

\* \* \*

Ўн саккиз минг оламда ҳайрон бўлғон ошиқлар,  
Тобмай маъшук сўротин сарсон бўлғон ошиқлар.

Ҳар дам боши ўргулуб, кўзи Ҳаққа термулуб,  
Ху-ху тею жўр бўлуб, гирён бўлғон ошиқлар.

Куюб-ёниб кул бўлғон, ишқида булбул бўлғон,  
Кимни кўрса, кул бўлғон, нолон бўлғон ошиқлар.

Йўл устида хок бўлғон, сийналари чок бўлғон,  
Зикри бирлан пок бўлғон, мардон бўлғон ошиқлар.

Ҳиммат қурин боғлағон, юрак-бағрин доғлағон,  
Тинмай доим йиғлағон, бирён бўлғон ошиқлар.

Гоҳи юзи сарғариб, гоҳи йўлида ғариб,  
Тасбехлари «Ё Ҳабиб!»<sup>1</sup>, жўён<sup>2</sup> бўлғон ошиқлар.

Қул Ҳожа Аҳмад, ошиқ бўл, сидкинг бирла  
содик бўл,  
Андинг сўнгра лойик бўл, жонон  
бўлғон ошиқлар.

\* \* \*

Тариқатнинг шавқи-завқи куймоқ-ёнмок,  
Ҳақдин қочқон ножинслардин қочиб тонмок,  
Юз минг турлук жафо тегса – бўйун сунмок,  
Бўйун сунмай ишқ дўконин қурса бўлмас.

<sup>1</sup> Ҳабиб – Мұхаммад алайхиссаломнинг лақаби: Оллоҳнинг дусти.

<sup>2</sup> Жўён – изловчи, қидиравчи.

\* \* \*

Нодон ким, деб сўрса, айтинг, бехабарлар.

\* \* \*

Дўстлариға очмиш Изим гавҳарини,  
Осон бирлан ул гавҳарни олса бўлмас.

\* \* \*

Шариатнинг майдониға ўзни солмай,  
Тариқатнинг бўстонида жавлон қилмай,  
Ҳақиқатнинг дарёсидин гуҳар олмай,  
Маърифатнинг одобини билса бўлмас.

\* \* \*

Аҳли иёл, ўғул-қиз деб умрум ўтти,  
Эмди боқсам, қўл-аёқдин қувват кетти,  
Ажал кукраб<sup>1</sup>, оғзин очиб, югруб етти,  
Ўлгандин сўнг надоматлар чандоналар<sup>2</sup>.

Зоҳиримни кўруб, дерлар: яхши киши,  
Ботинимни билмай, дерлар: феъли яхши,  
Дунё ичра йўқ манингдек ямон киши,  
Боштин-аёқ қилғон ишим вайроналар.

Кўп гунаҳлар этиб, тавба қилғоним йўқ,  
Тавба дебон Ҳазрат сори борғоним йўқ,  
Бу дунёда бир яхши иш қилғоним йўқ.  
Бори ялғон айғон сўзум – афсоналар.

<sup>1</sup> Кукраб – гулдираб.

<sup>2</sup> Чандон – кўп марта.

\* \* \*

Назар тобса, хаста күнгүл равшан бўлур,  
Юз минг турлук ёзуқлари пинҳон бўлур,  
Лутф айласанг, юз минг осий хандон бўлур,  
Ҳак ёндуурғон чироғ ҳаргиз ўчармукин?

\* \* \*

Туфроқ бўлмай, Ҳақ васлига етиб бўлмас,  
Сахий бўлмай, қилкўфриқдин ўтуб бўлмас,  
Ҳавзи кавсар шаробидан тотиб бўлмас,  
Оллоҳ десам, шавқ шаробин totарманму?

\* \* \*

Кул Хожа Аҳмад, йўллар хатар, манзил узоқ,  
Кетар вақтинг яқин келди – борму яроқ?  
Роҳиласиз йўлға кирсанг, манзил йироқ,  
Озуксизин йўлға кирсам етарманму?

\* \* \*

Нафс изоси<sup>1</sup>, рух ғизоси – зикри Илоҳ.

\* \* \*

Жоним ўлгон, дилим ўлгон, нафс тирилгон,  
Оллоҳ десам, кофир нафсим ўлармукин?

\* \* \*

Шариатсиз тариқатга ўтуб бўлмас,  
Ҳақиқатсиз маърифатга етиб бўлмас.

<sup>1</sup> Изо – азоб, озор, ранж.



Субхон Изим барчамизга иймон берди,  
Ўзни таниб, қуллуғини қилмоқ учун.  
Омонатга қўйди жонни вужудингда,  
Охир бир кун сандин ани олмof учун.



Молу фарзанд бу дунёning кўрки эрур.



Амал қилғил – хайринг<sup>1</sup> ортуқ бўлсун  
шаррдин<sup>2</sup>,  
Экмагунча нафъ тегмас қуруқ ердин.



Текма нодон, хомтамаълар банда эрмас,  
Динин бериб, дунёсини олмоқ учун.



Дунё учун ғам емагил оқил эрсанг,  
Анда асиф<sup>3</sup> қилғай санга, мунда берсанг,  
Расул дунё йифмадилар, боқиб кўрсанг,  
Охиратнинг асбобини олмof учун.

<sup>1</sup> Хайр – яхшилик, эзгулик.

<sup>2</sup> Шарр – ёмонлик, ёвузлик, гуноҳ иш.

<sup>3</sup> Асиф – фойда, наф.

\* \* \*

Ошиқларни ҳар мўйида<sup>1</sup> минг хосият.

\* \* \*

Ҳақ партави кимга тушса, доно қилур.

\* \* \*

Эр демангиз тарк этмаса дунёсини,  
Шайх бўлубон йиғса дунё ифлосини,  
Солиб кетар мунда мулки ашёсини,  
Расво бўлур қуруқ даъво қилған киши.

\* \* \*

Қахри келса, орқасидин раҳмати бор,  
Бир кун кўтар толиб бўлуб юрган киши.

\* \* \*

Доноларға ҳикмат қилиб айғил сўзни,  
Нодонлардин зарра баҳра ололмасман.

\* \* \*

Лутф айласа, мушкул ишлар бўлур осон,  
Ўғон Изим бандам деса, қолмас армон.

\* \* \*

Муҳаббатсиз тоатларинг боду ҳаво,  
Мағрур бўлма дунё, уқбо, ризвон учун.

---

<sup>1</sup> *Mўй* – соч.

\* \* \*

Не эранлар бу дунёдин бўлди фоний,  
Нафс илгига ўлдунг мисли ҳайвон учун.

\* \* \*

Дунё қўюб, охиратга озуқланғил,  
Озуқ олғон аро йўлда қолмас эрмиш.

\* \* \*

Эргашгонлар яхшиларға зоеъ қолмас,  
Сидқи бирла чин ихлослиғ топмай қолмас,  
Чин йўлларға қадам қўйғон урса қойтмас,  
Толиб қуллар матлубидин<sup>1</sup> қолмас эрмиш.

\* \* \*

Охирзамон шайхларидин сўзлойин,  
Иймон, ислом билмай шайхлик қилор эрмиш.  
Илм ўрганмай, амал қилмай, маъни уқмай,  
Охиратда қаро юзлук бўлар эрмиш.

\* \* \*

Омий шайхлар қулоқ, думсиз химор бўлғай,  
Химматлари дунё молин йиғор бўлғай,  
Халойиқни йўл озғуруб кетор бўлғай,  
Ондоғ шайхлар баҳойимдин батар эрмиш.

\* \* \*

Ман ортуқ, деб юргонларни жойи тамук,  
Дўзах ичра қоттиқ азоб тортор эрмиш.

<sup>1</sup> Матлуб – талаб қилинган, хоҳланган.

\* \* \*

Айбин ойтса, оччиғланиб урушқойлар,  
Үзи билмай, ямон ишга юрушгойлар,  
Қаро юзлук маҳшар куни турушқойлар,  
Надоматда боши қотиб юрор, эрмиш.

\* \* \*

Чин шайх бўлса, дунё молин сўймас, билинг,  
Тонгла борса, дўзах ичра куймас, билинг,  
Оллоҳ дебон кечаларда уймас, билинг,  
Юзин кўрсанг, тўлгон ойдек бўлор эрмиш.

Қўлин тутсанг, дунё меҳри дилдан кетор,  
Ҳалқасида мовуманлик жумла кетор,  
Назар қилса, икки олам ишинг битор,  
Ондоғ муршид ломаконда юрор эрмиш.

Одам эрсанг, тўғри йўлда юро кўргил,  
Пайғамбарни қилмишларин кило кўргил,  
Жону дилда табиатин ойто кўргил,  
Бу йўл юргон мақсадига етор эрмиш.

Кул Хожа Аҳмад, агар бўлса ақлинг салим<sup>1</sup>,  
Куруқ отқа такя<sup>2</sup> қилмоқ хуни азим,  
Тавба қилсанг, шояд қабул қилғой Раҳим,  
Тавба қилсанг, Худо раҳмат қилор эрмиш.

<sup>1</sup> Салим – соғлом.

<sup>2</sup> Такя – суюнч, суюнчик.

\* \* \*

Шайтон билан ишрат қилиб, диним соттим.

\* \* \*

Юз минг-юз минг гуноҳимдин лутфунг  
баланд.

\* \* \*

Ишк ўтиға куйгон ошиқ билмас ўзин,  
Беҳуш юрар, халойиқға айтмас сўзин,  
Ҳаққа боқар, дунё сори солмас кўзин...

\* \* \*

Банда бўлсанг, Ҳақ сориға қилғил шитоб.

\* \* \*

Турлук-турлук аломатлар ўлди, дўстлар,  
Ростлиқ кетиб, ялғон даъво тўлди, дўстлар,  
Ҳақ Мустафо ойғонлари келди, дўстлар...

\* \* \*

Ҳақ Мустафо ойғонларин бил насиҳат,  
Ҳайф одам – бир-бирини қилмас иззат,  
Масжид кириб, тоат қилмай, қилур фийбат...

\* \* \*

Ямон сўздин бу тилимни эмди йиғсам,  
Эгри йўлға кирғонларни уруб-сўксам,  
Намоз ўқуб, риёзатда белим буксам,  
Белим букмай ўлуб кетсам, нетгум мано?..

Нафсим мани ёмон йўлдин қайтормукин,  
Кайтормайин ўлуб кетсам, нетгум мано?

Тавба қилсам, Хожам қабул этормукин?  
Ҳама нодон бу дунёдин ўтормукин?  
Ҳасрат билан фафлат тонги отормукин?  
Тонг отмайин ўлуб кетсам, нетгум мано?

Азроил бир кун келса жон олғоли,  
Ул ҳолатда мажол қолмас сўз ойғоли,  
Азроил қўймас сани дам урғоли,  
Дам уролмай ўлуб кетсам, нетгум мано?

Аҳли иёл, хонумонинг туруб қолур,  
Барчасининг ҳисобини сандин олур,  
Холинг нечук кечор эрмиш – Тангри билур,  
Бу ҳолатда ўлуб кетсам, нетгум мано?

Иймонлик қул ўлуб борса, жаннат киргой,  
Жаннат кириб, хурлар билан ишрат қилғой,  
Хар ёнидин Ризвон<sup>1</sup> келиб салом қилғой,  
Жавоб айтмай ўлуб кетсам, нетгум мано?

Ҳақ бандасин номаларин қўлға берур,  
Хос бандалар қўлға олиб, ани ўкур,  
Учар күшдек парвоз қилиб, қанот тўқур,  
Парвоз қилмай ўлуб кетсам, нетгум мано?

Кул Хожа Аҳмад, тавба қилғил ўлмас бурун,  
Ҳақ таоло сўруғ-савол қилмас бурун,

<sup>1</sup> Ризвон – жаннат эшикоғаси.

Рўзи маҳшар тарозусин курмас бурун,  
Амал қилмай ўлуб кетсам, нетгум мано?

\* \* \*

Орифларни сухбатидин баҳра олғон  
Худойиға яқин бўлди, билдим мано.

\* \* \*

Сир-асрорин билгонларга раҳмат инъом,  
Хос бандам, деб Ҳак юбормиш  
минг йўл салом,  
Ондин сўнгра Ҳақдин келгой анга паём,  
Хозир туруб, Арш устида кўрдум мано.

\* \* \*

Қаю толиб ҳикматимни тутса азиз,  
Қайда борса, боши – азиз, сўзи – лазиз,  
Яхши сўзни фаҳм айламас ҳар бетамиш,  
Ул сабабдин доно излаб юрдум мано.

\* \* \*

Хар ножинсдин сўрсанг, билмас ишқ қадрини,  
Ишқ қадрини билгонлардин сўрдум мано.

\* \* \*

Банда бўлсанг, дунё уқбин қилғил талоқ,  
Талоқ қилиб, дийдорини кўрдум мано.

\* \* \*

Ҳак таоло ошиқларға берди ишқин,  
Толибларға тухфа берди шавқу завқин,  
Каззобларга шайтон берди риё далқин<sup>1</sup>,  
Риёлиқни сўзлар билан урдум мано.

Риё қилғон шайхни кўрдум – безор бўлдум,  
Зарра бўйи тегди менга, бемор бўлдум,  
Ҳак йўлида сармаст эдим, хушёр бўлдум,  
Онинг учун душман тутуб юрдум мано.

Қул Ҳожа Аҳмад, тоат қилсанг,  
пинҳон қилғил,  
Лаб – номаҳрам, дам – номаҳрам,  
ўзунг билғил,  
Балки дил ҳам номаҳрамдур, ҳозир бўлғил,  
Ҳақдин ўзга талабларни сурдум мано.

\* \* \*

Гунаҳ дарди бемор қилди – бергил даво.

\* \* \*

Ё Илоҳо, гуноҳимдин дармондаман,  
Санга лойик амал қилмай армондаман,  
Ҳар на қилсанг, ўзунг қилғил –  
шармандаман,  
Гуноҳимдин санга йиғлаб келдим мано.

Гуноҳимни ҳар ким кўрса, мандин безор,  
Лутфу карам ўзунг қилсанг – ҳама бекор,

<sup>1</sup> Далқ – жанда, дарвешлар кийими.

Гиёх унмас ерга боқсанг, бўлур гулзор,  
Гуноҳимдин санга йиғлаб келдим мано.

\* \* \*

Банда бўлсанг, тавба қилғил – ҳоло фурсат,  
Йигитликда риёзат қил – дам ғанимат,  
Қариб-чўкуб қиломассан Ҳаққа тоат,  
Гуноҳимдин санга йиғлаб келдим мано.

\* \* \*

Таним – исён, сўзум – ялғон, корим<sup>1</sup> – хато,  
Гуноҳим қўб – бехад эрур, во ҳасрато,  
Рахмат лутфунг қамуғ қилсанг бизга ато,  
Гуноҳимдин санга йиғлаб келдим мано...

Эй ёронлар, коғир нафсда олтмиш бош бор,  
Ҳар бошида юз минг шайтон лашкари бор,  
Хос бузурглар нафс илгида туфроқдин хор,  
Гуноҳимдин санга йиғлаб келдим мано.

Риёзатни қирқ кун чекиб, бир бош кетти,  
Субҳи содик<sup>2</sup> бокиб кўрди: унуб чиқди,  
Фариб Адҳам<sup>3</sup> нафс илгида турфа шошти,  
Гуноҳимдин санга йиғлаб келдим мано.

<sup>1</sup> Кор – иш, амал.

<sup>2</sup> Субҳи содик – тонг.

<sup>3</sup> Адҳам – тоҷу таҳти, молу дунёси, оиласидан возкечиб, тариқат йўлига кирган Балх ҳукмдори Иброҳим Адҳам (вафоти – 777).

\* \* \*

Ишқ дардини ошикларға тухфа берди.

\* \* \*

Бу дунёда юз минг турлук жафо торттум,  
Биҳамдиллоҳ, вафосини кўрдум мано.

\* \* \*

Кўзум очтим – Лайли демай, Оллоҳ дедим,  
Дунё демай, охиратни ғамин едим,  
Шак келтурмай бирлигингта бўйун сундим,  
То үлгунча бир аҳдимда турдум мано.

\* \* \*

Чин толибни даргоҳиға лойик қилди.

\* \* \*

Кичикликда қилғон ишдин эмди ёндим,  
Тавба тўнин кийдим, тавфиқ<sup>1</sup> қурин тонгдим<sup>2</sup>,  
Нафс Қофини<sup>3</sup> маркаб<sup>4</sup> қилиб, тепиб миндим,  
Ондин тегди тариқатни йўли манго.

\* \* \*

Ишқсиз юруб, тоат қилур нодон зоҳид,  
Бетуз ошдек тоатининг мазоси йўқ.

<sup>1</sup> Тавфиқ – баҳрамандлик, муваффак бўлиш.

<sup>2</sup> Тонгмоқ – махкам боғламоқ.

<sup>3</sup> Қоф – аждодлар тасаввурига кўра, бутун дунёни ўраб олган тоғ.

<sup>4</sup> Маркаб – улок (от, тую, эшак ва хоказо).

Ошиқман, деб даъво қилур ялғон ошиқ,  
Валлоҳ-бilloҳ, чин ошиқни ҳавоси йўқ.

Халк ичинда тоат қилдинг – барча риё,  
Аё зоҳид, қилғон ишинг бори ҳаво,  
Ҳеч нафъи йўқ ушбу тоат, балки риё,  
Мундоғ ишга Ҳақни асло ризоси йўқ.

Пинҳон юруб тоат қилғил, Худо билсун,  
Кўз ёшингни дарё қилғил, раҳми келсун,  
Ондин сўнгра Ҳақ дардингга даво қилсун,  
Аё дўстлар, кўз ёшини риёси йўқ.

Тасбех<sup>1</sup>, таҳлил<sup>2</sup> – ушбуларни ҳавоси бор,  
Тонгла борса, юз минг оғат – балоси бор.  
Ёшдин бўлак барча ишни риёси бор,  
Йиғлаб юргил – кўз ёшини риёси йўқ.

Банда бўлсанг, Ҳақ қаҳридин қўрқмасмусан?  
Ҳар тун, сахар надомат деб турмасмусан?  
Даргоҳиға ёшинг тўкуб бормасмусан?  
Йиғлаб юргил – кўз ёшини риёси йўқ.

Кўп нодонлар кўз ёшини қадрин билмас,  
Ҳақ кошида кўз ёшидек тухфа бўлмас,  
Тасбех, таҳлил кўз ёшиға teng келолмас,  
Йиғлаб юргил – кўз ёшини риёси йўқ...

<sup>1</sup> *Тасбех* – «субҳаналлоҳ» – «Оллоҳ ҳамма нуқсонлардан покдир» деб Худонинг зикрини айтиб юриш.

<sup>2</sup> *Таҳлил* – «ла илаҳа иллаллоҳ» – «Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» дейиш.

Кўб эранлар йиғламоқдин тобти мурод,  
Неча осий дуосидин тобти нажот,  
Яхши билсанг, кўз ёшидур оби ҳаёт,  
Йиғлаб юргил – кўз ёшини риёси йўқ.

Етти минг йил ул Азозил тоат қилди,  
Мағрур бўлуб тоатифа, ҳаво қилди,  
Риё қилиб, даргоҳидин мардуд<sup>1</sup> бўлди,  
Йиғлаб юргил – кўз ёшини риёси йўқ...

Тонгла бўлса қиёмат кун, аё дўстлар,  
Пайдо бўлғай турлук-турлук аломатлар,  
Юз минг қайғу, дофу ҳасрат, надоматлар,  
Йиғлаб юргил – кўз ёшини риёси йўқ.

Ўшал вактда малойикка фармон бўлғой,  
Аввал-охир барча ҳалқни ҳозир қилғой,  
Бир-бирини, яхши-ёмон ҳолин сўрғой,  
Йиғлаб юргил – кўз ёшини риёси йўқ.

Аввал бошлаб хос қуллардин уламони<sup>2</sup>,  
Олиб келгай даргоҳига ушбуларни.  
Тангрим дегай: «Олиб келгон тухфанг қони?»  
Йиғлаб юргил – кўз ёшини риёси йўқ.

«Тинмай юруб, олимлардин илм ўргандук,  
Ҳар на билгон илмимиизга амал қилдук,

<sup>1</sup> Мардуд – рад қилинган, хайдалган.

<sup>2</sup> Уламо – ислом илоҳиётчилари ва хуқуқшунос (факих)лари, шунингдек, диний муассасаларига, қозилик маҳкамаларига, ўкув юртларига мутасадди бўлган барча ислом олимлари.

Ё Кодир<sup>1</sup>, улуғ зотинг англаб билдук...»  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Оллоҳ аиди: «Бандам, муни ялғон айдинг,  
Қачон мени ризом учун илм ўргондинг?  
Ётсанг-турсанг ҳозир эрдим, ҳар иш қилдинг...  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Айтиб эрдинг: илм ўрганиб, улуғ бўлсам,  
Халк ичинда онча иззат-хурмат кўрсам,  
Дунё йифиб, есам-ичсам, ўйнаб-кулсам...»  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Ондин сўнгра шаҳидларни олиб келгай,  
Даргоҳиға барчалари боқиб турғай,  
Олиб келган тухфанг бўлса келтур дегай,  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

«Дин талошуб, коғир бирлан уруш килдук,  
Баъзиларни ўлтурубон ғозий бўлдуқ,  
Баъзиларин иймон-ислом йўлга солдук,  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Охир қўймай, коғир олди жонимизни,  
Бошни кесиб, ерга тўқди қонимизни,  
Сарф айладуқ ҳам йўлингда молимизни...»  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

«Аё бандам, бу сўзларни бари ёлғон,  
Кўнгул сиррин мендин тутуб бўлмас пинҳон,

<sup>1</sup> Кодир – Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: кудратли.

Зохир-ботин ҳар ишиңгур менга исөн,  
Йиғлаб юргил – қүз ёшини риёси йўқ.

Холларингни, бандаларим, хўб билурман,  
Қайда бўлсанг, санинг билан ҳозирдурман,  
Дилингдаги неку<sup>1</sup> бадни мен билурман,  
Йиғлаб юргил – қўз ёшини риёси йўқ.

Айтуб эрдинг: коғир билан уруш қилсам,  
Уруш қилиб, ғозий бўлуб бошин олсам,  
Улуғларни инъомини тўла олсам...»  
Йиғлаб юргил – қўз ёшини риёси йўқ.

Ондин сўнгра олиб келгай зоҳидларни,  
Тангри дегай: «Олиб келгон тухфанг қани?  
Иzzат-хурмат билан туттум ман силарни...»  
Йиғлаб юргил – қўз ёшини риёси йўқ.

Зоҳид айтур: «Ризонг учун тоат қилдуқ,  
Тонг отқунча намоз ўқуб, қиём турдуқ,  
Кеча намоз, кундузлари сойим бўлдуқ...»  
Йиғлаб юргил – қўз ёшини риёси йўқ.

«Қачон тоат қилдинг мени ризом учун,  
Халқ ичида иззат-хурмат кўрмоғ учун,  
Халқни йўлдин уруб, молин олмоғ учун...»  
Йиғлаб юргил – қўз ёшини риёси йўқ.

Ондин сўнгра ғанийларни<sup>2</sup> олиб келгай,  
Дунё молин онча санга бердум дегай,

<sup>1</sup> Нек – яхши.

<sup>2</sup> Ғаний – бой, бадавлат.

Менга қани олиб келгон тухфанг дегай,  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Фаний айтур: «Ризонг учун хайр қилдуқ,  
Таом бериб, яхшилардин дуо олдуқ,  
Факир, мискин, етимларни ҳолин сўрдук...»  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Оллоҳ айтур: «Оре, қилдинг хайру сахо,  
Халқ ичида қилдинг ҳама – барча риё,  
Риё ишни, валлоҳ, қабул қилмам асло...  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Эштиб, ўқуб, олим пандин олмадинглар,  
Пинҳон юруб, хайру эҳсон қилмадинглар,  
Дунёда ҳеч ризолифим тобмадинглар...»  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Ондин сўнгра келгой ҳама девоналар,  
Ҳақ ишқида жону тандин бегоналар,  
Дийдор излаб, хар тарафга жўёналар,  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Ошиқларни даргоҳиға олиб борғай,  
Бари Ҳақдин кўрқуб, яна йиғлаб тургай,  
Ўғон Изим тухфанг бўлса келтур дегай,  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Ошиқ айтур: «Тухфамиз йўқ ғайр аз гуноҳ<sup>1</sup>,  
Килғонимиз доим эрур журму хато,

<sup>1</sup> *Fайр аз гуноҳ* – гуноҳдан бошка.

Лутфунг билан афв этмасанг, ҳолим табох,  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Қай кун бизга ишқинг тушти – ошиқ килдинг,  
Фахму хирад<sup>1</sup> ақлимиизни тугал олдинг,  
Кайфиятни жомин берив, беҳуш килдинг...»  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Оллоҳ айтур: «Ошиқларим, рост айтурсиз,  
Мендин қўркуб, бағрингизни қон қилибсиз,  
Ҳасрат қилиб, кўзларингдин ёш тўкубсиз,  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

Кўз ёшидин менга яхши тухфа бўлмас,  
Мундин яхши даргоҳимға ҳадя бўлмас,  
Фаришталар тоатлари тенг келолмас...»  
Йиғлаб юргил – кўз ёшини риёси йўқ...

Хуру жаннат Худойифа арз айлағай,  
Ушбу азиз кимдур, баён қилғил, дегай,  
Бир соатки бизга меҳмон бўлсун дегай,  
Йиғлаб юргил – кўз ёшини риёси йўқ.

Нидо келгай Илоҳимдин: дўстум деди,  
Бағри қуюб, ёшин тўкуб, кўб йиғлади,  
Хорлик, зорлик, машаққатни роҳат билди,  
Йиғлаб юргил – кўз ёшини риёси йўқ...

Банда бўлсанг, ишққа қадам қўймасмусан,  
Ишқдин улуғ тоат йўқтур – кўрмасмусан,

<sup>1</sup> *Хирад* – ақл, идрок, дониш.

Ҳасрат қилиб, бағринг эзіб юрмасмусан,  
Йиғлаб юргил – күз ёшини риёси йўқ.

\* \* \*

Субҳ<sup>1</sup> янглиғ қўнгул тонги ногоҳ отса,  
Ихлослик қул маҳрум бўлуб қолғони йўқ.

Қул Хожа Аҳмад, савдо қилғил бозор ўтмай,  
Ажал куни туғиб, ногоҳ ойи ботмай,  
Мавт<sup>2</sup> шаробин Азроилдин ногоҳ тотмай,  
Ихлослик қул маҳрум бўлуб қолғони йўқ.

\* \* \*

Қудрат билан фармон қилса бандасиға,  
Бу оламда хеч ким ўлмай қолғони йўқ.  
Бу омонат жонни берди Мавлом бизга,  
Қобиз келиб, ани олмай қўйғони йўқ.

Қобиз келиб, азиз жонни қўймай олғай,  
Дунёпараст ножинс одам ғофил қолғай,  
Жонин келиб қабз<sup>3</sup> этарда тавба қилғай,  
Тавбасини Хожам қабул қилғони йўқ.

Сиҳатликда тавба қилғил, мақбул бўлсун,  
Саҳарларда зори қилғил, қўлунг олсун,  
Эранларга хизмат қилғил, йўлға солсун,  
Хизмат қилмай, хеч ким йўлни билгони йўқ.

<sup>1</sup> Субҳ – тонг.

<sup>2</sup> Мавт – ўлим.

<sup>3</sup> Қабз – олиш, тутиш, ушлаш.

Кулоқсизга оят, ҳадис, ҳикмат ҳаром,  
Эссиз ҳикмат – ич-корнимда бўлсун тамом,  
Нодонларға токай айтиб, йиғлай мудом,  
Дод айласам, ҳеч ким қулоқ солғони йўқ.

\* \* \*

Сўзни айтгил сўз қадриға етгонларга,  
Ихлос билан сўзга қулоқ солғонларга,  
Сўзни чайнаб, мазосига етгонларга,  
Беихлослар сўз қадриға етгони йўқ.

Сўзга етмас бехабарга эссиҳ маъни,  
Сўзни айтсанг, доноға айт, дурни кони.

\* \* \*

Ялғону чин Ҳаққа маълум, рост йиғланглар,  
Ялғон гиря<sup>1</sup> Ҳаққа мақбул бўлғони йўқ.

Чин дарвешлар тош устида тоат қилди.  
Қоттиқ ерни бистар<sup>2</sup> қилиб, одат қилди,  
Юз минг бало бошқа тушса, тоқат қилди,  
Тоқат қилмай, Ҳақ васлиға етгони йўқ.

Тавбам қабул бўлсун десанг, сахар йиғла,  
Жондин кечиб, молдин кечиб, белинг боғла,  
Мухаббатнинг ўти билан юрак доғла,  
Мундоғ бўлмай, Ҳаққа восил бўлғони йўқ.

<sup>1</sup> Гиря – йиғи.

<sup>2</sup> Бистар – тўшак, ўрин.

\* \* \*

Ишқ пояси<sup>1</sup> Аршдин баланд – қўлунг етмас.

\* \* \*

Ишқ сояси тушгон ошиқ халққа боқмас.

\* \* \*

Ялғон дарвеш баёнини айтай санга,  
Қўлда – тасбех, дилда – хийла, фикр – танга,  
Оқил эрсанг, ихлос қилма зинҳор анга,  
Ул нодондин ҳеч ким баҳра олғони йўқ.

\* \* \*

Ориф, ошиқ дунё учун ғам емади,  
Бу дунёда иззат-ҳурмат бер демади.

\* \* \*

Жондин кечмай, жонон юзин кўрмоқ қайдা?  
Эмгак<sup>2</sup> бирлан тобғон қўлдин кетмас бўлур.

Фоний фано бўлмай кўрмас фано мулкин,  
Ошиқ бўлса, пинҳон қилур вужуд кўркин.  
Ҳасрат тонги ҳасрат бирла ўтормукин?  
Ғам тоғидин эмғонмайин<sup>3</sup> ўтмас бўлур.

\* \* \*

Мехнат тортмай, роҳат тонги отмас бўлур.

<sup>1</sup> Поя – мартаба, даража.

<sup>2</sup> Эмгак – мехнат, машаққат, қийинчилик.

<sup>3</sup> Эмғонмоқ – қийналмок, машаққат чекмоқ.

**ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ**

\* \* \*

Ялғон сўзни халойикға ёймас бўлур.

\* \* \*

Кеча-кундуз Ҳақ ёдини ойгон киши,  
Маъшук ёдин тилдин ҳаргиз қўймас бўлур.  
Хорлик, зорлик, мاشаққатни роҳат билгон,  
Бу дунёнинг иззатини сўймас бўлур...

Ҳақни зикри жумла дардни давосидур,  
Дунёлиғдин зарра қўлға олмас бўлур...

Аё ошиқ, кеча-кундуз Ҳақни изла,  
Зоҳир юруб, ботинингда Аршни қўзла,  
Ҳикмат ўқуб, оят-хадис сўзин сўзла,  
Хазон янглиғ қизил юзи сўлмас бўлур.

Домлар қўюб, халойикни йўлдин ургон,  
Ялғон ошиқ бўлуб, даву дўкон қурғон,  
Кеча-кундуз ишрат қилиб, даврон сурғон,  
Дунё молин кўруб, кўзи тўймас бўлур...

Ошиқ бўлсанг, сахарларда тинмай йигла,  
Фарибларни изин излаб, қўнглин овла,  
Дунёпаст ножинслардин бўйун товла,  
Чин ошиклар бу дунёда кулмас бўлур.

\* \* \*

Ишқ дарёси вужуд ичра жўш айласа,  
Бехуд бўлуб, гирдоб ичра ҳайрон бўлур.

\* \* \*

Эр назари теккон киши мардон бўлур.

Йўлун топқон мардонларға хизмат қилур,  
Кўб анжуман оросида хилват қилур,  
Ахли иёл, молу мулкдин узлат<sup>1</sup> қилур,  
Мушкул ишлар, билмон, нечук осон бўлур.

Ҳар ким кийса маломатнинг хилъатини<sup>2</sup>,  
Ботин ростлаб, вайрон қилса суратини,  
Хеч тортмаса маҳлукотнинг<sup>3</sup> миннатини,  
Мундок ошиқ борса, анда султон бўлур.

Оқил эрсанг, тўғри йўлға қадам ургил,  
Мардонларни сухбатидин баҳра олғил.

\* \* \*

Ҳақ Мавломнинг назари кимга тушса,  
Нодон бўлса, бир лаҳзада доно бўлур.  
Уч юз олтмиш томурлари нурга тўлур,  
Тўрт юз қирқ тўрт сўнгаклари бино бўлур...

Ишқ баҳрига чўмган ошиқ гавҳар олур,  
Булҳаваслар ошиқман деб йўлда қолур,  
Текма нодон, хомтамаълар нени билур,  
Гавҳар олғон чин ошиқлар дарё бўлур.

<sup>1</sup> Узлат – ёлғизликни ихтиёр қилиш, хилватга чекиниш.

<sup>2</sup> Хилъат – уст кийим, тўн.

<sup>3</sup> Маҳлукот – яратилган нарсалар; бу ерда: одамлар.

Дунё суйгон ғофил одам Ҳақни сўймас,  
Бу йўлларни уқбаси кўб, харгиз билмас...

Феълинг озди – халойикдин шафқат кетти,  
Лаънат ёғди – кундин-кунга раҳмат кетти,  
Хожа, мулло, яхшилардин иззат кетти,  
Турлук-турлук аломатлар пайдо бўлур.

Мунофиқлар фисқ этибон ўзни билмас,  
Онинг учун яхшиларни кўзга илмас,  
Кўнгли қоттиғ – яхши сўзга қулоқ тутмас,  
Қиёматда Ҳақ кошида расво бўлур.

Кунда юз минг Оллоҳ десанг, анга ёқар,  
Кўз ёшингни дарё қилсанг, маъшуқ боқар,  
Бағринг ичра дардинг бўлса, ёшинг оқар,  
Оллоҳ ўзи чин дардликка даво бўлур.

\* \* \*

Нурдин баҳра олғон кўнгул сафо бўлур.

\* \* \*

Эй дўстларим, орифлар холис сухбат эторлар,  
Ул сухбатда маърифат дурларини сочорлар...

Мурид бўлсанг муршидға, маҳкам бўлғил,  
эй толиб,  
Муридларин муршиidlар хар боб билан синорлар.

Ҳиммат тутса, эранлар кўзни юмуб-очқунча  
Дарёларни букарлар, тоғларни ҳам кесорлар.

Тангри суйгон кишининг иши анинг биландир,  
Ҳар кимни Ҳақ суюбдур, борча они суёрлар.

Ўзлорининг муродин чин ошиқлар тиламас,  
Маъшуқанинг муродин доим алар тилорлар.

Қул Хожа Ахмад, вокиф бўл – файзу  
раҳмат эшигин  
Зикру тоат вақтида фаришталар очорлар.

\* \* \*

Кимки Оллоҳ деди – анда ўзин тобди,  
Ҳақиқатнинг сўзин сўзлар ўлар вакти.

\* \* \*

Минг яшағон Луқмон ҳаким<sup>1</sup> ўлар бўлса,  
Йўқтур ўлмай қолғон мунда, билинг, дўстлар.

\* \* \*

Беилм одам шайхлиқ қиласа, ривож тобмас,  
Нозук йўлдур – беилм ҳаргиз билса бўлмас,  
Эй дўстларим, шайх бўлмақлиқ осон эмас,  
Рахбар тею шаръ йўлида юрунг, дўстлар.

\* \* \*

Кўб пойгада ўзуб келмас ҳар яхши от,  
Риёзатни қоттиқ чеккон ўзор, дўстлар.

<sup>1</sup> Луқмони ҳаким минг йил умр кўрган бўлиб, Оллоҳ у зотга нарсалар ва воеа-ҳодисаларнинг моҳиятига етиш ва энг тўғри хукм чиқариш қобилиятини ато этган.

\* \* \*

Тирик борсиз, то ўлгунча ўқунг, дўстлар.

\* \* \*

Мулло бўлуб, маъно ўқуб, китоб айтса,  
Йўлни топиб, ямон йўлдин ростга кайтса,  
Пир этагин маҳкам тутиб, хизмат этса,  
Тоатлик кул ўлса, армон қилмас, дўстлар.

\* \* \*

Нафс-ҳавони қўюб, тоат қилмоқ керак.

\* \* \*

Риёзатсиз Ҳаққа восил бўлмас, дўстлар.

\* \* \*

Ҳақ Расулнинг ойғонлари келди бўлғой,  
Охирзамон нишонаси бўлди бўлғой,  
Фиску фасод дунё ичра тўлди бўлғой,  
Турлук-турлук даъво ишни кўрунг, дўстлар.

\* \* \*

Олимни тутқил иззат, қилғил икром,  
Олимни Куръон ичра ўгор<sup>1</sup>, дўстлар,  
Олимлар очор жумла мушкулотни,  
Жоҳиллар жаҳлини ким тўкор, дўстлар.

<sup>1</sup> ўгор – таърифлар, мақтар.

Хак-нохақни баёнини олим билур,  
Халол-харом фарқин омий қайдин билур?  
Олимлардин омийлар кўб фойда олур,  
Бу дунёда яхши отин қўллар, дўстлар.

Жоҳил авом олим сўзин ҳеч тингламас,  
Текма жоҳил ўзини ҳеч ўнгламас.  
Олимни Оллоҳ омийға тенг айламас,  
Хар олим юз минг омийға етор, дўстлар.

\* \* \*

Бўлмаса олим авом нега ярор?

\* \* \*

Дину дунё олим билан бўлур ҳосил.

\* \* \*

Авом тандур, олим эрур танда жондек.

\* \* \*

Олимларни хор кўрмак эрмас рано,  
Хор кўрмагай ул ҳам яна ер-кўк, ҳаво,  
Нечаким факир, мискин ул бенаво,  
Олимни хор кўрмангиз зинхор, дўстлар.

\* \* \*

Олим иззатин қилғон жаннат кирор, дўстлар.

Саҳар сайрар булбуллар гул ёдидин ҳар замон,  
Сен сайрасанг на бўлфой Ҳак ёдидин ҳар замон.

Күйғил дунё фикрини, қилғил Ҳақни зикрини,  
Бузғил шайтон мулкини, зокир бўлғил  
хар замон.

Урса-сүкса, пир этагин маңкам тутгил.

Толиб бўлсанг, қулоқ солгил яхши сўзга.

Пириң – ғассол, мурид – мурда – сүзлаёлмас,  
Күнгүл бергон пирдин ўзга күзлаёлмас,  
Хакни бергон пирдин ўзга излаёлмас,  
Эштиб, укуб, хизмат қилинг, дўстларимо.

Ризку рўзи ҳар на берса, қонеъ бўлғил.

Жоқил құллар үзин күрар – айбин күрмас.

\* \* \*

Умматман, деб тилда айтур, дилда – ёлғон,  
Нафси учун ўз жонини ўтга солгон,  
Шайхман тею киши молин зўрлаб олгон,  
Назрин олмай дийдор кўрунг, дўстларимо.

\* \* \*

Қул Хожа Аҳмад, дунё кўрсанг, қочо кўргил,  
Қанот қоқуб, ҳаво сори учо кўргил.

\* \* \*

Мұхаббатнинг шаробин ҳеч кишига бермаслар,  
Бағир қонин оқузуб, ошиқ ичор доимо.

Мұхаббатнинг шаробин ичгон ошиқ нишони –  
Вола<sup>1</sup> бўлғон булбулдек фарёд қилур доимо.

Мұхаббат шаробини қўлға олиб Мұхаммад,  
Зокирларға сунубон<sup>2</sup> сокий<sup>3</sup> бўлур доимо.

Мұхаббатни шаробин ичгон учун Хожа Аҳмад,  
Арш устига қўнубон парвоз қилур доимо.

<sup>1</sup> Вола – мафтун, шайдо, мубтало.

<sup>2</sup> Сунмоқ – узатмоқ.

<sup>3</sup> Соқий деганда сўфийлар Оллохни, Мұхаммад алайхиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар хам одамлар қалбига илохий файз бағишлайдилар, ҳакиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд эта-дилар.

\* \* \*

Хомтамаълар нафси учун нелар демас.

\* \* \*

Нафсдин кечдим, жон ҳижоби<sup>1</sup> ўтру<sup>2</sup> келди.

\* \* \*

Огоҳсизин кечти, дўстлар, эссиз умрим,  
Во дариғо, бориб анда на ойғойман?

Фазли бирла ҳукм қилса – давлат манго,  
Адли бирла сўрор бўлса, на ойғойман?

\* \* \*

Эгри йўлға юрдум, доим хато қилдим,  
Эмди билдим – ўз жонима жафо қилдим,  
Даргоҳингга яқом тутуб яно келдим,  
Лутф айлабон тавбам қабул этормукин?

\* \* \*

Жафо чекмай, меҳнат тортмай вафо йўқтур,  
Жафо тортқон ошиқларни кўнгли тўқтур,  
Жафо тортмай, меҳнат кўрмай роҳат йўқтур,  
Фофиллари ҳасрат билан ўтормукин?

\* \* \*

Ўлмак ҳақдур, ўлмас бурун тавба қилғил,  
Кўб кишилар тавбасизин ўтмадиму?

<sup>1</sup> Ҳижоб – парда. Тасаввуфда Ҳақ ва банда, ошиқ ва маъшүк ўртасидаги монеликларга ишора қилинади.

<sup>2</sup> Ўтру – қарши, рўпара.

\* \* \*

Во дариғо, ўтти умрум – тўймай қолдим,  
Бу дунёning муҳаббатин кўлға олдим,  
Дунё излаб, дин ишини орқа солдим,  
Тавба қилсам, Хожам қабул қиласмукин?

\* \* \*

Хар кечани Қадр<sup>1</sup> билиб, уйғоқ турсам,  
Хизр билиб кимни кўрсам, дуо олсам,  
Кули бўлуб маъно сўрай, кимни кўрсам,  
Ушбу ишдин мурод ҳосил бўлармукин?

\* \* \*

Ошиқ муроди дилбар, зоҳидни майли минбар.

\* \* \*

Зинхор, эй суханвар<sup>2</sup>, бехуда тўкма гавхар,  
Кўнгул хизонасиға<sup>3</sup> тил пособон эмасму?

\* \* \*

Сир<sup>4</sup> сўзини нодонларға айтса бўлмас,  
Сир сўзини нодон, жоҳил қабул қилмас.

<sup>1</sup> Қадр – лайлат ул-қадр: рамазон ойининг 26-дан 27-га ўтар кечаси – Куръони карим шу кечада нозил этила бошлаган. Бу кечада фаришталар ерга тушиб, мусулмонларнинг гуноҳларини кечиришни сўраб, Оллоҳга илтижо килар эканлар.

<sup>2</sup> Суханвар – фасоҳат ва балофат сохиби, адаб, шоир.

<sup>3</sup> Хизона – хазина.

<sup>4</sup> Яссавий сир сўзини илохий сирлар, махфий хақиқатлар маъносига кўллади.

\* \* \*

Келгай хазон ели янглиғ ажал бизга.

\* \* \*

Күл Хожа Ахмад, тавба қуриң боғлағил сан,  
Нафсу ҳаво душманларин қувлағил сан,  
Сан Тангрини хос қулидек йиғлағил сан,  
Йиғлағон қул Ҳақ дийдорин күрмадиму?

\* \* \*

Нодонлардин эшитмадим бир яхши сүз.

\* \* \*

Авлиёлар бу оламда гадо бўлди,  
Кечиб аҳли иёлидин, сиво бўлди,  
Жондин кечиб, дийдор учун фано бўлди,  
Дийдор учун ўлмас бурун ўлмайинму?

\* \* \*

Кўз очибон бокма дунё ҳаромина.

\* \* \*

Не берурлар охиратда қуруғ сўзга.

\* \* \*

Оллоҳ айди: «Рахматимдин ишқ яраттим,  
Онинг учун ошиқларни кўб йиғлаттим,  
Дарду бало, меҳнатларга бел боғлаттим»,  
Белим боғлаб, ишқ йўлида ўлмайинму?

Дунёталаб ҳарисларни бандам демас,  
Рўзи маҳшар йўлдин озса, йўлға солмас.

\* \* \*

Хожам айди: «Чин бандага берой улуш,  
Шарти улдур – манга сори қилса юруш,  
Нафсдин кечиб, шайтон билан қилса уруш...»  
Нафсдин кечиб, риёзатда сўлмайинму?

\* \* \*

Ўлум элчиси келди, яроғинг нега қилмассан?  
Соқол-сочинг окоруб, яроғинг нега қилмассан?

Танингда қолмади қувват, вужудинг борчаси  
захмат,  
Алардин олмайин ибрат, яроғинг нега  
қилмассан?

Ўлумни элчиси келди, санго эмди хабар берди,  
Санго не бўлди, келиб яроғинг нега қилмассан?

Қамуғ ёронларинг кетти, кўрсатти бўйини, тутти,  
Келиб ёр қўйнида ётти, яроғинг нега қилмассан?

Бу дунёни нега суйдунг – фалат қилдинг,  
хато қилдинг,  
Қани, уқбога на қилдинг, яроғинг нега  
қилмассан?

Бу тандин жонинг олмоққа, малак келди  
оийрмоққа,  
Сани қўймас дам урмоққа, ярофинг  
нега қилмассан?

Қул Хожа Ахмад, на иш қилдинг, ўзунг  
асрагу қилдинг,  
Бу дунё жирканиб йиғдинг, ярофинг  
нега қилмассан?

\* \* \*

Дунё суймак хатоларни бошитурур.

\* \* \*

Эр ул бўлур – ўлмас бурун молин берса,  
Корунтуурур ўшал киши ғофил турса.

\* \* \*

Аё дўстлар, кетмак учун мунда келдук,  
Келиб-кетмак маъносини билдингизму?  
Асли ватан улдур, мунда мусофиран,  
Савдо<sup>1</sup> учун келиб, савдо қилдингизму?..

Оқил қуллар савдосини қилдилар тахт,  
Савдосини қилғон қуллар бўлур некбахт<sup>2</sup>,

<sup>1</sup> Яссавий хикматларида савдо сўзи ишқу муҳаббат, майлу истак маъноларида келади.

<sup>2</sup> Некбахт – баҳтли.

Бозорини<sup>1</sup> қилиб, боғлар юкларин саҳт<sup>2</sup>,  
Тайёр бўлди сиз ҳам тайёр бўлдингизму?..

Баъзи нодон кирди бозор, олди дўкон,  
Ҳамроҳ бўлди ул нодонға анда шайтон,  
То қуруғлиғ үлтурдилар шоду хандон,  
Ўшал дўкон дунё эрур, билдингизму?

Савдо қилой деса, шайтон қўймас, билғил,  
Ойтур анга: қўйғил бугун – тонгла қилғил,  
Умрунг узок, дам ғанимат, ишрат қилғил,  
Ойтур анга, ишрат қилиб тўйдунгизму?

Бу сўз бирла нақди умрин қўлдин бергой,  
Умрунг бўлди, бу дўкондин чиққил дегой,  
Во дариф, деб кўлин тишлаб, афсус егой,  
Савдо учун эмди афсус едингизму?

Бу холатда амир карвон келгой етиб,  
Юругил деб асл ватан<sup>3</sup> ҳукмин айтиб,  
Савдо қилмай мунча ўтдунг, нетак ётиб,  
Озуқ олмай, йўлға кириб елдингизму?

Қул Ҳожа Ахмад, савдо қилғил бозор ўтмай,  
Умрунг куни битмас ажал куни етмай,  
Ногаҳонда ажал келиб яқонг тутмай,  
Ажал келур вақтин, дўстлар, билдингизму?

<sup>1</sup> Яссавий ҳикматларида бозор сўзи йўл, маслак, йўналиш маъноларида қўлланади.

<sup>2</sup> Саҳт – каттиқ, мажкам.

<sup>3</sup> Асл ватан – инсон рухининг бу дунёга келишдан аввалги манзили.

\* \* \*

Аё шайхо, толибларга йўлни кўргуз,  
Шариатнинг баёнини қилмасмусан?  
Тариқатда қуловузсиз йўлга кирса,  
Ҳақиқатнинг йўлларини айтмасмусан?

Шайхман тею улуғ тутдинг ўзинг доим,  
Кўнглунг кибр, манлик билан, тилинг соим,  
Нафсинг учун узун тунлар туруб қоим<sup>1</sup>,  
Ўқуб Куръон, ҳеч ўзунгга келмасмусан?

Шайхман тею золимларга хизмат қилдинг,  
Мулозамат пеша айлаб, иззат қилдинг,  
Неъмат берса, жонинг бирла хурмат қилдинг,  
Жоҳил бўлуб, золим сифат бўлмасмусан?

Маъни Куръон туз билмадинг ҳаво бирлан,  
Тоат қилдинг халқ ичинда риё бирлан,  
Зангор босғон кўнгул йўқтур зиё бирлан,  
Маъно ўқуб, риё қурин солмасмусан?

Факир бўлуб, маломатни тўша<sup>2</sup> қилғон,  
Дунё солуб<sup>3</sup> охиратни пеша қилғон,  
Дил айвонин хилват қилиб, гўша қилғон,  
Ондоғ эрнинг хизматида бўлмасмусан?

Кул Хожа Аҳмад, кимга айдинг ушбу сўзни,  
Хўб билурсан, ҳеч билмассан роҳи<sup>4</sup> тузни,

<sup>1</sup> Қоим – ухламаслик, кечалар ибодат билан машғул бўлиш.

<sup>2</sup> Тўша – озиқ-овқат, йўл озири.

<sup>3</sup> Солмоқ – бу ерда: ташламоқ, воз кечмоқ.

<sup>4</sup> Роҳ – йўл.

Билур қариб<sup>1</sup> йўл билгучи қуловузни,  
Гарди пойин<sup>2</sup> каро юзга суртмасмусан?

\* \* \*

Умрунг ўтти, аё фофил, зоеъ мунда,  
Faфлат кўзин очиб, бедор бўлмасмусан?  
Ётур еринг тор лаҳаддур ялғуз гўрда,  
Ўлмас бурун фикрин мунда қилмасмусан?

Ажаб йўлдур борур еринг – хатар бисёр,  
Қарокчилар доим анда турур тайёр,  
Химмат қилиб, бу дунёдин айла гузор,  
Охиратнинг яроғини қилмасмусан?

Юрдунг доим шоду хуррам, суур бирлан,  
Мағрур бўлдунг ҳою ҳавас, ғурур бирлан,  
Единг шубҳа-ҳаромларни макруҳ бирлан,  
Дўзах ичра жазосини тортмасмусан?

Мўмин деган бўлур доим тафаккурда,  
Фикр айлаб, зикрин айтур узок тунда,  
Бўлмас манлик бир зарра вужудинда,  
Андоғ эрни этогини тутмасмусан?

Аро йўлда пайдо бўлур икки манзил,  
Андоғ қулға қилғил мунда жонинг сабил,  
Солғай сени яхши йўлға ёри қобил,  
Хизмат қилиб, жаннат мулкин олмасмусан?

<sup>1</sup> Қариб – якин.

<sup>2</sup> Пой – оёқ.

Жон олғани бир кун келур малак ул-мавт,  
 Ылмас бурун ўлум бирла бўлғил улфат,  
 Узок йўлға озук олғил – торт риёзат,  
 Иззат раҳтин<sup>1</sup> сотиб, хорлиқ олмасмусан?

Ошиқ бўлсанг, маломатдин қилғил ватан,  
 Фам тигидин захм<sup>2</sup> айласун мулки бадан,  
 Ҳам очилсун ботинингда турлук чаман,  
 Жондин кечиб, дийдорини кўрмасмусан?

Роҳат топар меҳнат сори қадам қўйғон,  
 Зоеъ қўймас хизмат қилсанг пири муғон,  
 Хизмат қилмай даъво қилсанг – бари ялғон,  
 Қул Ҳожа Аҳмад, пир олдида ўлмасмусан?

\* \* \*

Банд этибон шайтон сани гумроҳ қилур,  
 Ҳак қошида юзи қаро бўлмасмусан?

Тамаъ қилма хожаман деб эшикларда,  
 Ақл йўқтур ихлос қилғон кишиларда,  
 Шарму ҳаё кетти улуг-кичикларда,  
 Охирзамон нишонасин билмасмусан?

\* \* \*

Хавфу ражо<sup>3</sup> ичра турғил, кўнгул қўйма  
 Қаҳр ичинда лутфин англааб юрмасмусан?

<sup>1</sup> Рахт – нарса, восита.

<sup>2</sup> Захм – 1) яра, жароҳат; 2) озор, ранжиш, кўнгил яраси; 3) зарба.

<sup>3</sup> Ражо – умид, тилак.

ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ

\* \* \*

Үт на бўлур ёлинсиз<sup>1</sup>, сув на бўлур жилосиз.

\* \* \*

Ошиқларни Аршга етгай, бил, овози.

\* \* \*

Сен сиррингни нодонлардин асраб юргил.

\* \* \*

Маъшук ўзи ошиқларга ўтлар ёқар.

\* \* \*

Эй ёронлар, ишқ элини сомони<sup>2</sup> йўқ,  
Даво сўрманг – ишқ дардини дармони йўқ,  
Бу йўлларда ошиқ ўлса товони йўқ,  
Жонин тандин жудо қилиб юрур бўлғай.

\* \* \*

Булҳавасни тани куйса, жони куймас,  
Ани учун ишқ қадриға етиб бўлмас,  
Яхшиларни сухбатидин баҳра олмас,  
Ризки дуо риё қилиб юрур бўлғай.

\* \* \*

Чин ошиқни сирри ниҳон – халқ билолмас.

<sup>1</sup> Елин – ёлқин, ўт, олов.

<sup>2</sup> Сомон – бу ерда: мажол, қувват; имкон.

\* \* \*

Чин дардликлар дардсизларни кўзга илмас.

\* \* \*

Одам ўғли ўлгуси, ер остиға киргуси,  
Ким яхшидур, ким ёмон – анда  
маълум бўлғуси.

Мунда ўзин билгонлар, Ҳакқа қуллук  
қилғонлар,  
Ҳак йўлиға киргонлар ёруғ юзлук бўлғуси.

Манман, қулман дегонлар, ер юзига  
келгонлар,  
Ҳаром-хариш егонлар бир-бир жавоб берғуси.

Мунда ўзин билмагон, насиҳатни олмагон,  
Беш вақт намоз қилмағон анда расво бўлғуси.

Агар оқил бўлсангиз, насиҳатни олсангиз,  
Беш вақт намоз қилсангиз, анда  
фойда бўлғуси.

\* \* \*

Ҳак зикрини ойғонларни душман туткон,  
Манлик қилиб, яхшиларни босиб ўтгон,  
Ҳалол-харом фарқин қилмай олиб юткон,  
Ул фосикни дилин на деб сафо килсун.

Такаббуру манлик билан хаво қилғон,  
Халқ ичинда ҳар на қилса, риё қилғон,

Кече-кундуз дунё учун савдо қилғон,  
Ул бандани охиратда гадо қилсан.



Пир ултуур – зохир, ботин сафо қилсун.



Кече-кундуз Ҳақдин күркүб турғон киши,  
Үзин билур, ўзга билан йўқтур иши,  
Ондин сўнгра нурға тўлур ичу таши,  
Ҳақдин күркүб, кўзда ёшин равон қилсун.

Кулман тею Ҳак амрини қилмағонлар,  
Насиҳатни қулоғига олмағонлар,  
Суду зиён бўлғонини билмагонлар,  
Ул фосиқдин Ҳаққа на деб вафо қилсун.

Ҳикмат эштиб, йиғламағон одам эмас,  
Кўнгли қаттиғ, кўзи аниңг намлиғ эмас,  
Бешак, билинг, дили аниңг маҳкам эмас,  
Кон йиғлағил, кўзинг ёши даво қилсун.

Аё ғофил, нодон билан улфат бўлма,  
Нодонларни сухбатиға ўзинг урма.



Ҳақиқатни дарёсиға чўмғон ошиқ,  
Ул дарёдин гуҳар<sup>1</sup> олиб чикқон ошиқ,

<sup>1</sup> Гуҳар (Гавҳар) – Яссавий ҳикматларида илохий маърифат тушунчасини ифодалайди.

Гұхар олғон даргохиға бўлур лойик,  
Лойик бўлуб, гұхар олиб чикқум келур.

\* \* \*

Сир сўзини айтиб бўлмас ҳар нодонға,  
Сир сўзини доноларға айрум келур.

\* \* \*

Жохил қуллар мўмин кўнглин озор қилур.

\* \* \*

Фоний умрунг минг ишонсанг, боқий бўлмас.

\* \* \*

Нафсинг сўзин қилибон ботил юрма.

\* \* \*

Мўмин қулга роҳаттуур раҳматларинг,  
Ошиқ қулга роҳаттуур заҳматларинг.

\* \* \*

Ишқиз одам ишқ қадрини билгон борму?

\* \* \*

Фурбат ичра кечор эрмиш ғариб ҳоли,  
Ҳеч қолмади кўнгул ичра қилу қоли<sup>1</sup>,  
Ҳар бир кунда ўлор эрмиш юз минг йўли,  
Намозу шом ғариб ҳолин сўрғон борму?

<sup>1</sup> Қилу қол – баҳс, мубоҳаса, тортишув.

\* \* \*

Шариатни сўзлади, тариқатни излади,  
Ҳақиқатни қўзлади, ё Мустафо Мұхаммад.

\* \* \*

Умрин зоеъ кечургонлар бўлди жоҳил.

\* \* \*

Дунё тилаб, дин ишини вайрон қилур.

\* \* \*

Беш кун ўтар дунё учун қўлин олса,  
Кўруб-билиб, нафси учун ўтқа солса,  
Йўл тобмағон назрин олиб, қўлин олса,  
Во ҳасрато, надоматлар демок керак.

\* \* \*

Кутб ул-актоб<sup>1</sup> дарвешлар хос сухбатга  
келурлар,  
Алар бўлғон сухбатда шавқ бисёр бўлунур...

Сен сақласанг одобни эранларни олдида,  
Билгил, алар қошида сонсиз маъно билинур...

Ишқ домига тушмағон, сир маъносин билмагон,  
Дунё меҳрин қўймағон тонгла расво бўлунур.

<sup>1</sup> Кутб ул-актоб – кутблар кутби, яъни улуғлар улуғи. Кутб – тасаввуфдаги энг юқори даража – дунёни идора этиб турадиган валийлар жамоасининг бошлиғи.

\* \* \*

Биздин бурун барча карвон күчбетурур,  
Боқиб турсак, бизга навбат етибетурур,  
Малак ул-мавт қадаң шарбат тутубетурур,  
Навбат келса, ул шарбатдин ичорбизо.

Телим нодон эрман тею тузди бүрклиқ<sup>1</sup>,  
Эр ул бўлур – иймонини қилса кўрклук,  
Қилдин йинчка<sup>2</sup>, қиличдин тез Сирот кўфрук,  
Ўғон Изим рўзи қилса, кечорбизо.

Неча ёқсанг, ёнмас чироғ ёғин ерда,  
Жонлар чиқиб, танлар ётур қаро ерда,  
Дил чироғи шуъла уор ошиқларда,  
Рух бўлубон, билмам, қаён учорбизо.

Яқин эрур ушбу ўлим – эрмас йирок,  
Эр ул бўлур – охиратға минса Буроқ<sup>3</sup>,  
Неча боқсанг, оқибат ул ўчор чироқ,  
Ул чироқдек бир дам ёниб-ўчорбизо.

Во дариғо, ўтти умрум ўйнаб-кулуб,  
Ох уармен надоматда конлар ютуб,  
Кул Хожа Аҳмад, бу ҳасратдин жоним куюб,  
Кўз ёшини сориғ юзга сочорбизо.

---

<sup>1</sup> *Бўрк* – бош кийим; барра кулоҳ.

<sup>2</sup> *Йинчка* – ингичка.

<sup>3</sup> *Буроқ* – Мухаммад алайхиссалом меъроҷ кечаси миниб, осмонга кўтарилилган учар от. Бу ерда мажозан ишқ оти.

\* \* \*

Нафсим мани ўтқа солур, ҳар лаҳза тандин  
жон олур,  
Дардим даво тобмай қолур, ман йиғламай,  
ким йиғласун?!

\* \* \*

Арш истасанг, мүмин қулни күнгли ичра,  
Ишқ тиласанг, мүмин қулни күнгли ичра.

\* \* \*

Аё ғофил, кўзунг очгил, кетубдур жумла  
ёр эмди,  
Жаҳон кўхна работедурки<sup>1</sup>, билсанг,  
роҳгузор<sup>2</sup> эмди.

Кўзунгни равшани – эҳсон, дилингни  
куввати – иймон,  
Бу дунё бевафо, ялғон, кетарсан бемадор эмди.

Кечакундуз жадал айлаб, бу дунё  
иззатин излаб,  
Туну кун бехуда сўзлаб, юурсан  
шармисор эмди.

Гўристонлар аро боқғил, халойиқни  
томушо қил,  
Бори ҳасрат қилиб йиглар, ётубдур хору  
зор эмди.

<sup>1</sup> Работ – карвонсарой, мусофирихона.

<sup>2</sup> Роҳгузор – ўловчи, мусофири.

Нидои «Иржиъи!»<sup>1</sup> келса: на келтурдунг,  
аё бандам,  
Бўлурсан сарнигун<sup>2</sup> ул дам, турурсан  
устувор эмди.

Жаҳонга эътимод<sup>3</sup> этма, тилинг Ҳак  
зикридин қўйма,  
Бу дунё айшини сурма, бўлурсан  
номдор эмди.

Саҳарларда туруб йиғла, ибодатға  
белинг боғла,  
Иймонингни ариғ сақла, бўлурсан  
обдор<sup>4</sup> эмди.

Бу дунё завқидин кечгил, муҳаббат  
жомидин ичгил,  
Боридин бир йўла кечгил, юурурсан  
шахсувор<sup>5</sup> эмди.

Халойик барчаси ўтти, бори ер қўйнига кетти,  
Ўғул-қизин етим этти, бузулди рўзгор эмди.

<sup>1</sup> Иржиъи – Куръони каримнинг «Вал-фажр» сураси, 27–30-оятларига ишора: «Эй хотиржам, сокин жон, сен рози бўлган ва рози бўлинган холда Парвардигорингга кайт. Бас, (солих) бандаларим қаторига киргин ва менинг жаннатимга киргин!»

<sup>2</sup> Сарнигун – боши қуий; тўнтарилган, остин-устун.

<sup>3</sup> Эътимод – ишонч, таянч, суянч.

<sup>4</sup> Обдор – бу ерда: соғ, покиза.

<sup>5</sup> Шахсувор – севгили, маҳбуба.

— **ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ** —

\* \* \*

Яхшиларни ажрин<sup>1</sup> берур, бадга жазо,  
Киёмат кун жазоларин тортар, дўстлар.

\* \* \*

Эй қул Хожа Аҳмад, сен юруб,  
                  ғамгин кўнгулни овлагил,  
Ахли дил<sup>2</sup> бўлғон киши ғамгин  
                  кўнгулни шод этар.

\* \* \*

Нокас, хасис, бедиёнат қуллар ҳоким,  
Манманлик ҳаддин ошибб, бўлди золим,  
Халқ ичинда хор бўлдилар дарвеш, олим,  
Химояти халқни кофир бўлди, кўрунг.

\* \* \*

Доно топмай, ер остига кирдим мано.

\* \* \*

Фариб, факир, етимларни Расул сўрди,  
Ўшал туни Меъроҷ чиқиб, дийдор кўрди,  
Қайтиб тушуб, фариб, етим излаб юрди,  
Фарибларни изин излаб туштим мано.

\* \* \*

Мухаммад айдилар: хар ким етимдур,  
Билингиз, у мени хос умматимдур.

<sup>1</sup> Ажр – эваз, бадал, мукофот.

<sup>2</sup> Аҳли дил – маърифат ахли, орифлар.

\* \* \*

Вой, үшандоғ дарвешлардин паноҳ бергил,  
Ул нодонға улфат қилма, жоним олгил,  
Аё маҳбуб<sup>1</sup>, йўлда қолдим – йўлға согил,  
Тавбаликни Хожам жойин бўстон қилур.

\* \* \*

Кони олим, кони омил<sup>2</sup>, ёронлар,  
Худодин сўзласа, сиз жон беринглар.

\* \* \*

Уммат бўлсанг, ғарибларга тобеъ бўлғил.

\* \* \*

Тоатликлар Ҳақ қошида хушсаодат,  
Кизил юзим тоат қилмай сўлди, дўстлар.

\* \* \*

Намоз, рўза тавба узра борғонларға,  
Ҳақ йўлиға кириб, қадам қўйғонларға,  
Ушбу тавба бирла анда борғонларға,  
Ёрлақанмиш қуллар бирлан сухбати бор.

\* \* \*

Сўзни айдим ҳар ким бўлса дийорталаб.

---

<sup>1</sup> *Maҳbub* – севгили, маъшуқа; мажозан: Худо.

<sup>2</sup> *Омил* – 1) амал қилувчи; 2) донишманд.

\* \* \*

Таом тобсанг, жонинг била қилғил әҳсон.

\* \* \*

... носиҳ бўлсанг, ўзунгга бўл.

\* \* \*

Эй бехабар, ишқ ахлидин баён сўрма,  
Дард истагил, ишқ дардига дармон сўрма.

\* \* \*

Чин ошиклар доим тирик – ўлгон эмас,  
Арвоҳлари ер остиға киргон эмас.

\* \* \*

Ошикларға ҳад на бўлғой – маъшуқ айтар,  
Оғзи айтмас, тили айтмас, дили айтар.

\* \* \*

Кўнгул кўзин ёрутмайин тоат қилса,  
Даргоҳига мақбул эмас, билдим мано.

\* \* \*

Фиръавн, Корун шайтон сўзин маҳкам тутти,  
Бул сабабдин ер ёрилди – они ютти.

\* \* \*

Кул Хожа Аҳмад, сен доим эранларга дуо қил,  
Қил таважжух аларга, ишинг осон қилурлар.

\* \* \*

Каъба тавоф қилай десанг, бузма кўнгулни,  
овлағил,  
Хирсу таманно<sup>1</sup> лашкарин шахри вужуддин  
кувлағил.

Барча китоб маънисин ўқур одам ўланлар,  
Барча кўнгул қиссасин бузма, кўнгул овлағил.

Каъба бино қилди Халил<sup>2</sup>, кўнгул бино  
қилди Жалил<sup>3</sup>,  
Йўқдур бу сўзда қолу сил, бузма кўнгулни,  
овлағил.

Каъба Халилнинг ранжидур<sup>4</sup>, кўнгул  
Жалилнинг ганжидур<sup>5</sup>,  
Кўнгул бузғон ёлғончидур, бузма кўнгулни,  
овлағил.

Ошиқ қуллар Ҳаққа етар, ҳар манзилға  
тушиб ўтар,  
Муродига ботроғ<sup>6</sup> тепар, бузма кўнгулни,  
овлағил.

<sup>1</sup> Таманно – истак, хохиш; максад.

<sup>2</sup> Халил – дўст, севикли: Иброҳим алайхиссаломнинг лакаби.

<sup>3</sup> Жалил – Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: барча сифатлари мукаммал улут зот.

<sup>4</sup> Ранж – меҳнат, заҳмат, машақкат.

<sup>5</sup> Ганж – бойлик, ҳазина.

<sup>6</sup> Бот – тез, зуд.

Кул Хожа Аҳмад, мўмин деб охиратнинг  
ғамин ема,  
Ҳак дийдорин кўрай деб, бузма қўнгулки,  
овлағил.

\* \* \*

Одам ўғлин озурғон нафсу ҳаво эмасму?  
Чиркин дунёға солғон нафсу ҳаво эмасму?

Дин ишини қўйдурғон, дунёлиғни сўйдурғон,  
Кибр тўнин кийдурғон нафсу ҳаво эмасму?

Ҳирс уйини тезлатган, яхши-ёмон сўзлатган,  
Захри қотилға солғон нафсу ҳаво эмасму?

Манлик отин миндурғон, ёмон ёзук қилдурғон,  
Ҳаром молни йиғурғон нафсу ҳаво эмасму?

Ото-оно, ўғул-қиз бир-бириндиган айирғон,  
Улуг қайғуға қўйғон нафсу ҳаво эмасму?

Эй Кул Аҳмад, Ҳаққа уй, нафснинг сўзини  
сан қўй,  
Бил, ёлғончи, фаразгўй нафсу ҳаво эмасму?

\* \* \*

Айтай сизга, дўстларим, кимлар келиб  
кетгуси,  
Мусулмонлар қўнглидин меҳрибонлик  
кетгуси.

Мусулмонмиз деганлар, ҳаром-хариш  
айтгайлар,  
Ёлғон дея тонғайлар, охирзамон билгуси.

Бир-бирига бокмаслар, меҳр-шафқат қилмаслар,  
Охиратни берибон дунё молин олгуси.

Ҳақ ишидин тонгайлар, ноҳақ ишни қилгайлар,  
Ҳақни айтса ургайлар, бединларни билгуси.

Мўминман деб айтганлар, ёлғон намоз  
қилганлар,  
Фасод ишни қилганлар мунофиқни билгуси.

Олимлар ҳаром егай, олимлардин дин кетгай,  
Золимлар қавий бўлғай, мўминларни озтургуси.

Ҳокимлар золим бўлғай, мўминлар молин олгай,  
Ўлуб, моллари қолгай, анда Тангрим сўргуси.

Шариатни билмаслар, тариқатга кирмаслар,  
Ҳақиқатдин ўтмаслар, шайхлик даъво қилгуси.

Элни мурид қилгайлар, ох-фифон айтгайлар,  
Мастонавор<sup>1</sup> юргайлар, Дажжол<sup>2</sup> лаъян билгуси.

Дунё молин суймагил, дунёни кўб йифмагил,  
Ўлмасман деб айтмагил, барча одам ўлгуси.

<sup>1</sup> Мастонавор – мастрлардек.

<sup>2</sup> Дажжол – киёмат арафасида пайдо бўлиб, одамларни ҳақ ўлдан оздирадиган бир кўзли одамсимон махлук.

Нафс әлига<sup>1</sup> тушубсан, семуртуруб юрубсан,  
Маҳшар куни бўлғонда, Қаҳхор қаҳр қилгуси.

Куллик қилмай ўларсан, қирқ бирга киарсан,  
Ёлғуз ётиб қолурсан, гўрга туфрок тўлгуси.

Осий қул Аҳмад, ғофил юрмагил боқиб ҳайрон,  
Мавломдин тила иймон, анда дийдор кўргуси.

\* \* \*

Эшитинг пандим, эй дўстлар, тириксиз –  
бўлмангиз ғофил,  
Ўлимни ёд этиб ҳар дам, яроғинг қил, аё ғофил!

Ўлим келмас санга сўзлаб, турубдир  
ул сани кўзлаб,  
Кутулмассан ўзинг гизлаб<sup>2</sup>, яроғинг қил,  
аё ғофил!

Тузукларни хароб этган, азизларни туроб этган,  
Ўлимдир барчани элтган, яроғинг қил,  
аё ғофил!

Келур бир кун санга қобиз, еринг – юрting  
бўлур ёбис<sup>3</sup>,  
Ул<sup>4</sup>-қизинг йиғлағай сонсиз, яроғинг қил,  
аё ғофил!

<sup>1</sup> Эл (Ал) – қўл.

<sup>2</sup> Гизламоқ – яширинмоқ, пинҳон бўлмоқ.

<sup>3</sup> Ёбис – курук, куриган.

<sup>4</sup> Ул – ўғил.

Келур бир от – эгари йўқ, тутай десанг –  
югани йўқ,  
Келур бир кун қарори йўқ, ярофинг қил,  
аё ғофил!

Сахарларда кўпуб йиғлаб, ибодатга  
белинг боғлаб,  
Иймонингни ариғ сақлаб, ярофинг қил,  
аё ғофил!

Дариғо, бир куни ўлгунг, биҳишту дўзахни  
кўргунг,  
Амалинг бўлмаса нетгунг, ярофинг қил,  
аё ғофил!

Гўрингни равшани – эҳсон, йўқ эрса гўр  
сенга зиндан,  
Азоблар айлагай чандон, ярофинг қил, аё ғофил!

Йиғилгай мўр<sup>1</sup> ила морон<sup>2</sup> осиғ ҳеч  
қилмагай нолон,  
Худоға йиғлагил, нодон, ярофинг қил, аё ғофил!

Неку<sup>3</sup> амалларинг бўлса, ўшал кунда  
илик тутса,  
Тутиб кўнрикдан ўткарса, ярофинг қил,  
аё ғофил!

<sup>1</sup> *Мўр* – чумоли.

<sup>2</sup> *Морон* – илонлар.

<sup>3</sup> *Неку* – яхши, эзгу.

\* \* \*

Пир – муридни чўпони, пир – муридни  
иимони,  
Йўқдир ҳеч шак-гумони, жон бер пир  
хизматида.

\* \* \*

Пирингга қил иродат<sup>1</sup>, бўлғай ишинг саодат,  
Пирсизлар ер надомат, жон бер пир хизматида.

Пирсизлар пири – шайтон, анда йўқдир  
ҳеч гумон,  
Гўё дўзахда чандон, жон бер пир хизматида.  
Пир муридга раҳнамо, пир бўлсин сендин ризо,  
Пир ризо – Худо ризо, жон бер пир хизматида.

\* \* \*

Ҳак ёдини айтган кўнгул равшан бўлур,  
Зокир ёдин айтса, кўнгул нурға тўлур,  
Фисқу фасод зангорлари очлиб юрур,  
Кўнгул кўзин очиб, анда кўрар, дўстлар.

Кул Хожани хизматида жон бермайин,  
Толибларға дурру гухар – кон бўлмайин,  
Муродига етмас киши қон бўлмайин,  
Ёлғон даъво қилган йўлда қолур, дўстлар.

Ҳак зикрини кўнгул ичра жо килмаса,  
Ўздин кечиб, халқға таку по<sup>2</sup> бўлмаса,

<sup>1</sup> Иродат – сидқ, ихлос, эътиқод.

<sup>2</sup> Таку по – оёқ ости, хоксор.

Очук юзлук ғунчалайин во бўлмаса<sup>1</sup>,  
Максудига начук анда етар, дўстлар.

Эр бўлмади улким, таку по бўлмади,  
Мардонларни хизматида жо бўлмади,  
Гул ғунчаси нам тегмади – гул бўлмади,  
Дуо олмай, начук анда етар, дўстлар.

Пири комил мукаммили бўлган киши,  
Шамсу қамар янглиғ ёрур ичу таши,  
Зарра қолмас кўнгул ичра филлу ғаши,  
Назар қилса, ҳар ёнини кўрап, дўстлар.

Таваккулни рост қилғонлар йўлға кирур,  
Андишадин кўнгул уйин холи килур,  
Аждар ютса, алам юзин билмас недур,  
Ҳақдин қўрқсанг, барча сендин қўрқар, дўстлар.

\* \* \*

Ростлик бирла Ҳақни суйгил оқил эрсанг.

\* \* \*

Эранларни хизматида югруб-юриб,  
Ҳақ таоло раҳм айласа, назар топиб,  
Ҳақиқат маънисидин дурни олиб,  
Қимматини билган қулга сотқим келур.

\* \* \*

Фақир сўрмок ҳақ Мустафо одатлари,  
Фақир сўрғон иймон бирла борар эрмиш.

<sup>1</sup> Во бўлмоқ – очилмоқ.

\* \* \*

Замона охир бўлса, аё дўстлар,  
Турлук-турлук балолар қўпар эрмиш.  
Ул балони ўзи суйган дарвешлари,  
Илкин очиб, дуо айлаб қувар эрмиш.

\* \* \*

Ихлос бирла борғон толиб топар эрмиш.

\* \* \*

Ишқ истагил, ишқ истагил, ошиқ бўлғил,  
Бу йўлларда нопок юрма, содик бўлғил,  
Лайли-Мажнун, Фарход-Ширин, Вомик бўлғил,  
Ошиқлари дийдор кўриб турар эрмиш.

\* \* \*

Ошиқлари ишқ ичинда бош ўйнамас,  
Кўнгул кўзин очиб, ани кўрмагунча.

\* \* \*

Дарвешларнинг ҳар бир сўзи жонга дармон,  
Дарвешларга беихлосни сўймас Субҳон,  
Ихлоси йўқ беадаблар йўлда қолғон,  
Дарвешларнинг хоки пойи<sup>1</sup> бўлмасмукин?

\* \* \*

Кимни кўрсанг, Хизр билиб, қўлин ўпгин.

<sup>1</sup> *Хоки пой* – оёқ ости тупроғи.

\* \* \*

Доно эрдим, пирсиз юруб нодон бўлдим.

\* \* \*

Во дариғо, йигитлигим беғам ўтти,  
Тавба қилмай, қарилигим қосаб етти,  
Тўймай қолдим – ажал келиб, ёмон тутти,  
Тавфиқ берса, ўқий-ўқий ўлмасмукин?

\* \* \*

Ҳалол ўлди ошиқларга юрак қони.

\* \* \*

Сидқинг бирла Оллоҳ дегил –  
мақбул бўлсин,  
Эй мўминлар, дуо қилинг, нафсим ўлсун,  
Андин сўнгра ичу тошим нурга тўлсун,  
Нурин излаб, доим бўзлаб юрмасмукин?

\* \* \*

Оллоҳ учун чин ошиқлар жонин берди,  
Сұхбат қуриб, сўзлар әштиб, дурлар терди,  
Анинг учун Султонидин улуш олди,  
Шавқи бирлан куйиб-ёниб ўлмасмукин?

\* \* \*

Ё Раббано, зикринг айтиб, зокир бўлсам,  
Сонсиз меҳнат бошқа тушса, шокир бўлсам,  
Яхшиларни сұхбатинда ҳозир бўлсам,  
Мискин банданг файзу футух олармикан?

Зоҳидлардек намоз ўқуб, тоат қилсам,  
Ошиқлардек йиғламоқни одат қилсам,  
Ўз еримда ғарибликни роҳат билсам,  
Даргоҳида Хожам қабул қилурмикан?

\* \* \*

Кул Хожа Аҳмад, кўнгул кўзи очилғайму?  
Тилларимдин дурру гавҳар сочилғайму?  
Кўп йиғласам, гунохларим тўкилгайму?  
Ўшал вақтни манга ато қиласмикин?

\* \* \*

Назар қилса, хаста кўнглум равшан бўлур,  
Юз минг хато-ёзуқларим пинҳон бўлур,  
Лутф айласанг, юз минг осий хандон бўлур,  
Назар қилған чироф ҳаргиз ўчармукин?

\* \* \*

Нафсни уруб, дин қалъасин айланг холи,  
Оллоҳ десанг, келур ғайбдин овоз уни.

\* \* \*

Нафсинг уруб, дин қалъасин берсанг инъом,  
Инъом берсанг, охиратда бўлғунг жонон,  
Рўзи маҳшар санга Хожанг боқар чандон,  
Вужудларни хандон қилиб, дийдор кўрунг.

Нафс уруб, дин қалъасин айланг бино,  
Қонлар ютуб, тавба қилинг – кўпдур гуноҳ,  
Илкинг очиб, омин десанг, кечгай Оллоҳ,  
Аз рўи дил<sup>1</sup> тавба қилиб, дийдор кўрунг.

<sup>1</sup> Аз рўи дил – сидқидилдан, чин дилдан.

ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ

Хайвон қилмай, одам қилди құрқмоқ учун,  
Киёматни шиддатидан хуркмоқ учун,  
Хақ қахридин құрқуб, ёшинг түкмоқ учун,  
Вовайлато аффон<sup>1</sup> қилиб, дийдор күрунг.

\* \* \*

Доно бўлсанг, ҳар бир сўзим дурру гавҳар.

\* \* \*

Қул Хожа Аҳмад, тавба тўнин киймоқ  
керак,  
Ҳақдин қўрқуб, шум нафсингни тиймоқ  
керак,  
Халқдин кечиб, ёлғиз Ҳақни сўймоқ керак,  
Аслинг туфроқ, туфроқ бўлуб дийдор кўрунг.

\* \* \*

Нафс уйидир кибр-кин, кибр ичинда  
йўқдур дин.

\* \* \*

Манманлик ишққа сифмас.

\* \* \*

Қаю қулга Оллоҳ ёди бўлса ҳамроҳ,  
Очлур кўзи, йўлин топар – бўлмас гумроҳ,  
Ёдлиғ қулдин қочар эрмиш ғафлат, гуноҳ,  
Рўзи қилса, гуноҳлардин қочсам мано...

---

<sup>1</sup> Аффон – фифонлар, фарёдлар, нолалар.

Оллоҳ деган ул бўстонда топти давлат,  
Топар давлат, берса анга улуғ ҳиммат,  
Бор айлар ҳар кишини Қодир Кудрат,  
Бўлгум бедор ул ҳимматни топсам мано.

Оллоҳ деган ориф қулни кўз ёшини,  
Зоеъ қўймас, Қодир Эгам ҳар ишини,  
Равшан қилур Қодир Эгам ич-ташини,  
Мен ҳам мудом тинмай Оллоҳ десам мано.

Кул Хожа Ахмад, тинмай мудом Оллоҳ дегил,  
Охиратни азоби деб қайфу егил,  
Нафсга мудом луқма ҳалол рўзи бергил,  
Мўмин бирла сўзлашибон ўлсам мано.

\* \* \*

Олимлари илм бирла бўлди азиз,  
Жоҳиллари жаҳл<sup>1</sup> бирла бўлди ожиз.

\* \* \*

Бу дунёни тарки таслим қилмоқ керак.

\* \* \*

Туну куни пиширгил сен тилда иймон.

\* \* \*

Пир муриднинг Каъбасидур агар билса,  
Шақсиз бўлур ул шаробни мурид ичса,

<sup>1</sup> Жаҳл – 1) нодонлик, билимсиэлик; 2) фафлат, жахолат.

Қаю мурид пир сариға шак келтирса,  
Киёмат кун түнгиз сурат қўбмоқ керак.

\* \* \*

Ишқдин хабар олғонлари бўлди бедор,  
Бедор бўлуб, кеча-кундуз тилар дийдор,  
Оллоҳ ҳақи, бедорларга дийдор тайёр,  
Бедор бўлуб, ишқ дўконин қуролмасман...

Ошиқ бўлиб, ёлғон айтиб, даъво қилған,  
Таъма қилиб, киши молин назрин олған,  
Машойихлар ишларига мункир бўлған,  
Киёмат кун анинг ҳолин билолмасман.

\* \* \*

Нодонлардин зарра баҳра ололмасман.

\* \* \*

Йигитликда фафлат бирла ётиб уйдим,  
Қарилигим қапсаб олди, эмди билдим,  
Муҳаббатни шавқи урди, дунё қўйдим,  
Топқайманму, ё Раб, сени тиласам мен?

\* \* \*

Мани йўлдин озғурди бу дунё ғами,  
Топмадим ман бу дунёда жон роҳати.

\* \* \*

Чекмагунча бу йўлни анча меҳнат, ранжини,  
Топиб бўлмас, дўстларим, ҳақиқатни ганжини.

\* \* \*

Билса, нукра<sup>1</sup>, зарларни<sup>2</sup> бир-биридин  
фарқи бор,  
Кўп нодонлар билмаслар мису нукра,  
зарини.

\* \* \*

Васл<sup>3</sup> уйига киравни ҳар ким қилса ихтиёр,  
Топиб қўйгил орада яхши, комил завжини<sup>4</sup>,  
Васл уйига киролмас, муродига етолмас,  
Сарф айламай қўлида бору йўғи ганжини.

\* \* \*

Қадам қўйма беҳамроҳ, йўлда кўпдир  
карокчи,  
Молин олур карокчи ёлғиз юрган йўлчини.

\* \* \*

Маркаб ориғ, юким оғир, ўзим ғамгин,  
Ҳасрат билан ақлу ҳушум кетти тамкин<sup>5</sup>,  
Кўчуб карвон, қўздин ғойиб бўлди секин,  
Борур жойим билолмасман қаён эмди...

Бу ҳолатда ул Азроил келса ногоҳ,  
Иссиф тандин жонни олғай, бергил паноҳ,

<sup>1</sup> Нукра – кумуш.

<sup>2</sup> Зар – олтии.

<sup>3</sup> Васл (Visol) – маҳбубга этиш, ҳақиқий ваҳдат.  
Шайх Шиблийнинг айтишича, дунё ва охиратдан кечган  
киши васлага эришади.

<sup>4</sup> Завж – жуфт, эр, хотин.

<sup>5</sup> Тамкин – оғирлик, вазминлик, викор.

Шайтон келиб иймонимни қилса расво,  
Биродарлар, аро йўлда қолдим эмди,

Бу ҳолатга сўз айтурга йўқтур дармон,  
Ўчуб қолғай вужудимдин шамъи иймон,  
Кизил гулдек ушбу юзунг бўлур сомон,  
Яқин – бўлғунг ер остига нихон эмди.

Зану фарзанд, оға-ини йиглиб келгай,  
Мерос дебон молу мулкинг бўлуб олгай,  
Итдек судраб, қаро ерга сани кўмгай,  
Овқат қилғай Қариш отлиғ илон эмди.

\* \* \*

Ҳақиқатдин хикмат айтдим – доно қани?  
Яхши-ёмон ҳозир туриб, бокиб тани,  
Хайвон қилмай, одам қилди Мавлом сани,  
Хар жафоға кўнгин деди, кўндим мано.

\* \* \*

Ҳақ йўлида жон бермасанг, бандалик қил.

\* \* \*

Тақлид ишим – таҳқиқ<sup>1</sup> сари уланмади,  
Мунглиғ бошим нафс илкидин кутулмади,  
Тилим, оғзим фийбат сўздин тийилмади,  
Заифдандур, начук Сирот ўтгум мано?..

<sup>1</sup> Таҳқиқ – текшириш, тадқиқ қилиш, нарсанинг  
моҳиятини билиш, ҳақиқатга этиш. Тасаввуфда банданинг  
хақиқатни кашф этиш учун қиласиган саъӣ-ҳаракати.

Мўмин қуллар тавба тею қайфуюрлар,  
Тавбасизлар бу дунёда қонеъ бўлур,  
Ҳар бандани сири недур – Тангрим билур,  
Сирим, айбим зохир бўлса, неткум мано?

\* \* \*

Ишқ қаттиқ йўлдур.

\* \* \*

Ишқи тушса, доно бўлса, ақли шошар,  
Бағри куйиб, ёши оқиб, тўлиб-тошар,  
Ошиқлари ҳар бир кунда юз минг яшар...

\* \* \*

Кўринг бу замонанинг шайхлари  
Гадо янглиғ элдин-элга кезарлар-о.  
Халқ мани азизим деб айтсин тею,  
Ҳар мажлисда ҳалқаларин тузарлар-о.

\* \* \*

Оллоҳ ёди улуғ ёддур, айтур бўлсам,  
Асал янглиғ сучук бўлур тилим менинг.

\* \* \*

Нафс-ҳаво отин миниб, бозор этиб,  
Ёвук-яқин қариндошни озор этиб,  
Билмайин ман ўз-ўзимни ўтға отиб,  
Вакт бўлди – ўтдин ўзум олғум келур.

Кўз очилиб, ҳаром танлар қувватланди,  
Нафс-ҳаво, такаббурлар бутоғланди,  
Ишқ-муҳаббат ўти кўнглум ичра ёнди,  
Ул бутоғни эмди ўзум кесгум келур.

\* \* \*

Жон олмоққа Азроилга қилса фармон,  
Дунё молин ришва берсанг, қўймас омон.

\* \* \*

Олтин-кумуш, молу заринг оро кирмас.

\* \* \*

Ушбу дунё бир соатдир, агар билсанг.

\* \* \*

Жон булбули учмоқ истар бўстон кириб,  
Гул ишқида муҳаббатни жомин ичиб,  
Алойиқу<sup>1</sup> авойиқни<sup>2</sup> дамин кесиб,  
Учқон яхши анинг сари уча билса.

Дарду ҳолат пайдо қилған ишқлик бўлур,  
Жўшу хуруш<sup>3</sup> ҳосил этган завқлик бўлур,  
Шавқ шаробин ичган киши шавқлик бўлур,  
Ул шаробдек шароб бўлмас ича билса.

<sup>1</sup> Алойиқ – боғлиқлик; дунё молига хирсу ҳавас.

<sup>2</sup> Авойиқ – монеликлар; ҳодисалар.

<sup>3</sup> Жўшу хуруш – ҳаяжону жазавага тушиш, завқу туфён.

\* \* \*

Дунё дебон дин ишқидин қурук қолдим,  
Дунё ичра мендек ҳайрон қолган борму?

\* \* \*

Манманлиқда урма дам, манманлиқда  
даъво бор,  
Мискинликка қўй қадам, мискинликда  
маъно бор.

Манманлиқка, эй доно, бўлди шайтон  
мубтало,  
Ман демакда юз бало, мискинликда  
маъно бор.

\* \* \*

Ишқ пояси Аршин баланд – қўлинг етмас,  
Ваҳдат майдин<sup>1</sup> тўла ичган таом тотмас,  
Ишқ сояси тушган ошиқ халққа боқмас...

\* \* \*

Кўзингда фафлат уйқуси, кўнглингда  
дунё қайғуси,  
Бу умринг неча бўлғуси, қўп эмди,  
уйқудин уйғон.

<sup>1</sup> Ваҳдат – Оллоҳ таолонинг ягоналиги, тавҳид. Ваҳдат майи – Оллоҳнинг ягоналигини хис қилиш маърифатига эриштирадиган илоҳий май. Мұхаммад алайҳиссалом Меъроҷ кечаси Оллоҳ таоло хузуридаги илоҳий майдан тотган эканлар.

Шайтон келиб иймонимни қылса расво,  
Биродарлар, аро йўлда қолдим эмди,

Бу ҳолатга сўз айтурга йўқтур дармон,  
Ўчуб қолғай вужудимдин шамъи иймон,  
Қизил гулдек ушбу юзунг бўлур сомон,  
Яқин – бўлғунг ер остига ниҳон эмди.

Зану фарзанд, оға-ини йиғлиб келгай,  
Мерос дебон молу мулкинг бўлуб олгай,  
Итдек судраб, қаро ерга сани қўмгай,  
Овқат қилғай Қариш отлиғ илон эмди.

\* \* \*

Ҳақиқатдин хикмат айтдим – доно қани?  
Яхши-ёмон ҳозир туриб, боқиб тани,  
Ҳайвон қилмай, одам килди Мавлом сани,  
Хар жафоға кўнгин деди, кўндим мано.

\* \* \*

Ҳак йўлида жон бермасанг, бандалик қил.

\* \* \*

Тақлид ишим – таҳқиқ<sup>1</sup> сари уланмади,  
Мунглиғ бошим нафс илкидин қутулмади,  
Тилим, оғзим фийбат сўздин тийилмади,  
Заифдандур, начук Сирот ўтгум мано?..

<sup>1</sup> Таҳқиқ – текшириш, тадқиқ қилиш, нарсанинг  
моҳиятини билиш, ҳақиқатга етиш. Тасаввуфда банданинг  
ҳақиқатни кашф этиш учун қиласиган саъй-харакати.

Мўмин қуллар тавба тею қайфуюрлар,  
Тавбасизлар бу дунёда қонеъ бўлур,  
Хар бандани сири недур – Тангри билур,  
Сирим, айбим зохир бўлса, неткум мано?

\* \* \*

Ишқ қаттиқ йўлдур.

\* \* \*

Ишқи тушса, доно бўлса, ақли шошар,  
Бағри куйиб, ёши оқиб, тўлиб-тошар,  
Ошиқлари ҳар бир кунда юз минг яшар...

\* \* \*

Кўринг бу замонанинг шайхлари  
Гадо янглиғ элдин-элга кезарлар-о.  
Халқ мани азизим деб айтсин тею,  
Хар мажлисда ҳалқаларин тузарлар-о.

\* \* \*

Оллоҳ ёди улуғ ёддур, айтур бўлсам,  
Асал янглиғ сучук бўлур тилим менинг.

\* \* \*

Нафс-ҳаво отин миниб, бозор этиб,  
Ёвуқ-яқин қариндошни озор этиб,  
Билмайин ман ўз-ўзимни ўтға отиб,  
Вақт бўлди – ўтдин ўзум олғум келур.

Кўз очилиб, харом танлар қувватланди,  
Нафс-ҳаво, такаббурлар бутоғланди,  
Ишқ-муҳаббат ўти кўнглум ичра ёнди,  
Ул бутоғни эмди ўзум кесгум келур.

\* \* \*

Жон олмоққа Азроилга қилса фармон,  
Дунё молин ришва берсанг, қўймас омон.

\* \* \*

Олтин-кумуш, молу заринг оро кирмас.

\* \* \*

Ушбу дунё бир соатдир, агар билсанг.

\* \* \*

Жон булбули учмоқ истар бўстон кириб,  
Гул ишиқида муҳаббатни жомин ичиб,  
Алойиқу<sup>1</sup> авойиқни<sup>2</sup> дамин кесиб,  
Учқон яхши анинг сари уча билса.

Дарду ҳолат пайдо қилған ишқлик бўлур,  
Жўшу хуруш<sup>3</sup> ҳосил этган завқлик бўлур,  
Шавқ шаробин ичган киши шавқлик бўлур,  
Ул шаробдек шароб бўлмас ича билса.

<sup>1</sup> Алойиқ – боғликлик; дунё молига хирсу ҳавас.

<sup>2</sup> Авойиқ – монеликлар; ҳодисалар.

<sup>3</sup> Жўшу хуруш – ҳаяжону жазавага тушиш, завқу туғён.

\* \* \*

Дунё дебон дин ишқидин қурук қолдим,  
Дунё ичра мендек ҳайрон қолган борму?

\* \* \*

Манманликда урма дам, манманликда  
даъво бор,  
Мискинликка қўй қадам, мискинликда  
маъно бор.

Манманликка, эй доно, бўлди шайтон  
мубтало,  
Ман демакда юз бало, мискинликда  
маъно бор.

\* \* \*

Ишқ пояси Аршдин баланд – қўлинг етмас,  
Ваҳдат майдин<sup>1</sup> тўла ичган таом тотмас,  
Ишқ сояси тушган ошиқ халққа боқмас...

\* \* \*

Кўзингда фафлат уйқуси, кўнглингда  
дунё қайфуси,  
Бу умринг неча бўлфуси, қўп эмди,  
уйқудин уйфон.

<sup>1</sup> *Vaҳdat* – Оллоҳ таолонинг ягоналиги, тавҳид. *Vaҳdat майи* – Оллоҳнинг ягоналигини ҳис килиш маърифатига эришитираридаган илохий май. Мухаммад алайҳиссалом Меъреж кечаси Оллоҳ таоло хузуридаги илохий майдан тутган эканлар.

\* \* \*

Ишқ ўтида куйган ошиқ билмас ўзин,  
Беҳуш юрар – халойикқа айтмас сўзин,  
Ҳаққа боқар – дунё сари солмас қўзин,  
Йиғламайму – жон маҳрамин топмасман-о.

\* \* \*

Уйқу танга роҳатдур, вале<sup>1</sup> жонға заҳматдур,  
Уйғоқларға раҳматдур, нега мунча уюрсан?<sup>2</sup>

Атонг ўлди билурсан, анонг ўлди билурсан,  
Сен ҳам бир кун ўлурсан, нега мунча уюрсан?

\* \* \*

Дунё учун бу дунёга келгоним йўқ,  
Уқбо учун тариқатга киргоним йўқ,  
Ҳақдин ўзга савдоларни билгоним йўқ,  
Бу дунёға дийдор учун келдим, дўстлар.

\* \* \*

Журму исён гириҳларин<sup>3</sup> мунда ечмай,  
Шайтон ғолиб, жон берарда шоштим ман-о.

\* \* \*

Кўнгул кўзин ёритмай тоат қилса,  
Даргоҳиға мақбул эмас, билдим мано.

<sup>1</sup> Вале – ва лекин, балки.

<sup>2</sup> Уюмоқ – ухламок.

<sup>3</sup> Гириҳ – тугун, чигил, мушкуллик.

\* \* \*

Ишқ мақоми турлик мақом – ақлинг етмас,  
Бошдин-оёқ жабру жафо, меҳнат кетмас,  
Маломатлар, ихонатлар қилса – ўтмас,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.

\* \* \*

Ишқ балоси бошқа тушса, нолон қилур,  
Ақлинг олиб, бехуш қилиб, ҳайрон килур.

\* \* \*

Ҳақ йўлиға кириб бўлмас пок бўлмасанг.

\* \* \*

Нафсим мени қўб югуртди Ҳаққа бокмай,  
Кеча-кундуз бегам юрдим ёшим оқмай,  
Хою ҳавас, мовуманлик ўтқа ёқмай...

\* \* \*

Дунё – бозор ичра кириб, қуллар озар.

\* \* \*

Чин ошиқлар ўтдин не деб ҳазар қилсун?

\* \* \*

Собир бўлиб, умид тутар ваъдасига,  
Жафосидин чин ошиқлар қайтмас бўлур.

\* \* \*

Биздин сўнгра охир ул-замон ёкин бўлғанда, ондоғ машойихлар пайдо бўлғайким, Иблис алайҳилаъна олардин сабақ олғай ва ҳамма халқ оларға муҳиб<sup>1</sup> бўлғай ва муридларни бошқара олмағайлар.

\* \* \*

У шайхларким, муридларидин тамаъ қилғай ва жонини куфру залолатдин<sup>2</sup> ойирмагай ва аҳли бидъатни<sup>3</sup> яхши кўргай ва аҳли суннатни ёмон кўргай ва илми шариат бирлан амал қилмағай ва номаҳрамларға кўз солғайлар ва ёмонлиғ пеша қилиб, Оллоҳ таолонинг раҳматидин умид тутқай ва машойихлар ишини хор кўргай, муридлари рад бўлғай ва ўzlари муртад бўлғай ва яна хорлик-зорлик бирла муридларининг эшигида юругайлар. Ул ҳолда муридлардин ниёз олғайлар. Агар муридлари назру ниёз бермаса, урушқайлар.

\* \* \*

Шайх улким, ниёз олса, мустаҳиқларға<sup>4</sup>, фариб, бечораға бергайлар. Агар олиб, ўзи еса, мурдор эт емишдек бўлғай. Агар тўн олиб кий-

<sup>1</sup> Муҳиб – 1) дұст; 2) ошиқ.

<sup>2</sup> Залолат – йўлдан адашиш, гумроҳлик.

<sup>3</sup> Аҳли бидъат – шариатга хилоф иш тутувчилар, Куръон ва Суннатга зид янгиликлар киритувчилар.

<sup>4</sup> Мустаҳиқ – лойиқ, муносиб.

са, ул түн түэзүнча Ҳақ таоло намоз, рұзасини қабул қилмағай ва агар олған ниёзидин нон қилиб еса, Ҳақ таоло они дўзахда турлук азобға гирифтор қилғай. Ва агар ондоғ шайхға хар киши эътиқод қилса, коғир бўлғай. Ондоғ шайхлар малъунтуур<sup>1</sup>. ОНИНГ ФИТНАСИ ДАЖЖОЛДИН БАТТАР, ШАРИАТДА, ТАРИҚАТДА, ҲАҚИҚАТДА, МАЪРИФАТДА МУРТАДТУУР<sup>2</sup>.

\* \* \*

Ҳар ким пирлик ва шайхлик даъвосин қилур бўлса, кирқ йил то пирнинг хизматида юрмагунча, шайх ўрни онга раво эрмас. Агар мурид олса радтуур.

\* \* \*

Ҳар ким дарвешлик даъвосин қилса, аввал Ҳақ амрина бўйунсуунуб, шариат амри бирла бўлғай ва ботил ишлардин ва бидъат ишлардин парҳез қилғай, кеча қиём бўлмағунча, кундуз хизмат қилмағунча, шайхлик даъвосин қилса, ботилтуур. Агар тавба қилмай дунёдин борса, Ҳақ таоло тамуқда турлук азобға гирифтор қилғай.

\* \* \*

Эй дарвеш, агар зоҳид бўлса, риёйи обид бўлса, савдои сўфий бўлса, гадои дарвеш бўлса, хар жой сўфиийликлари мурдор, ишла-

<sup>1</sup> Малъун – лаънатланган, қарғиш урган.

<sup>2</sup> Муртад – диндан қайтган.

ри фасод, муридлари муртад, сўфийликлари худрўйлик<sup>1</sup>, дарвешликлари тамаълик, ниятлари фитналик, тариқатлари ибоҳат<sup>2</sup>, суннатлари бидъат, феъллари қабоҳат, натижалари шақоват<sup>3</sup>, сирлари хиёнат ва фусллари<sup>4</sup> жанобат<sup>5</sup>.

\* \* \*

Сўфийларда риёзат йўқ, факирларда қаноат йўқ, ганийларда саховат йўқ, дарвешларда вахми киёмат йўқ. Эй дарвеш, аҳволимиз нечук бўлғай?

\* \* \*

Эй дарвеш, билгил ва огоҳ бўлғилким, аввал – калимаи шариат, иккинчи – калимаи тариқат, учинчи – калимаи маърифат, тўртинчи – калимаи ҳақиқатни билмак керак. Агар сўфий бўлуб, бу калималарни билмаса, сўфий эмас.

\* \* \*

Эй дарвеш, машойихи мутақаддимининг<sup>6</sup> факирлигини қабул қилиб, сўзлариға пайравлиғ<sup>7</sup>

<sup>1</sup> *Худрўй* – бу ерда: ўз билганидан қолмайдиган.

<sup>2</sup> *Ибоҳат* – ўзбошимчалик.

<sup>3</sup> *Шақоват* – ярамаслик, одамлик қиёфасини йўқотишилик.

<sup>4</sup> *Fusl* – пок бўлиш учун маҳсус тартибда обдан ювениш.

<sup>5</sup> *Жанобат* – нопоклик.

<sup>6</sup> *Мутақаддимин* – дунёдан ўтган азизлар.

<sup>7</sup> *Пайрав* – эргашиш.

қилиб, аҳкому арконларини<sup>1</sup> билиб, ҳаво ва ҳавасни тарк қилиб, нафсни мужоҳада<sup>2</sup> ёйи билан синдурууб, ўзига мутеъ қилиб ва қаноатни пеша қилиб, қазосига рози бўлуб, балосига сабр қилиб, неъматига шукр қилиб, айтган рисолаға амал қилиб, Худойи таолонинг амрини бажо келтурса, дарвешлик оти онга мусаллам<sup>3</sup> бўлур, йўқ эрса, буларни билмай шайхлик даъвосин қилса, қиёмат куни қаро юзлик ўлуб, шарманда бўлгай.

\* \* \*

Факирлик мартабаси мақоми аълотуур, ҳар кимга муяссар бўлмас!

\* \* \*

Факирни яхши кўрмак иймондинтуур, факирни хор тутмоқ куфртуур.

\* \* \*

Факирлик мартабаси ва ҳурмати етти қат осмондин ва етти қат ердин улуғрофтутур.

\* \* \*

Эй дарвеш, ҳар ким ғанийларни икром қилса дунёси учун, абадулабад Худойи таолонинг лаъ-

<sup>1</sup> Аркон – устунлар, таянчлар, асослар.

<sup>2</sup> Мужоҳада – саъӣ, ғайрат, жидду жаҳд, нафсни енгизиш йўлида курашиш.

<sup>3</sup> Мусаллам – тобе бўлган, таслим бўлган.

натига гирифтор бўлур ва агар фақирни хақир кўрса ва иҳонат қилса, Худойи таоло чандон азобға гирифтор қилғай. Бул феъл мўминларда бўлмас, магар мунофиқларда бўлғай.

\* \* \*

Агар сўфийға бу дунёning неъматини тамом берсалар, коғирларга ишорат қилса керак ва агар уқбо неъматини ва жаннатини тамом берсалар, мўминларга ишорат қилса керак, меҳнат ва ранжи-балони ўзига кўрса керак, сўфий агар хилватда бўлса, Ҳақ таолонинг зикри бирлан бўлса керак ва агар ҳалқ орасида бўлса, шарият амри бирла иш қилса керак.

\* \* \*

Сўфий ҳалол емакдин тавба қилса керак, илло<sup>1</sup>, бақадри зарурат то шубҳага тушмагай.

\* \* \*

Агар сўфий дунё неъматини тиласа, сўфий эмас ва агар дуо ва зор билан бало ва меҳнат қилса, сўфийтуур.

\* \* \*

Аҳли дунё баландни тилар ва аҳли уқбо пастликни тилар, хор-зорлиқни тилар.

<sup>1</sup> Илло – магар.



Агар сўфийга бало келса, оҳ-воҳ демас ва сабр қилур.



Агар сўфийнинг нафси неъмат орзу қилса, нафсини орзусини бермагай.



Агар сўфий оч бўлса ва бараҳна бўлса, хушнуд бўлғай ва сабрдин ўзгани ихтиёр қилмағай, хуштавозеълиқ бўлғай.



Ўқуб Қуръон, тиловат қилмағил тарк,  
Десанг, охирда бўлсун роҳати марг<sup>1</sup>.



Агар (сўфий) таом еса ва либос кийса, нияти ибодат бўлсун ва аҳли меҳнатдин ўзгани зикр қилмасун ва яна ихлос бирла бўлсун.



Сўфий ҳар кеча намози таҳажжудни<sup>2</sup> тарк қилмасун, хавфу ражо ичида бўлсун.

<sup>1</sup> *Марг* – ўлим, фано.

<sup>2</sup> *Таҳажжуд* – туни билан ухламай ибодат қилиш, бедорлик.

\* \* \*

Агар сүфий тоатини халқға зохир қилса, риё учун, әллик йиллик тоатини зарра таомга сотқай, Тангри азза ва жаллага шойиста<sup>1</sup> бўлмағай.

\* \* \*

Сўфий йўлиға ростлик бирлан қадам қўйса керак ва рост сўзласа керак, зероки, кўнгул тилга хабар берур.

\* \* \*

Яна сўфий нафсини куйдуруб, фано қилса керак, дунёдин сўзламаса керак, Ҳақ таолонинг ёди бирлан хушвақт бўлса керак ва яна сўфий паст бўлса, Ҳақ таолони тобқай, агар ўтқа бокса, Ҳақни кўргай ва агар сувга бокса, Ҳақни кўргай ва агар юқори бокса, Ҳақни кўргай ва агар қуи бокса, Ҳақни кўргай ва агар илгари бокса, Ҳақни кўргай ва агар ўлтурса, Ҳақни кўргай мушоҳада кўзи бирлан.

\* \* \*

Фақр бир дарёетурур, ул дарёни поёни йўқ.

\* \* \*

Кўнгил ранжитма, Оллоҳ кўнгил ранжитувчиларни севмас.

<sup>1</sup> Шойиста – лойик, мувофик, муносиб.

\* \* \*

Инсонлик осон эмас, манманликни қўй, адолатли, фаросатли, самимий ва ишончли бўл.

\* \* \*

Ибодат яхши жамият яратмоқ учундир.

\* \* \*

Ўқиши, фикрлаш ҳам ибодатдир.

\* \* \*

Мусулмон бўлмаса ҳам, бирорни ранжитма.

\* \* \*

Севгини, ҳурматни кундалик ҳаётга жорий қили.

\* \* \*

Душманингга яхшилил қил ва қилган яхшилигинги миннат қилма.

\* \* \*

Ўзинг муҳтоҷ бўлганингда бошқаларга ҳам бер.

\* \* \*

Маърифатсизнинг каромати ҳам бўлмайди.

\* \* \*

Кучли, устун бўлсанг ҳам, жанжалдан воз кеч. Фазабдор бўлганингда юмшоқ муомала кўрсат, хато қилма.

\* \* \*

Манманликдан воз кечмагунча тавозеъ эгаси бўлолмайсан. Мутавозиъ бўлмагунча Ҳақ йўлига киролмайсан. Ҳақ йўлида бўлмагунча нафсингни поклай олмайсан.

\* \* \*

Ўткинчи ҳаваслар, манманлик даъвоси ва худбинликни ташла – булар Ҳақ йўлининг тузоқлариdir.

\* \* \*

Инсоннинг энг катта заифлиги ўз қадрини билмаслиги, манманлик қилиб, яхшиларга аҳамият бермаслигидир.

\* \* \*

Ёлғон сўзлаганлар иймонсиз кетувчилардан бўлишади.

\* \* \*

Эранлар йўлидан юрмоқ истасанг, ҳалқ орасида камтарин бўл, жоҳилларнинг сухбатларидан ва улар билан ўтириб-туришдан сақлан.

\* \* \*

Тасаввуф сўзлашув эмас, сўзлашмаслик одобини ўргатади ва инсонни адабли қилиб тарбиялади.

\* \* \*

Фариб Аҳмад сўзи ҳаргиз қаримас,  
Агар ер остиға тушса, чуримас.

Яна мансух<sup>1</sup> бўлуб, ул хор бўлмас,  
Ўкуғон бандалар bemор бўлмас.

Эшиғонни қилурман анда шафқат,  
Жаҳонда кўрмагай бир зарра меҳнат.

Худойим қилса инъом менга жаннат,  
Ўкуғонни қилай анда шафоат.

\* \* \*

Мени ҳикматларим оламга тўлғон,  
Эшиғтмай ҳар кимса ўлса, қилғай армон.

Мени ҳикматларим дардликка дармон,  
Киши бўй элтмаса, ул йўлда қолғон.

Мени ҳикматларим оламда достон,  
Рухум келса, килур сухбатни бўстон.

Мени ҳикматларим кони ҳадисдур,  
Киши бўй элтмаса, билгил, хabisдур<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Мансух – бекор, эътиборсиз.

<sup>2</sup> Хабис – ёвуз, бузук, ифлос, нопок.

Мени ҳикматларим фармони Субхон,  
Үкуб билсанг, хама маънойи Куръон.

\* \* \*

Мени ҳикматларим шавқи мухаббат,  
Кўзини ёшига қилғай таҳорат.

\* \* \*

Мени ҳикматларим ошиқфа айтинг,  
Дили ойинадек содиқфа айтинг.

\* \* \*

Мени ҳикматларим нодон эшитмас,  
Дили, кўнгли қаро пандимни олмас.

\* \* \*

Мени ҳикматларим Ҳақни саноси,  
Мухаббат аҳлини дардин давоси.

Мени ҳикматларим қанду асалдур,  
Ҳамма сўзлар ичинда бебадалдур<sup>1</sup>.


\* \* \*

Эй бехабар, дунё ишин орқа солинг.

\* \* \*

Ишқ шиддати бошқа тушса, ошиқ билар,  
Бегоналар тошлиар отиб, анга кулар.

<sup>1</sup> Бебадал – тенгсиз, мислсиз.

**ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ**

\* \* \*

Бехабарлар умрин билмай елга сотар,  
Faфлат билан жаҳнамга кетар, дўстлар.

\* \* \*

Хақиқатнинг дарёсини хатари кўб.

\* \* \*

Юз-минг бало бошқа тушса ингранмагил.

\* \* \*

Дийдор кўрай деган ошиқ бедор бўлур.

\* \* \*

Ялғон ошиқ йўлга кирса, бари хато.

\* \* \*

Хожа қулин ҳаргиз зоеъ қўймас бўлур.

\* \* \*

Золим нафсим ҳеч қўймайин ўтқа солди.

\* \* \*

Хирсу ҳаво, нафс йўлини қўймоқ керак.

\* \* \*

Ориф улдур, тан мулкини вайрон қилур.

\* \* \*

Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса,  
Етти аъзо токат қилмай, ларzon бўлур.  
Ишқ дарёси вужуд ичра жўш айласа,  
Бехуд бўлиб, гирдоб ичра ҳайрон бўлур.

\* \* \*

Эр назари теккан киши мардон бўлур.

\* \* \*

Оқил эрсанг, тўғри йўлға қадам урғил,  
Мардонларни сухбатидин баҳра олғил.

\* \* \*

Ҳалқа ичра баҳил кирса, сухбат бўлмас.

\* \* \*

Қул Ҳожа Аҳмад, банда бўлсанг,  
сахий бўлғил,  
Сахий бўлуб, мискинларға таом бергил,  
Тонгла борсанг, жаннат ичра гуллар тергил,  
Валлоҳ, сахий Ҳак дийдорин кўрар эрмиш.

\* \* \*

Қул Ҳожа Аҳмад, нафсдин улуғ бало бўлмас,  
Еру кўқдин тўъма берсам, ҳаргиз тўймас,  
Туфроқ бўлуб, йўлда ётсанг коғир ўлмас,  
Нафси ўлган хуру филмон кучар эрмиш.

\* \* \*

Амал қилғон олимлар икки жаҳон чироги.

\* \* \*

Хожаман деб лоф урма, ушбу дунё бевафо,  
Ким яхшидур, ким ёмон – маълум  
бўлур чин куни<sup>1</sup>.

\* \* \*

Тоқ бўлдум деб қувонма, ушбу дунё ялғончи,  
Вайрон қилур бу ўлум подшоҳларни  
мулкини.

\* \* \*

Қаю толиб ҳикматимни тутса азиз,  
Қайда борса боши азиз, сўзи лазиз,  
Яхши сўзни фаҳм айламас ҳар бетамиз,  
Ул сабабдин доно излаб юрдум мано.

\* \* \*

Ҳар ножинсдин сўрсанг, билмас  
ишқ қадрини,  
Ишқ қадрини билганлардин сўрдим мано.

\* \* \*

Каззобларға шайтон берди риё далқин<sup>2</sup>,  
Риёлиқни сўзлар билан урдум мано.

<sup>1</sup> Чин куни – қиёмат куни.

<sup>2</sup> Далқ – дарвешларнинг жундан тикилган либоси, қаландарлар хиркаси.

\* \* \*

Ишқ сиррини номардларга айтиб бўлмас,  
Неча ёқсанг, бодлиқ<sup>1</sup> ерда чироқ ёнмас.

\* \* \*

Мундоғ мушкул бўлурму киши  
молин олғонға,  
Киши молин олғонлар нечук жавоб беродур?

\* \* \*

Бу дунёда ямоннинг ямонлиги юқодур.

\* \* \*

Шариатдин мурод аввал йўлға кирмоқ,  
Тарикатдин мурод аввал нафсдин кечмоқ,  
Ҳақиқатда азиз жонни фидо қилмоқ,  
Жондин кечмай, сир шаробин ичса бўлмас.

\* \* \*

Сўзи ялғон дунё учун амал қилғон,  
Дунё солмай, хол сиррини билса бўлмас.

\* \* \*

Бўлмай маъни маънавидин нафсни узмоқ,  
Фаввос бўлмай тафаккурга ботса бўлмас.

<sup>1</sup> Бодлиқ – шамол эсиб турган.

\* \* \*

Бу күнгил бўстонидур ажаб бўстон,  
Ичинда сайрашурлар ҳазордостон,  
Тегма бир шохи узра урлук алвон,  
Неъматлари пишгонини кўрар, дўстлар.

Зохир неъмат шукрин ғофил билмас,  
Ботин доғин қиёс билан айтиб бўлмас,  
Зохир кўзин ўртмиш ғафлат, боқиб кўрмас,  
Ботин кўзи очилса, кўрар дўстлар.

\* \* \*

Жонлар боши йўлладур, максуд эранлардадур,  
Эр сухбатин тиласанг, нафсни ўлтургондадур.

\* \* \*

Нафс ўйидур кибру кин, кибр ичида  
йўқдур дин,  
Ихлосизин келгонлар шак билан  
гумондадур,

\* \* \*

Манманлик қаттиқ тошдин: қўёр сани  
хақ ишдин,  
Ишқ билан манманликни тоштек  
ушоткондадур.

\* \* \*

Ҳалол билан ҳаромни, билгил, қайдин еюрсан,  
Ҳаром сочиб, ҳалолни ойриб ейтургондадур.

Эранлар бир лукмани кирк йилда  
пишурдилар,  
Емайин едурдилар, карам эранлардадур.

Ишқ ўтиға қуйгон ошиқ билмаң ўзин,  
Бехуш юрар, халойиқға айтмас сүзин,  
Ҳаққа бокар, дунё сари солмас кўзин.

Хайфи одам, ўз қадрини ўзи билмас,  
Манлик қилиб, яхшиларни кўзга илмас.

Ямондин қоч, яхшиларга бўлғил улфат.

Маънисига етган олур қанду асал.

Тили билан умматман деб ёлғон сўзлар,  
Халойиқға ваъзин айтиб, дунё излар,  
Киши молин олмоқ учун ҳар ён кўзлар,  
Даргоҳида Хожам қабул қиласмукин?

Хикмат ўқуб, ихлос қилиб йўлға киргон,  
Яхшиларни изин излаб дуо олғон,  
Булҳаваслар ошиқман деб йўлда қолғон,  
Даргоҳида Хожам қабул қиласмукин?



Жафо чекиб, меҳнат тортиб, күргил давлат.



Нафсинг учун сан ўзунгни ўтқа солма.



Хикмат айтиб, оят, ҳадис сўзин сўзла,  
Доноларға айғон сўзунг имо бўлсун.



Ишқ юкини ерга солсан, ер кўтармас,  
Дафтар қилсан, то тириксан битиб бўлмас.



Молу пулни парво қилмас ошиқ киши,  
Йўл устида туфрок бўлур азиз боши,  
Андин сўнгра нурға тўлур ичу тоши,  
Тонгла борса, маҳшар аро подшоҳ қилдим.



Хирсу хаво, такаббурдин кўнгил узгил.



Ишқсиз одам ҳайвон сифат, ҳайрон эрур,  
Боши котиб, ўзин билмай, сарсон эрур,  
Дунё излаб, кеча-кундуз гирён эрур,  
Дунё учун умрин елга сотар бўлғай.

\* \* \*

Мусулмонмиз дегайлар, ҳаром-хариш  
егайлар,  
Еمام деб ҳам тонғайлар, охирзамон белгуси.

Бир-бирига бокмаслар, меҳр-шафқат  
қилмаслар,  
Охиратни берибон дунё молин өлғуси.

\* \* \*

Дунё молин сўймагил, дунёни кўб йиғмагил,  
Ўлмасман деб аймагил, барча одам ўлгуси.

\* \* \*

Бу дунёда лаҳза фориғ бўлмоқ қайдо.

\* \* \*

Хақиқатлиғ бу дунёға майл қилмас.

\* \* \*

Дунё манинг мулкум деган султонларға,  
Оlam молин соңсиз йиғиб олғонларға,  
Айшу ишрат бирла машғул бўлғонларға,  
Ўлум келса, бири вафо қилмас эрмиш.

Мағрур бўлманг, эй дўстларим, ишрат этиб,  
Кеча-кундуз ялғон айтиб, беҳуд ётиб,  
Жон олғучи келур эрмиш бир кун етиб,  
Мундоғ ерда ўофил юрса бўлмас эрмиш.

\* \* \*

Чин ошиклар пинхон куяр, билмас киши,  
Күзларидин тинмай окар қонлуғ ёши.

\* \* \*

Расво бўлур қуруқ даъво қилғон киши.

\* \* \*

Ялғончига фаришталар айтур лаънат,  
Дўзах ичра қоттиқ азоб ваҳшати бор.

\* \* \*

Асиф қилмас йифон молинг боқиб кўрсанг,  
Ямонлар ўз жинси бирла сухбати бор.

\* \* \*

Бу дунё молини йиғди, вафосин  
кўрмади Қорун,  
Кириб ер остига Қорун, жаҳондин  
кетти армонлик.

\* \* \*

Кибру ҳаво, ҳавасларни ушота кўр,  
Йўлунгни адватдин бўшота кўр,  
Яхши сўзга қулоқ солиб, эшита кўр,  
Охиратни тарафига бўлур мойил.

\* \* \*

Ўз ишингни ўлмай туруб ўзунг битур,  
Хотиринго охиратни ишин кетур,  
Одам ўғли неча йиллар гўрда ётур,  
Кўруб-туруб бўйун сунмас анга жоҳил.

\* \* \*

Дунёликға охиратни сота кўрма.

\* \* \*

Фаввос баҳрида бўлдум, вужуд шахрини  
кеэдим,  
Дурни садафда<sup>1</sup> кўрдум, гавҳарни кон  
ичинда.

\* \* \*

Жонни кўрдум жононда, ишқни кўрдум  
майдонда,  
Ошиқларнинг майдони жумла бўстон  
ичинда.

\* \* \*

Эй дўстларим, орифлар холис сухбат этарлар,  
Ул сухбатда маърифат дурларини сочарлар.

Сухбат вақти ҳозир бўл, эранларға нозир бўл,  
Ул ҳолатда эранлар эрга назар килурлар.

\* \* \*

Ўзларининг муродин чин ошиқлар тиламас,  
Маъшуқининг муродин доим алар тиларлар.

<sup>1</sup> Садаф – ичидаги гавҳар етиладиган ҳукқа.

\* \* \*

Ишқиз одам ишқ қадрини билгон борму?

\* \* \*

Күп ошиқлар бу дунёдин ўтиб кетти,  
Гүристон манзилиға бориб ётти,  
Ахли иёл, хонумонни тошлаб отти,  
Ибрат олиб қизил юзи сұлғон борму?

\* \* \*

Ялғон ошиқ ноинсофтур мисли ҳубоб<sup>1</sup>.

\* \* \*

Мұхаббатсиз халойикдин доим қочқил.

\* \* \*

Ишқиз одам одам эрмас – Ҳақдин паём,  
Қайда күрсанг, ишқизларға қилманг салом,  
Сүз сўзласа, боқиб анга қилманг калом.

\* \* \*

Сўз тошда бўлса, ичда маза бўлмас,  
Ичи куруқ бўлса, анда маза бўлмас,  
Нечалар орзу қилиб, баҳра олмас,  
Даъвиға маъни олиб, юзланмас ул.

<sup>1</sup> Ҳубоб – сув юзида пайдо бўладиган пуфакча, кўпик. Бу сўз мавж билан биргаликда харакат, мохиятнинг зухуротини билдиради.



Эмгаксизин етмоқлиги эрмас осон,  
Нечук чинграр пишмагунча хуми хумдон,  
Бўлмоғунча бу йўл ичра мунглуғ ҳайрон,  
Қуруқ ўтун куймагунча кўзланмас ул.



Оллоҳ билур кимга роҳат, кимга азоб.



Ҳаким Ҳожа бандавор, эранлар изин қувар,  
Асиф қилмас мол-тавор, қўймоқ керак,  
дўстларим.



Ҳар ким қилса тариқатнинг даъвосини,  
Аввал бориб, шариатни билмоқ керак.  
Шариатнинг ишларини адo қилиб,  
Андин сўнгра бу даъвони қилмоқ керак.

Шариатсиз дам урмаслар тариқатда,  
Тариқатсиз дам урмаслар ҳақиқатда,  
Ҳақиқатсиз дам урмаслар маърифатда,  
Барчасини маърифатдин билмоқ керак.



Мұхаббатнинг дарёсиға чўммағунча  
Эй дўстларим, ишқ гавҳарин олса бўлмас,  
Тонг отқунча фарёд уруб, зор инграмай,  
Сарроф бўлмай, ишқ дардини билса бўлмас.

Ишқ дардини билган киши дунё тепар,  
Эранларнинг изин олиб, тинмой ўпар,  
Мухаббатнинг шавқи билан ёшин сепар,  
Ёши оқмай риёзатда сўлса бўлмас.

\* \* \*

Ихлос керак, аё толиб, ошиқ бўлсанг,  
Жондин кечиб, меҳнат тортиб содик бўлсанг.

\* \* \*

Маломатга, ихонатга тоқат керак.

\* \* \*

Бир кун санинг умрунг барги бўлгай хазон,  
Ажал келмай тавба қилғил, аё нодон.

\* \* \*

Ҳақиқатнинг йўлларининг уқбаси кўб,  
Ул йўлларға кўрмай-билмай бўлмас юруб,  
Юрган етар ул уқбага ҳиммат тутуб,  
Манзилларин билиб ани кўча билса.

\* \* \*

Жафо тортмай, меҳнат кўрмай роҳат йўқтур,  
Фоғиллар ҳасрат билан ўтармукин?

\* \* \*

Нафсни уруб, дил, қалъасин қилинг холи.

\* \* \*

Бехабарлар билмас сўзни бу фахмини.

\* \* \*

Олим улдур, тану жонга раҳбар турур,  
Жон олами ҳазратифа яқин турур,  
Мухаббатнинг шаробидин ичиб турур,  
Андоғ олим олим бўлур, дўстларимо.

\* \* \*

Зангор босқон кўнгул равшан бўлармукин?

\* \* \*

Олимлар амал қилмай пандин аюр,  
Дунё молин агар кўрса, суюнуб олур,  
Бидъат ишлар дунё ичра тўла бўлур.  
Қиёмат шиддатидин қўрқунг, дўстлар.

СУЛАЙМОН  
БОКИРГОНИЙ



## ХИКМАТ БОГИНИНГ БУЛБУЛИ

Туркий халқлар орасида Ҳаким ота номи билан шухрат қозонган Сулаймон Бокирғоний Хоразмнинг Бокирғон деган қасабасида<sup>1</sup> дунёга келган. Туғилган йили номаълум. 1186 йили устози Аҳмад Яссавийдан йигирма йил кейин вафот этган. Яссавия мактабининг энг забардаст ва энг машхур намояндаси бўлган бу буюк ватандошимиз «тариқатда ҳам, шеъриятда ҳам Аҳмад Яссавий анъаналарининг давомчиси бўлган. У Яссавийнинг учинчи халифаси... Бокирғонийнинг дин ва тасаввуф, ишқ ва ахлоқдан сабоқ берувчи ҳикматлари Туркистон халқлари орасида кенг тарқалиб, севиб ўқилган»<sup>2</sup>.

Алишер Навоий «Насойим ул-мухабbat» тазкирасида ёзади: «Оти Сулаймондур ва Ҳожа Аҳмад Яссавий қаддасаллоҳу сиррахунинг муриди дур. Ҳамоноки, бир кун Ҳожа табхе<sup>3</sup> буюрғондурларки, матбахий<sup>4</sup> ўтун етмайдур,

<sup>1</sup> Қасаба – катта қишлоқ, шаҳарча.

<sup>2</sup> Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланниши ва тараккиёти. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1995. 30-бет.

<sup>3</sup> Табх – таом тайёрлаш.

<sup>4</sup> Матбахий – ошпаз.

деб келгандур. Алар асхобға дегандурларки, ёзидин<sup>1</sup> ўтун териб келтурунг! Ва ул замон ёғин ёғадур экандур. Асхобким, ўтун терибдурлар, алар хизматиға келгунча ёғин жиҳатидан ўтунлар хўл бўлғондур. Ҳаким ато терган ўтунларини тўниға чирмаб, қурук келтургандур. Хожа Ҳазратлари дегандурларки, эй фарзанд, ҳакимона иш қилдинг ва аларға бу лақаб ондин қолғондур. Ва Ҳаким атоға ҳикмат тили гүё бўлубдур. Андоқки, онинг фавоиди<sup>2</sup> атрок<sup>3</sup> оросида машҳурдур»<sup>4</sup>.

Сулаймон Бокирғоний таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда оз. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат», Али Сафийнинг «Рашаҳот», Муфти Зинда Алининг «Самарот ул-машойих» тазкиралари, шунингдек, номаълум муаллифлар томонидан ёзилган ва XIX асрда тил ўзгаришларига учраб бизгача етиб келган «Ҳаким ота рисоласи» шайх-шоир тўғрисида бир қатор маълумотлар беради.

«Рашаҳот»да келтирилишича, Сулаймон Бокирғоний: «Турк машойихларининг улуғларидан туурулар ва ҳикматлареким, олар туркий тили била дарвешларнинг муюмилаларида ойтибдурлар, Туркистонда маъруф<sup>5</sup> ва машҳуртуур.

<sup>1</sup> Ёзи – сахро, дашт, чўл.

<sup>2</sup> Фавоид – фойдалар.

<sup>3</sup> Атрок – турклар.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. – Тошкент: «Фан», 2001. 420-бет.

<sup>5</sup> Маъруф – маълум, таникли.

ниёз қилиб, никоҳлаб беради. Улар уч ўғил кўришади: Муҳаммад Хожа, Афсар Хожа, Ҳубби Хожа. Фарзандлари орасида Ҳубби Хожа машҳур бўлиб, унинг ҳаёти афсона-ривоятларга йўғрилган.

Ривоят қилишларича, Ҳаким ота машҳур аллома, забардаст тилшунос ва муфассир Маҳмуд Замахшарий билан бир даврда яшаган, ҳатто ўғилларини унга шогирдликка берган. Яна у Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг тушига кириб, уни яссавия шайхларидан Халил ота тарбиясига йўллади.

Хотини ёш бўлгани учун Ҳаким ота ўлимидан олдин уни Занги отага никоҳлаб беришни ўғилларига васият қилган. «Занги ота унинг энг забардаст муридларидан бўлиб, у Ўрта Осиё чўлларида номлари машҳур тўрт халифа етиштирган: Узун Ҳасан ота, Сайийд ота, Садр ота (Садриддин Муҳаммад) ва Бадр ота (Бадриддин Муҳаммад)»<sup>1</sup>. Туркистон халқлари орасида Ҳаким ота, Анбар она ва Занги ота муносабатларига доир ривоятлар машҳур.

Ҳаким ота халқ ўртасида аввало йирик дин арбоби, кароматлик авлиё сифатида машҳур. Қабри Оқкўрғон (Оқ қалъа) деган жойда бўлиб, муқаддас зиёратгоҳлардан ҳисобланади.

Абдурауф Фитрат Яссавий ва яссавийлик тарикати туркий халқлар орасида кўплаб хик-

<sup>1</sup> Муҳаммад Шакар. Аҳмад Яссавий ва унинг тасаввифий карашлари // Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, ижоди ва анъаналари. 81-бет.

матнавис шоирларнинг дунёга келишига сабаб бўлганлиги, туркий адабиётга кучли таъсир кўрсатганлигини таъкидлайди. Айни пайтда, «Тазкират ул-авлиё»ларнинг ҳеч бири Аҳмад Яссавийдан бирор сатр ҳикмат келтирганинг ҳолда, ҳаммалари Сулаймон Боқирғонийнинг қўп ҳикматлари борлигини маълум қиладилар, дейди<sup>1</sup>. Шайх-шоирнинг исломий рух, тасаввуф ғоялари билан суғорилган ҳикматлари асрлар давомида туркий халқлар яшайдиган ҳудудларда машҳур бўлган. У Кул Сулаймон, Ҳаким Сулаймон, Ҳаким ота тахаллуслари билан сўфиёна шеърлар, манзумалар яратган. Бу ҳикматлар «Боқирғон китоби» номи остида литография йули билан Қозонда бир неча марта нашр этилган. Унинг Қозон нашри асосида тайёрланган нусхаси 1991 йили Ўзбекистонда таникли олимлар Иброҳим Ҳаққул ва Сайфиддин Рафиддинлар томонидан кириш сўзи ва изоҳлар билан чоп қилинди<sup>2</sup>. Ундан Сулаймон Боқирғонийнинг 27 шеъри, 7 ҳикмати, Имоми Аъзам тўғрисидаги бир шеърий ривояти, Исмоил алайҳиссалом ва Биби Марям хақидаги икки шеърий қиссаси, Меърежномаси ва Охирзамон мухаммаси ўрин олган. Абул Бозоров ва Тожи Қораевлар Туркистондан топиб, нашрга

<sup>1</sup> Қаранг: *Абдурауф Фитрат*. Танланган асарлар. 2-жилд. 32–33-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: *Сулаймон Боқирғоний*. Боқирғон китоби (Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳ муаллифлари И. Ҳаққул, С. Рафиддин). – Тошкент, 1991.

тайёрлаган «Хикматлар куллиёти»да эса шайх-шоирнинг 110 та хикмати келтирилган<sup>1</sup>.

Сулаймон Боқирғоний ижоди, бир бутун олганда, ислом тарғиби ва тасаввуф ташвиқига бағишиланган. У ўз пири ва устози Аҳмад Яссавий анъаналарини давом эттириб, хикматларида кишиларни Ҳак йўлига даъват қиласи, шеърий усулда асосий исломий тушунчалар ва қоидалар хусусида маълумот беради, машхур диний қиссаларни назм риштасига тизади, Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг асҳобини, Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Иброҳим Адҳам, Жунайд Бағдодий, Шайх Шиблий, Аҳмад Яссавий каби машхур тасаввуф арбобларини улуғлаб, шеърлар, байтлар битади, илоҳий ишқни ҳасослик билан тараннум этади, назм воситасида тарикат талабларини тушунтиради, инсоний камолот йўлида тўсик бўлган дунё ва нафси танқид қиласи. Фалсафий фикр-мушоҳадалар, панд-насиҳат ҳам шайх-шоир хикматларининг қат-қатига сингиб кетган. У ўз фикрларини гўзал ва таъсирчан шаклда етказиш учун бадиий тасвир воситаларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Масалан, рух ва нафси ўзаро баҳс-мунозараага киритиб, улардан бирининг афзаллигию иккинчисининг тубанлигини юксак бадиий шаклда очиб беради:

*Нафсим айтур: бу беш кунлик тирикликда  
Бу дунёда боғу бўстон этойин дер.*

<sup>1</sup> Аҳмад Яссавий. Сулаймон Боқирғоний. Хикматлар куллиёти. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2011, 333–448-бетлар.

Ул бўстонларга солну-солну<sup>1</sup> кирибон  
Текма<sup>2</sup> ёзда турлук мева тотойин дер.

Руҳим айтур: кошки Ҳақдин тавфиқ бўлса,  
Туни-куни тинмайин ёдин айтсам,  
Қисматимдан ортуқ таом емас бўлсан,  
Бу дунёни йигиб-териб нетойин дер.

Бу мумтоз адабиётдаги мунозара жанри хусусиятларини эсга солади.

«Манамма<sup>3</sup> кўнглум ичра мунгларим бор», – дейди шайх-шоир бир шеърида. Бу – шоирона мисра, бу – ботин сўзи: руҳ азоби, виждон қийноқларига ошно қалб эътирофи:

*Маъсият қилмишимга пушаймоним бор,  
Иблисима малъун турар душманим бор,  
Йиглаюрман, инграюрман туну кун зор,  
Манамма кўнглум ичра мунгларим бор.*

Ёки мана бу шоирона мисраларни кўринг:

*Сирим сирга уланди, кўнглум Аршга йўлланди.  
Ишқ қиличи бойланди дарвешларнинг ичинда.*

Бу мисралар Сулаймон Боқирғонийнинг йирик тариқат пири бўлибгина қолмай, юксак шеърий салоҳият соҳиби ҳам эканлигидан далолат беради.

Сулаймон Боқирғоний ўз фикрларини халқона мақол-матал, ҳикматли сўзлар, ташбехлар

<sup>1</sup> Солну-солну – солланиб-солланиб юриш, хиром этиш.

<sup>2</sup> Текма – ҳар бир, ҳар қайси.

<sup>3</sup> Манамма – менинг ҳам.

воситасида баён этади. Чунончи, қуйидаги түртликка мاشаққат чекмаган мақсадға етмайды, ранж чекмаган ганжни құлға киритмас қабилидаги халқ мақоллари маҳорат билан сингдириб юборилган:

*Құллиқсиз бүлмасдир экан дийдор,  
Эмгаксиз эр муродига қачон етор?  
Гаввос кириб уммонга, гавҳар тобор,  
Ранжсиз ганж истабон тобқон борму?*

Халқона тимсол-ташбекхларга бойлиги учун бу ҳикматлар ҳам содда-тушунарлы, ҳам гүзәлжозибали, ҳам күнгилга яқин, таъсирчан:

*Сүхбатлик орифларга жоним бериб,  
Сүхбатсиз нодонлардан қочеүм келур.*

Бу ҳикматларнинг асрлар давомида халқ тилидан түшмай келишининг сабаби ҳам улар тилининг жонли сўзлашув нутқига яқинлигига, услубининг енгил ва равонлигига, тимсолу ташбекхларнинг кундалик хаётдан олинганлигига:

*Кимга вафо қилди бу фоний дүнё,  
Бизга, тақи сизга вафо қилғуси йўқ.*

Ёки:

*Айтмагил, қари үлар, йигит үлмас,  
Кўб, телим йигитлар қари бўлмас.  
Вақти етса, дам олғали замон бермас,  
Йигитлик үлуминдин қўрқмасмусан?*

Умар Хайём рубоийларидан бирида деган эдики, олган нафасимни қайтариб чиқара олишга ҳам эътимодим йўқ. Файласуф шоир бу билан ўлимни эслаб, хамиша эзилиб юришни эмас, балки ҳеч қачон ўлмайдиган, дунёга устун бўладигандай керилиб, кибру ҳавога берилиб юришни танқид қиляпти, холос. Ахир, минг йил яшаган Одам алайҳиссалом ҳам, 950 йил умр кўрган Нух пайғамбар ҳам охир-оқибат ўлган.

Яссавий билан Боқирғоний ва умуман ҳикмат ёзган барча шоирлар ислом асослари ва тасаввуф фояларини шеърий йўл билан омма онгига сингдирғанлар, ҳалқ қалбига таъсир қилганлар. Чунки шеърий усул фикрни осон ва таъсирчан етказиш ва қабул қилиш имкониятини яратади. Боқирғоний ҳам ўз ҳикматлари орқали ислом асосларини ҳалқка содда ва таъсирчан усулда тушунтиради:

*Бу дунёни берди бизга кўрмоқ учун,  
Томуқни Ҳақ яратди қўрқмоқ учун,  
Тоатни рўзи қилди учмоқ учун,  
Тоат қилиб, учмоқ мулкин олмасмусан?*

«Охирзамон мухаммаси»да жамиятнинг айнишини қиёмат белгиларининг намоён бўлишига ўхшатади:

*Замона охир бўлса, налар бўлгай?  
Дунёга турлук-турлук бало тўлгай,  
Олимлар чогир<sup>1</sup> ичиб, зино қилгай,  
Ондин ортуқ тақи ажаб донглари вор.*

<sup>1</sup> Чогир – май, ичкилик, шароб.

Сулаймон Боқирғоний шеърларидағи «Зикр – жоннинг роҳати», «шавқ шароби», «Мансур янглиғ», «Жондин кечмай иш битмас» каби иборалар Аҳмад Яссавий ҳикматларини эсга солади. Чунки у устози анъаналаринигина эмас, унинг ғоя ва фикрларини ҳам давом эттирган. Устоз-шогирд ижодидаги мавзулар ўхшашлиги, фикрий муштаракликлар бунинг ёрқин исботи. Машхур турк олими Фуод Кўпрулузода бу ғоявий-бадиий уйғунлик «яссавийликнинг хусусий одоби» эканлигини таъкидлайди.

Иброҳим Ҳаққул эса бу фикрни янада тўлдиради ва ривожлантиради: «Аҳмад Яссавийда бўлганидек, Боқирғонийнинг ҳам ҳикматнависликдаги илҳом манбаи диний-тасаввифий туйғу ва тушунчалардир. Устозига ўхшаб, Боқирғоний ҳам «касби фикр ила ҳосил бўлган маъни»лардан эмас, балки «кашфи Ҳақ ила» ҳосил бўлган илоҳий туйғулар ва маънилардан сатрлар яратади. Бу эса Аҳмад Яссавий ва Боқирғоний ижод тажрибаларидағи умумий яқинлик, гоҳо ўхшашикка сабаб бўлган»<sup>1</sup>.

Ҳикматларидан бирида шайх-шоир «Кул Сулаймон гавҳар янглиғ ҳикмат тузди», – деган эди. Чиндан ҳам, бу ҳикматларнинг ҳар бири бир гавҳар янглиғ. Машхур аллома Ҳусайн Воиз Кошифий бежиз Сулаймон Боқирғоний хусусида: «Дарвешлар аҳволидин туркий тилда калимоти ҳикматомуз ва латойифи ибра-

<sup>1</sup> Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: «Маънавият», 1998. 41-бет.

тангизлари Туркистон вилоятида маъруф ва машҳурдур ва аларнинг фавоиди анфоси қудсийларидиндур», — деб лутф этмаган эди. Бу ҳикматлар кишиларни ёмон ишлар, ношойиста одатлардан қўл тортиш, фазилатлар касб этиб, камолот йўлидан юришга даъват қиласи.

*Эргаш ОЧИЛОВ*



## ҲИКМАТЛАР

Хар ким кўрсанг, Хизр бил,  
Хар тун кўрсанг, Қадр бил.

\* \* \*

Барча – яхши, биз – ёмон,  
Барча – буғдой, биз – сомон.

\* \* \*

Тики турғон тўбадур,  
Борғонларни ютадур.  
Борғонлар келмас бўлди,  
Магар манзил андадур.

\* \* \*

Бу ишқ гар бўлмаса, мен нетгай эрдим,  
Қамуғ оҳим маним ишқим қилодур.

\* \* \*

Ошиқдин сўрмангиз дунёву уқбо,  
Ошиқ маъшук учун ҳар дам ўлодир.  
Ошиқни куйдурур ишқ ўти,  
Ошиқлар ишқ ўтиға мубталодур.

\* \* \*

Манинг сан боқмагил бу суратимга,  
Юрогим қон бўлуб, бағрим сўлодур.  
Ойирди ишқ мани элу хешимдин<sup>1</sup>,  
Кўзум ёши оқиб, менгзим<sup>2</sup> сўлодур.

\* \* \*

Мўмин қуллар инграю Ҳақ ёдини қўёрму?  
Тун-кун Раббим саносин айтиб, ҳаргиз тўёрму?

\* \* \*

Намруд ўти Халилга ҳаргиз зиён қилмади,  
Оллоҳ деган бандалар дўзах ичра куёрму?

\* \* \*

Асҳоби Каҳф итини Ҳақ таоло қўймади,  
Оллоҳ деган қулини ҳаргиз навмид қўёрму?

\* \* \*

Зикр – жоннингроҳати.

\* \* \*

Ҳар ким тиласа дийдор, ошиқ бўлуб юрар зор,  
Ёдин айтуюр бедор сахар вақти бўлғонда.

\* \* \*

<sup>1</sup> *Xew* – қариндош-уруг, яқинлар.

<sup>2</sup> *Менгзим* (*Менгизим*) – юзим, чехрам.

Тубсиз денгиздир ботиф мухаббатнинг дарёси.

\* \* \*

Керак бўлса гавҳардир, жондин кечиб, қадам ур,  
Жондин қўрқсанг, йироқ тур, ҳозирдир  
вакт эгоси.

\* \* \*

Бўлма дунё завқина, бўлғил  
Хақнинг шавқина.

\* \* \*

Бу дунёдин ким кечгай, арода  
ишқ бўлмаса,  
Учмоқ қапуғин ким очқай, арода  
ишқ бўлмаса.

Рухинг изза<sup>1</sup> олинмас, жонинг мазза бўлинмас,  
Кибру нифоқ аринмас, арода ишқ бўлмаса.

Дунёни тарк қилибон, иззу жохни<sup>2</sup> солибон,  
Ким тирилгай ўлубон арода ишқ бўлмаса.

Дору дармон бўлинмас, ўзи ўтдин юлинмас,  
Фасод ишдин арилмас, арода ишқ бўлмаса.

Тақво бирла тирилмас, зоҳид ўзин қорилмас,  
Куфру иймон билинмас, арода ишқ бўлмаса.

<sup>1</sup> Иzza – иззат.

<sup>2</sup> Иззу жоҳ – иззат ва мартаба.

Олимлар жохил бўлур, имом қироат янглур<sup>1</sup>,  
Масжидга худ<sup>2</sup> ким келур, арода  
ишқ бўлмаса.

Сўфий савмаъдин<sup>3</sup> чиқар, обид  
масжидни йиқар,  
Минбарни ўтға ёқар, арода ишқ бўлмаса.

Минг йил ибодат қилсанг, тоат  
ичинда қолсанг,  
Маҳолдур Ҳақни билсанг, арода  
ишқ бўлмаса.

Тасбехинг зуннор<sup>4</sup> бўлур, сажжоданг  
мурдор бўлур,  
Барчаси ағёр<sup>5</sup> бўлур, арода ишқ бўлмаса.

Одам келмагай эрди, мурсал<sup>6</sup> туфмагай эрди,  
Рахмат инмагай эрди арода ишқ бўлмаса.

Нодонларнинг нишони – билмаслар ишқ  
нашъани,  
Курулмасди дўкони, арода ишқ бўлмаса.

<sup>1</sup> Янглур – янгишур.

<sup>2</sup> Худ – ўзи.

<sup>3</sup> Савмаъ – насронийлар ибодатхонаси.

<sup>4</sup> Зуннор – насронийлар белига боғлайдиган чилвир.  
Ислом мамлакатларида ғайримусулмонлар ҳам зуннор  
боғлаб юришига мажбур эдилар.

<sup>5</sup> Ағёр – бегоналар, душманлар.

<sup>6</sup> Мурсал – элчи, расул.

Ишқ очар ич кўзингни, Ҳаким,  
онгла сўзингни,  
Текурмассан ўзингни, арода ишқ бўлмаса.

\* \* \*

Ҳақнинг сирри-асори дарвешларнинг  
ичинда.  
Суратлари мундадир, сийратлари андадир.

\* \* \*

Менинг хор бўлмишим ўз фафлатимдин.

\* \* \*

На хуш бу дунёда иймону Куръон,  
Не бўлғай дунёда иймондин ортуқ.

\* \* \*

Хожат эрмас бу дунёни мунча йифмоқ,  
Бу хасис дунё учун мунча елмоқ.  
Бир кун кўчиб борсану<sup>1</sup>, қўюб бормак,  
Қўюб бормақ ҳасратини сонмасмусан?<sup>2</sup>

\* \* \*

Айтмагил, қари ўлар, йигит ўлмас,  
Кўб телим йигитлар қари бўлмас.  
Вакти етса, дам олгали<sup>3</sup> замон бермас,  
Йигитлик ўлуминдин қўрқмасмусан?

<sup>1</sup> Борсану – борасану.

<sup>2</sup> Сонмоқ – бу ерда: ўйламок.

<sup>3</sup> Дам олгали – нафас олгали.

Келинг, дүстлар, бу дунёда сабр қилинг,  
Худо берган неъматларга шукр қилинг.

Кимга вафо қилди бу фоний дунё,  
Бизга, тақи сизга вафо қилғуси йўқ.

Охират озуки – рўза, намоз,  
Рўза тутмаз, намоз қилмас мўмин эрмас.

Ложарам<sup>1</sup>, қиёмат куни ул бенамоз  
Минг кун йиғлаб, бир кун севнуб,  
кулгуси йўқ.

Неча минг йил тирик елсанг, охир ўлгунг,  
Тўрт оёқлиғ жинозага<sup>2</sup> миниб елгунг.  
Бу ёлғуз ер қўйнига бир кун киргунг,  
Хеч ким эрса мунда боқи(й) қолғучи йўқ.

Ким мунда боқи(й) қолди, айғил манго,  
Биздима, борғулари жумла анго.  
Азроил жон олғали келса манго,  
Дунё молин ўринж берсанг, олғучи йўқ.

<sup>1</sup> Ложарам – албатта, шубҳасиз.

<sup>2</sup> Жиноза – тобут, ёғоч от.

\* \* \*

Сафо керак ботин ичра зокир қулға,  
 Яромас ҳийла, тазвир ушбу йўлға,  
 Эътимод қилса бўлмас қолу қилға,  
 Колни солиб, холи тобо<sup>1</sup> бормиш керак.

\* \* \*

Ўчур зикр нури бирла томук норин,  
 Тавба қилиб, нафс якосин қопмиш<sup>2</sup> керак.

\* \* \*

Ҳақ зикрини ҳузур бирла аймиш керак.

\* \* \*

Шайхман, деб устун ўран ўтурмагил,  
 Мағрур бўлиб, дининг нафсга сан бермагил,  
 Ўзингни халқдин ортуқ ҳам кўрмагил,  
 Улуғлиқни Ҳақға сазо кўрмиш керак.

\* \* \*

Инномагил дунё ичра қотлан<sup>3</sup> куни,  
 Килурлар то ҳазратда қабул сани,  
 Кўтаргил бошингдин бу кибру мани,  
 Қадамни росту «ман»ни куни урмак керак.

<sup>1</sup> Тобо – топиб.

<sup>2</sup> Қопмоқ – тишиламоқ, йиртмок.

<sup>3</sup> Қотланмоқ – харакат килмоқ, тиришмоқ.

\* \* \*

Манманликни ўзинга эзгу сонма.

\* \* \*


Ё Раббано, сен кечургил ман осийнинг  
гуноҳини,  
Ёрлақю бергил манго охиратнинг паноҳини.

На иш килдим – ямон килдим, алим сундим –  
ҳаром олдим,  
Даргоҳингга сифнуб келдим йиғлотиб  
кўз қароқимни.

Ямонлиғим ҳаддин ошти, маъсиятим  
тӯлди, тошди,  
Мискинлиғим мандин қочти, миндим  
манлик буроқимни.

Манлик отиға миндим ўзим, номаҳрамға  
боқди кўзим,  
Даргоҳингга ўтлуғ юзим, ўчриб  
иймон чироғини.

Қаю қулға бўлса иймон, кетар ондин  
фафлат, тумон,  
Колмас кўнгулда шак, гумон, очарлар  
сир қулоқини.

**ТАФАККУР ТУХФАЛАРИ**

Мизож ўзинг сонға қотғил<sup>1</sup>, тоат ўқин  
тугал отлиғ,  
Иблис айтур: қилма тоат, ман айтурман:  
маозаллоҳ!

Оллоҳ десанг, жонға роҳат, ани тутсанг,  
хуш саодат,  
Иблис айтур: қилма тоат, ман айтурман:  
маозаллоҳ!

Кул Сулаймон манинг отим, дўстларимға  
ўзим ходим,  
Иблис айтур: дунё қадим, ман айтурман:  
маозаллоҳ!

\* \* \*

Жондин кечмай иш битмас, нафси  
амморатима<sup>2</sup>,  
Куруғ даъви суд этмас, ёлғон кўнгул  
берсам ман.

\* \* \*

Даъви телим – сони йўқ, ишқсизиннинг  
жони йўқ,  
Дардсизларга даво йўқ – табибидин  
сўрсам ман.

---

<sup>1</sup> Мизож ўзинг сонға қотғил – ўзингни сафга қўш.

<sup>2</sup> *Нафси аммора* – ёмонликка ундовчи нафс.

\* \* \*

Нафсим айтур: бу беш кунлик тириклика  
Бу дунёда боғу бўстон этойин дер.  
Ул бўстонларға солну-солну кирибон  
Текма ёзда турлук мева тотойин дер.

Рухим айтур: шариатнинг илмин билиб,  
Илм бирла тариқатнинг йўлин билиб,  
Сахар вақтинда ўёғлиқни<sup>1</sup> одат қилиб,  
Ўн беш ёшдин қолмиш намоз ўтойин дер.

Нафсим айтур: бу дунёнинг мулкин бўлсам,  
Хитой, Қирғиз, Қипчоқ, Ҳиндистонни олсам,  
Оғибон Чин<sup>2</sup>, олтун, кумуш танлик қилсам,  
Бахт этса, бир ганж тузиб етойин дер.

Рухим айтур: дин ишин яхши қилиб,  
Эзгу, ёвуз – жумласини Рабдин билиб,  
Тунлар бўлса, тоат бирла ўро туриб,  
Кундуз бўлса, савму<sup>3</sup> салот<sup>4</sup> ўтойин дер.

Нафсим айтур: яхши билинг касбим ишин,  
На қилурман емак-ичмак ёзу қишин,  
Текма бир эр кишиларнинг қўрсам ишин,  
Ҳалол-ҳаром емишингни ютойин дер.

<sup>1</sup> Уёғлиқ – уйғоқлик.

<sup>2</sup> Чин – Хитой.

<sup>3</sup> Савм – рўза.

<sup>4</sup> Салот – намоз, ибодат.

Рухим айтур: кошки Ҳақдин тавфик бұлсам,  
Туни-куни тинмайин Ҳақ ёдин айтсан,  
Қисматимдин ортуқ таом емас бұлсам,  
Бу дунёни йиғиб-териб нетойин дер.

Нафсим айтур: катон<sup>1</sup> кийгил ёйлиқінгда<sup>2</sup>,  
Тулки қорсоқ ачуқ кийгил қишиқінгда,  
Осий, жоғий бухурмасак ўқиңамда,  
Бу дунёда улуғ отни отойин дер.

Рухим айтур: кечмиш ишга надам<sup>3</sup> еюбон,  
Тавба сүйи бирла ёзук кириң ююбон,  
Мұхаббат камарин белга боғлаюбон,  
Бу дунёға талоқ беріб кетойин дер.

Нафсим айтур: садр<sup>4</sup> ёнинда ўлтуруубон,  
Турлук-турлук неъматларни келтуруубон,  
Ейиб-ичиб, тун-кун қорин тұлдуруубон,  
Ёстуқ узра такя қилиб ётойин дер.

Рухим айтур: туни-куни қатланубон,  
Ҳақ Мавлим ризосини тилаюбон,  
Құл Сулаймон ишқ отиға отланубон  
Узок-кечмиш эранларға етойин дер.

<sup>1</sup> Катон – канопдан тұқылған мато, кийимлик.

<sup>2</sup> Ёй – ёз.

<sup>3</sup> Надам – пушаймон, ҳасрат, афсус.

<sup>4</sup> Садр – 1) сардор, пешво; 2) юкори, баланд, тұр.

\* \* \*

Сахарда уйғонубон зикр айғил,  
Үлумни фикр этибон күнгүл тирғил,  
Коронғи гүринг ичра чароғ этгил,  
Чироғинг намозтурур, қилмасмусан?

Туни-куни тинмайин қуллиқ қилғил,  
Ёторинг тор лаҳаддур, яхши билғил,  
Боруриңг узок йўлдур – озуқ олғил,  
Озуқинг закоттурур, бермасмусан?

Молу тавор, ўғил-қизинг қолғуси йўқ,  
Ўғул-қизинг ёзуқингга киргуси йўқ,  
Бу жумла санинг бирла борғуси йўқ,  
Сан тақи ёлғузлиқинг билмасмусан?

Ногаҳон бу дунёдин кечмак керак,  
Тақдир қилғон ул шаробдин ичмак керак,  
Ажал келса, азиз жондин кечмак керак,  
Муни билиб, ўзинг ўтдин юлмасмусан?

Туни-куни тинмайин тоат қилғил,  
Мўмин эрсанг, масжид тобо қадам қўйғил,  
Иймоннинг нури санда – шукр қилғил,  
Қул бўлуб, Ҳақға қуллиқ қилмасмусан?

Бу дунёни берди бизга кўрмак учун,  
Томуқни Ҳак яратди қўрқмоқ учун,  
Тоатни рўзи қилди учмоқ учун,  
Тоат қилиб, учмоқ мулкин олмасмусан?

Эранлар юурлар туну кун зор,  
 Зор бүлғон қулға Ҳақнинг назари бор,  
 Эранлар талаб бирла бўлди бедор,  
 Ул эранлар этогини тутмасмусан?

Кул Сулаймон, эранларга хизмат қилғил,  
 Куловузни олубон йўлға кирғил,  
 Ниёзингни бениёзга<sup>1</sup> арз қилғил,  
 Ҳақ яратди – Ҳақға қуллик қилмасмусан?!

\* \* \*

Билинг, дўстлар, неча кечди, неча қолди,  
 На бўлғусин, не келгусин билган борму?  
 Мунда қилғон ишлар анда сўралғуси,  
 Сўралмайин кутулубон қолғон борму?

Сўралмағай агар бўлса эзгу амал,  
 Қилмиш амал жумламизга ҳирси амал,  
 Кеча-кундуз хозир туриңг – келур ажал,  
 Ажал келур тебон яроғ қилғон борму?

Кулликсиз бўлмасдир экан дийдор,  
 Эмгаксиз эр муродига қачон етор?  
 Favvos кируб уммонға гавҳар тобор,  
 Ранжсиз ганж истаюбон тобқон борму?

Кутқарғу ўзни мунда қуллик бирлан,  
 Кирмагу томук ичра манлик бирлан,  
 Қуллик қилғу мавли санга эрлик бирлан,  
 Қулликсиз ўзни ўтдин юлғон борму?

<sup>1</sup> Бениёз – Худо.

Яроғ қилғу ҳамду сано, шаҳодатни,  
 Одат қилғу қуллиғида қиёфатни,  
 Бир кун мингу ул жиноза отлиғ отни,  
 Ўшал отға ҳеч минмайин қолғон борму?

\* \* \*

Билур бўлсанг, ганж турур ер вайрон турур.

\* \* \*

Мунгланиб ниёз бирла сахар вакти  
 Йиғлаюон кўзда ёшим сочғум келур.  
 Таваккул қиличин иликка олиб,  
 Нафсу ҳаво, раъй<sup>1</sup> бошин чобғум келур.

Оллоҳ дебон шайтоннинг заҳрин ёруб,  
 Ўзумни Ҳақнинг ёди бирла ариб<sup>2</sup>,  
 Сухбатлик орифларга жоним беруб,  
 Сухбатсиз нодонлардин қочғум келур.

Мунда тавба қилубон нафсдин ёниб,  
 Ҳавони ташлаб, они ўздин кечуб,  
 Ушбу ишқ шаробиндин эмди ичиб,  
 Мунда адам бўлуб, онда еткум келур.

Аввал-охир, зоҳир-ботин илмин ўқуб,  
 Тажаллий<sup>3</sup> нури тегиб, эриб, оқиб,

<sup>1</sup> Раъй – ўй, фикр, андиша, тадбир.

<sup>2</sup> Аримоқ – покламок.

<sup>3</sup> Тажалли (й) – жилваланиш, намоён бўлиш. Ҳаққа етган кўнгилда зуҳур этадиган нур ва сирлар.

Мұхаббат мадҳин жоқиб, әриб, оқиб,  
Дүстларим, зохир-ботин санғум келур.

\* \* \*

Кирдим ман тариқатнинг бозориға,  
Баҳосиз раҳтларни олса бўлмас,  
Кийдим ман ишқ тўнини бўйға лойик  
Ва лекин қийматини билса бўлмас.

Муродим бор – ул бозорда қилсан сотиф,  
Таним, жоним, бор вужудим қўйсан тутуғ,  
Неча дамо душвор эрса, иши қаттиғ,  
Сотифини қилмағунча ёнса бўлмас.

Ул бозорда дўконлари, бил, иродат,  
Мояси<sup>1</sup> маърифат бирла қилғу сухбат,  
Даллоли – эътиқод бирла хизмат,  
Йўқ эрса, сотуғини қилса бўлмас.

Шариат бозоринда таҳсил керак,  
Тариқат бозоринда тақсир<sup>2</sup> керак,  
Ҳақиқат бозоринда асир керак,  
Оlam йиғлаб, Ҳақ асирин билса бўлмас.

Мұхаббат шарбатиндин ичган ошиқ,  
Бу дунё ҳавасиндин кечган ошиқ,  
Даъвоси ҳазратинда<sup>3</sup> бўлса лойик,  
Дийдорини кўрмагунча ёнса бўлмас.

<sup>1</sup> Моя – асл, моҳият, асос.

<sup>2</sup> Тақсир – бу ерда: ўзни айблаш, гуноҳкор санаш.

<sup>3</sup> Ҳазрат – ҳузур, даргоҳ.

Тобунглар керак эрса бир иродат,  
Пириңдин етилур санга хуш каромат,  
Чин ошиқ агар тоборса минг маломат,  
Маломатсиз ушбу йўлға кирса бўлмас.

Бу мискин Сулаймонға дуо ёри,  
Дуода мақсадитурур Ҳақ дийдори,  
Биздин ўзга дўстларимиз кечди бори,  
Бу дунёда мангу боқий қолса бўлмас.

\* \* \*

Дўстларимиз, замонамиз ёвук келди,  
Тарсо, жухуд, бедин, кофир элга тўлди,  
Билдим эмди – ушбу жаҳон охир бўлди,  
Келинг, дўстлар, Ҳаққа қуллик қило кўринг.

\* \* \*

Уйқуни ҳаром қилғил узун тунда,  
Молингдин закот бергил бу кун мунда,  
Қиёмат бергай санга ёрин анда,  
Ўғил-қизинг илм ўргансун – бер устозға.

\* \* \*

Хайр қилсанг, қилмишингга битилгайсан,  
Тоат бирла борғонларға қотилғайсан<sup>1</sup>,  
Қиёмат кун ул томукдин қутулғайсан,  
Келинг, дўстлар, Ҳаққа қуллик қило кўринг.

<sup>1</sup> Қотилмоқ – кўшилмок.

Ушбу дунё фоний – боқий эрмас эрмиш,  
Қарор қилиб бир ерда турмас эрмиш,  
Үлгандар яна қайтиб келмас эрмиш,  
Келинг, дўстлар, Ҳакқа қуллик қило кўринг.

Қул Сулаймон, недак бўлғай санинг ишинг,  
Асиф қилмас ота-она, қариндошинг,  
Ўзингни қутқар эмди мунглиф бошинг,  
Келинг, дўстлар, Ҳаққа қуллик қило кўринг.

\* \* \*

Оллоҳ деган ошиқ қуллар маҳрум қолмас.

\* \* \*

Ўздин кечиб, муҳаббатда сизиб оқсам,  
Софий бўлуб, Ҳазрат тобо борғум келур.

\* \* \*

Оллоҳ ёди ошиқлардин холи бўлмас,  
Ҳақиқат эр бу дунёға майл қилмас,  
Ҳайрон бўлуб бу дунёни кўзга илмас,  
Ман тақи бу дунёни қўйғум келур.

Оллоҳ ёди кўнгилларни қилди хуррам,  
Балх мулкини қўюб, гилим<sup>1</sup> кийди Адҳам,  
Гилим киюб, ҳидоятға урди қадам,  
Ҳидоятға андоғ қадам урғум келур.

<sup>1</sup> Гилим – сўфийлар киядиган жун хирка.

\* \* \*

Оллоҳ деди, такаббурнинг уйин бузди.

\* \* \*

Дийдор тилогон ётмас, елга умрни сотмас,  
Мехнатга юзин четмас, жонин фидо килди-ё.

\* \* \*

Икки севуклук сифмас бир кўнгулнинг ичинда.

\* \* \*

Осиyllар иши душвор, онда кўрмагай дийдор,  
Азоб қилур ул Жаббор, ўрни томук деди-ё.

\* \* \*

Киёмат кун қийин кўргай ото сўзин тутмоғон,  
Турлук азоблар кўргай, сўзсизингдир теди-ё.

\* \* \*

Ҳак фармонин туtingлар, ҳаром,  
шубҳа еманглар,  
Киши молин олманглар, тебон жавоб берди-ё.

\* \* \*

Расулға бўлғон уммат аросатда бўлур шод,  
Бўлур дўзахдан озод, онда жавлон килди-ё.  
Ҳар ким анга етмади, иймонға кирмади,  
Куюб дўзах ичинда жовидона<sup>1</sup> қолди-ё.

<sup>1</sup> Жовидона (Жовид) – доимий, абадий, мангу.

\* \* \*

Замона охир бўлса, налар бўлғай?  
Дунёға турлук-турлук бало тўлғай,  
Олимлар чоғир ичиб, зино қилғай,  
Ондин ортуқ тақи ажаб донглари<sup>1</sup> вор<sup>2</sup>.

Саййидзода олимлар чоғир ичгай,  
Ҳалол кўюб, ҳаром ишга ҳарис бўлғай,  
Ҳақ таоло бало қапуғин тамом очқай,  
Ондин ортуқ тақи ажаб донглари вор.

Бахиллар ҳаром бирла ҳарис бўлғай,  
Кўб хотинлар эрларина ҳаром бўлғай,  
Ислом билмас бадбаҳтлар шодмон бўлғай,  
Ондин ортуқ тақи ажаб донглари вор.

Замона охир бўлса, олимлар озғай,  
Мўминларнинг ўғил-қизлари есир бўлғай,  
Кофирилар уфтонмай<sup>3</sup> манман тегай,  
Ондин ортуқ тақи ажаб донглари вор...

Қул Сулаймон, тоат қилғил, афви қилғай,  
Ўғоним асбобин қавий<sup>4</sup> бергай,  
Охиратда тоат бирлан раҳм қилғай,  
Ондин ортуқ тақи ажаб донглари вор.

<sup>1</sup> Донг (Данг) – ҳайрон, ҳайрат.

<sup>2</sup> Вор – бор.

<sup>3</sup> Уфтонмоқ – уялмоқ, андиша килмоқ.

<sup>4</sup> Қавий – кучли.

\* \* \*

Бу дунёга боқмағил,  
Молга күнгүл бермағил,  
Ҳақ қуллиғин қўймағил,  
Керак сенга деди-ё.

\* \* \*

Неча турсанг бу дунёда, борурсан  
охир уқбоға,  
Күнгүл берма, кўз олдурма, вафосиздур  
жаҳон эмди.

Наким қилсанг ҳаётингда, асиф қилмас  
мамотингда,  
Мамотинг қилмаса роҳат, на асифдур  
ҳаёт эмди.

Илонмагил бу беш кунлук тириклик,  
молу айвонга,  
На уй қолгай, на эл қолгай, на мол қолгай,  
на жон эмди.

\* \* \*

Даъво кўрки маъни эрур, билинг, дўстлар,  
Ўз айбини ўзи кўруб билгон қони?

\* \* \*

Азизлар, ушбу хасис дунё учун,  
Хор қилур канду азиз ўзлорини,  
Миннатлик жийфа ҳаром луқма учун,  
Сарғартиб заъфарондек юзлорини.

Миннатлик асал еса, басал<sup>1</sup> бўлур,  
Миннатсиз басал еса, асал бўлур,  
Умидсиз хомтамаълар ўсал бўлур,  
Ор қилғил махлуқларни рўзлорини.

Бу дунёда мангу тирик қолфум етур,  
Шукрин билмай ғофиллар асал еюр,  
Борчинни тўло қўюб, атлас кийур,  
Соқинмаз<sup>2</sup> икки жома<sup>3</sup> бўзлорини.

Бу янглиф озорини ҳаргиз билмас,  
Яротқонни бергонига шукр қилмас,  
Дунёни тугал берса, қўзи тўймас,  
Тўлдурғой бир кун туфроқ қўзларини.

Беш кунлук бу дунёда ғарра бўлма,  
Рўзингни Ҳақдин тила, халқдин кулма,  
Адоғи қул Сулаймон тамаъ қилма,  
Эшитма ўздин аччиғ сўзлорини.

\* \* \*

Аё одам, не учун фафлат тўнин киёрсан?  
Мағрур бўлуб дунёға, Ҳақ фармонин  
қўёрсан?

Ҳақ фармонин қўюбон, тунлар ётуб уюбон,  
Жон амалин қўюбон нафсга бўйун сунорсан.

<sup>1</sup> Басал – пиёз.

<sup>2</sup> Соқинмоқ – бу ерда: орзу қилмоқ.

<sup>3</sup> Жома – тўн.

Жон амалин қўймагил, нафсга  
бўйун сунмагил,  
Бу нафсингни сукмагил, сақлан,  
ногох куёрсан,

Кўр мухаббат дарёсин, маърифатнинг  
кимёсин,  
Ушбу фоний дунёсин не мунча кўп  
севорсан?

\* \* \*

Дунё сўймоқ хатоларни боши тею,  
Ул Мустафо бизни огоҳ қилмадиму?  
Анинг учун «ал-факру фахрий» тею,  
Уғондин дарвешликни қўлмадиму?

\* \* \*

Текма киши ақл-хушим телим бордур,  
На асиф бор, ўшал тилда сўз бўлмаса.  
Кўрклук киши кўркум бор, деб айтса бўлмас,  
Не кўргулук бор ўшал юзда кўз бўлмаса.

Эрми бўлур эсиз умрин елга берса,  
Окил эрмас, озуксизин йўлға кирса,  
Нечама, зебо киши яланг турса,  
На асиф бор, аврат ўртгу бўз бўлмаса.

Ишқ чакмоғин чакса, ҳаргиз ўти сўнмас,  
Ушоқ<sup>1</sup> эгри тизга босса, ҳаргиз кўнмас,

<sup>1</sup> Ушоқ – гўдак, ёш бола.

Курук кулга ўтун солиб хурса<sup>1</sup> ёнмас,  
Нетак ёнсун, ўшал кулда күз<sup>2</sup> бўлмаса.

Оқил киши муз устида бино қилмас,  
Тофу тошни олтун дебон сотса бўлмас,  
Тилакли кул тилагини истаб топмас,  
Нетак топсун, эсталикка из бўлмаса.

На асиф бор, қамуғ тонгнинг вақти кечса,  
Тоатсизин йигитликни ўти ўчса,  
Экинчилар киш кунинда тухум сочса,  
На асиф бор ёш умрима ёз бўлмаса.

Сотуқчилар сотуқини хорға сотмас,  
Ошиқ қуллар Оллоҳ тею, ғофил ётмас,  
Қаттиқ кунга қурук тикон туртуб ўтмас,  
Нетак ўтсун, учи фўлод<sup>3</sup> бийиз<sup>4</sup> бўлмаса.

Коҳил миниб, югурикликка етса бўлмас,  
Дўнгрул күшни девра эркан ўтса бўлмас,  
Душман табо туксиз ўқни отса бўлмас,  
Нетак борсун, кириш киргу кийиз бўлмаса.

Мальун Қорун дунё молин йиғган эрди,  
Мальун Шаддод учмохина киргай эрди,  
Ушбу жаҳон хуррам бўлуб қилғай эрди,  
Ногоҳ яна хазон ураг йил бўлмаса.

<sup>1</sup> *Хурса* – бу ерда: пулласа.

<sup>2</sup> *Күз* – бу ерда: чўғ.

<sup>3</sup> *Фўлод* – пўлат.

<sup>4</sup> *Бийиз* – бигиз.

Оч кишилар ош еюрда устун боқмас,  
Тұқ кишига асал берсанг ҳаргиз ёқмас,  
Нодон киши биликни ҳаргиз уқмас,  
Нетак уқсин, ақли тамом туз бўлмаса.

Дариғ тутма, мўминларга неъматингни,  
Истамагил савобингни, миннатингни,  
Қул Сулаймон, айтатурғил ҳикматингни,  
Нечама эмиш, сўзунг ўз бўлмаса.

\* \* \*

Олимларға омийлар хизмат қилмаз бўлди,  
Оlam аро ҳурматлидур авом эмди.

\* \* \*

Боқий дебон бу дунёға ишонмағил,  
Фонийтуур ушбу дунё – зиндан эмди.

\* \* \*

Эй азиз одам ўғли, дин изиси,  
Дунёнинг албобини<sup>1</sup> кўрмасмусан?  
Йигитлик кучи бирла дунё қувдинг,  
Ётиб эмди орғу бўлди, қўрқмасмусан?

Кўюб борғу бу дунёда мунча эмгак,  
Йигиб-териб эмганибон кучин кўрмоқ,  
Куч кўрууб эсланибон қўюб бормак,  
Кўюб борму ҳасратини сонмасмусун?

<sup>1</sup> Албоб – магиз, мохият.

Қани ул минг яшағон Одам Сафий,  
Минг үттүз йил умр күргөн Нухи набий,  
Түрт минг түрт юз яшағон Луқмон қани,  
Бу одамлар ерга борди, сонмасмусан?

\* \* \*

Ушбу дунё мазосин неча шириң севарсан,  
Мақом тутмас ҳеч киши, охир бир  
күн күчарсан.

Суйма дунё сучукин, қил охират сотукин,  
Савол сүрса қоттиғ қийн, на теб жавоб  
бергайсан?

\* \* \*

Тошдин қаттиқ күрмөк эрур илм еткуча,  
Ичинда илму хикмат йүллари бор.

\* \* \*

Азалдаги хукмидин қул қоча билмас.

\* \* \*

Асал темок бирла оғиз тилму тотир,  
Сүзни ўқуб, амал қиласа, хикмат бўлур.

\* \* \*

Эр ул бўлур, канду айбин кунда билса,  
Йигит эркан, тавба қилиб, сочинг берса,  
Изисининг ёдин айту гўрга кирса,  
Анинг гўри бу жаҳондин торми бўлур?

\* \* \*

Ориф қуллар Ҳақ ёдидин ғофил эрмас,  
Ғофил бўлуб, шайтонға мурод бермас,  
Бу йўлға киргон киши нелар кўрмас,  
Кўрмишини текма ерда дерми бўлур?

\* \* \*

Маърифат бирла бўлинур жон иззати,  
Маърифат бўлмаса жон жонми бўлур?  
Маърифат тўнин жонға кийдурмай,  
Ул жонға жонлар аро сонми бўлур?

\* \* \*

Бир нечани ишқ тузар, бир нечани ишқ бузар.

\* \* \*

Ишқ ўтида пишмаган барчаси афсонадур.

\* \* \*

Олимлар ечар жумла мушкилотни,  
Жоҳиллар жаҳлини ким тугар, дўстлар?

\* \* \*

Дину дунё илм бирлан бўлур ҳосил.

\* \* \*

Омийлар тану олим эрур танга жонтек.

\* \* \*

Олимни хорламак ҳеч эрмас раво,  
Хакир күрмак ул ҳам еру күк аро,  
Нечаким факир, мискин ул бенаво,  
Күрмангиз хор зинхор инкор, дўстлар.

\* \* \*

Босар ўлум арслон бикин яфлонларни,  
Хижоб қилмас бек, подшоҳ деб султонларни,  
Эрксиз элтар қари йигит ўғлонларни,  
Барчасин қаро ерга боса туур.

\* \* \*

Сувсағанда сув бўлмаса, дарё суви на фойда,  
Умр узок бўлмаса, соқинч<sup>1</sup> узок на фойда,  
Олим бўлғучи кўбтур, амал қилмас, на фойда,  
Гавҳар ётур дарёда, асиф қилмас, на фойда.

\* \* \*

Нафс жисмоний, тан зулмоний,  
жон нуроний.

\* \* \*

Ногахон бу дунёдин кўчмоқ керак,  
Тақдир қилғон ул шаробдин ичмоқ керак,  
Ажал келса, азиз жондин кечмоқ керак,  
Муни билиб, ўзни ўтдин юлмасмусан?

<sup>1</sup> Соқинч – фикр, ўй, хаёл.

\* \* \*

Борур еринг узоқ йўлдур, озук олгил,  
Озуқинг иймон туур, билмасмусан?

\* \* \*

Умрунг кечар, елдек учар, сира келмас ул,  
Инномагил, таянмагил ушбу жаҳонга.

\* \* \*

Неча ўкуш олтун-кумуш йифсанг қолғуси,  
Темурдин уй ёсор эрсанг, хароб бўлғуси,  
Ажал келиб, яқонг тутуб, ерга чолғуси,  
Эшитиб уқмас, харгиз бокмас дору дармонга.

Биздин бурун бу ер уза кимлор ўттилар,  
Ким обид, ким зоҳид – бори кеттилар,  
Ўшал гўрга, қоттиғ ерга бориб ёттилар,  
Куруб қайтиб, сизиб оқиб келмас бу ёнга.

\* \* \*

Қаро ерни қарнин кимса қучмоқи бор,  
Озуксизин борғон қуллар кўб хору зор,  
Ёрниги кун эсга олиб, бўлғил бедор,  
Мунглуг бўлуб, ҳасрат ичра ўлмас бурун.

Дўстларим, ушбу дунё елдек кечгай,  
Йиғинғон мол-тавор бори қолғай,  
Раҳмат, роҳат сочин эран қачон олғай,  
Хайру тоат озуқини сочмас бурун.

\* \* \*

Фариблиқ душвор эрур, аё дўстлар,  
Хеч кимарса ғариб ҳолин билгон борму?  
Туни-куни фурбат тортиб ғариблиқда,  
Ичи куюб, хасрат билан ўлган борму?

Ўтар эрмиш ғариблиқда фурбат ҳоли,  
То қолмади кўнгул ичра қилу ҳоли,  
Хар кунида ўлар эрмиш минг йўл дили,  
Мусулмонлар ғариб ҳолин сўрғон борму?

Юрур эрмиш ғариблиқда қўшдин-қўшқа,  
Душвор эрур гар қўйилса ёстиқ бошқа,  
Мунглув бўлуб ато-ано қариндошқа,  
Дўстларим, бу дардимға дармон борму?

Кариндош ҳасратида бўлуб хароб,  
Юрагим куйди, бўлди бағрим кабоб,  
Ғариларга раҳм қилсанг, кўпдур савоб,  
Раҳм килиб, ғариб ҳолин сўрғон борму?

\* \* \*

Ишқсиз жонлар дунёда телим юрар,  
сад ҳазор<sup>1</sup>,  
Ишқсиз жонлар юргунча ўлса керак,  
дўстларим.

\* \* \*

Хайру эҳсон қилгонлар ўлмадилар дунёда,  
Охиратда бирига минг олса керак, дўстларим.

<sup>1</sup> Сад ҳазор – юз минг.

---

---

## **МУНДАРИЖА**

### **АХМАД ЯССАВИЙ**

Эргаш ОЧИЛОВ. Маъно сирлари.....	4
Хикматлар.....	18

### **СУЛАЙМОН БОҚИРГОНИЙ**

Эргаш ОЧИЛОВ. Ҳикмат боғининг булбули.....	228
Ҳикматлар.....	240

*Адабий-бадиий нашр*

**«Тафаккур тухфалари»**

**АҲМАД ЯССАВИЙ,  
СУЛАЙМОН БОҚИРГОНИЙ**

**ҲИКМАТЛАР**

Муҳаррир *Б. Худоёрова*

Бадиий муҳаррир *Х. Кутлуков*

Техник муҳаррир *Л. Хижова*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Мусаххилар *Ш. Орипова, М. Ишонхонова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашр лицензияси АI № 158, 14.08.09.

Босишга 2013 йил 22 майда руҳсат этилди.

Бичими 70x90<sup>1/32</sup>. «Vitec Peterburg» гарнитурасида оғсет  
усулда босилди. Шартли босма табоби 9,94.

Нашр табоби 8,97. Адади 2000 нусха.

Буюртма № 13-211.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаба ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)